

ЭЛЕКТРОН НАШРЛАРГА ОИД МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚЛАРИ
(маълумот-услубий материаллар тўплами)

COPY RIGHT ON ELECTRONIC PUBLICATIONS
(reference and methodical materials collection)

АВТОРСКИЕ ПРАВА НА ЭЛЕКТРОННЫЕ ИЗДАНИЯ
(сборник справочно-методических материалов)

Тошкент – 2013

Масъул муҳаррир: М.А. Рахматуллаев, т.ф.д., профессор.

Юридик атамалар бўйича муҳаррир: О.О. Окюлов, ю.ф.д., профессор.

Электрон нашрларга оид муаллифлик ҳуқуқлари: Маълумот-услубий материаллар тўплами./Масъул муҳаррир: М.А.Рахматуллаев. - Т.: Тошкент юридик институти нашриёти, 2013. – 251 б.

Тўплам тузувчилари: профессор М.А.Рахматуллаев, Х.К.Каримова, доцент Б.И.Ганиева, т.ф.н. А.М.Хундибаев, доцент У.Ф.Каримов, А.Жапарова, И.М.Рахматуллаев, профессор О.О.Окюлов.

Тўплам eIFL (electronic information for libraries), Халқаро кутубхона консорциуми IP (EIFL-IP: copyright and libraries) www.eifl.net/ дастури кўмагида тайёрланган.

Мазкур тўплам электрон нашрларга тегишли муаллифлик ҳуқуқлари бўйича eIFL консорциуми муҳим материалларини ва тўплам тузувчиларининг аналитик мақолаларини жамлаган. Қонунчилик институтлари, ахборот-кутубхона муассасалари ва ўқув юртлари учун маълумот-услубий қўлланма сифатида тавсия этилади.

Ушбу тўплам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан маъқулланиб, чоп этишга тавсия этилган (2013 йил 4 январь №1-01-1 баённома)

The collection is created with eIFL international library consortium, eIFL-IP program assistance. www.eifl.net/.

It includes important information materials on Copy Right on electronic publications. The collection is advisable for libraries, universities and legislative authorities as reference-methodical materials. The collection will be useful for organizations which develop electronic information resources too.

The content of the collection is improved and approbated by Committee on Science, Education, Culture and Sport of Parliament of Uzbekistan Republic.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ/ПРЕДИСЛОВИЕ.....	4
Рахматуллаев М.А., Каримов У.Ф. КУТУБХОНАЛАРДА ЭЛЕКТРОН МАҚОЛАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	9
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ EIFL-IP МОДЕЛ ҚОНУНИ.....	21
EIFL – IP. БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲИМОЯЛАШ: МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА КУТУБХОНАЛАР. Кутубхоналар учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош масалалар бўйича маълумотнома.....	42
«КУТУБХОНАЧИЛАР УЧУН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ» МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ КУРСИ	90
Рахматуллаев М.А., Рахматуллаев И.М. ПРАВОВЫЕ АСПЕКТЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ ПУБЛИКАЦИЙ В ИНФОРМАЦИОННО-БИБЛИОТЕЧНЫХ ЦЕНТРАХ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	93
МОДЕЛЬНЫЙ ЗАКОН EIFL-IP ОБ АВТОРСКОМ ПРАВЕ	104
АВТОРСКИЕ ПРАВА ДЛЯ БИБЛИОТЕКАРЕЙ /По материалам EIFL консорциума.	129
ЭЛЕКТРОН НАШРЛАРГА ОИД МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ АТАМАЛАРИНИНГ ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ /Узбекско-русский толковый словарь по авторским правам на электронные издания.....	186
Адабиётлар/Список использованной литературы	238
ПРИЛОЖЕНИЕ.....	240
Формы лицензионных соглашений (договоров) с авторами или правообладателями произведений:	
Лицензионное соглашение. Вариант 1.	
Лицензионное соглашение. Вариант 2.	
Лицензионное соглашение. Вариант 3.	

СЎЗ БОШИ / ПРЕДИСЛОВИЕ

Ўзбекистонда бугунги кунда ахборот кутубхоначилик иш жараёнларини автоматлаштириш ва электрон кутубхоналар яратиш билан боғлиқ бўлган ахборот муҳити шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ахборот технологияларининг кенг қўлланилиши электрон кўринишдаги ахборотнинг кенг тарқатилиши, ундан нусха кўчиришнинг осонлиги, соддалиги ва барчанинг бу имкониятдан фойдалана олиши, нафақат инсониятнинг интеллектуал меҳнати маҳсули бўлган асарлар яратишга, балки рақамли кўринишдаги интеллектуал мулк объектларининг фойдаланувчилари ва мулк эгалари ўртасидаги ихтилофларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлмоқди.

Кўпгина университетлар, ахборот–кутубхона муассасалари ўзларининг электрон ресурсларини электрон каталог, тўлиқ матн кўринишидаги маълумотлар базаси, мультимедиа кўринишида шакллантирмоқда. Журнал мақолалари, китоблар, бошқа турдаги асарларни киритаётганда кўп ҳолларда муаллифлик ҳуқуқлари билан боғлиқ саволлар туғилади. Ўз асарининг электрон форматда Интернет ёки локал тармоқ орқали очик фойдаланилишига ёки сотилишига муаллиф розими? Ўқитувчи ўз маърузаларини университет ёки мактаб электрон кутубхонасига тақдим этишни хоҳлайдими? Маълумот базаларимизга хорижий муаллифларнинг ёки ноширларнинг розилигисиз электрон дарсликлар, мақолалар ва шу кабиларни киритилиши тўғрими?

Мазкур муаммо бугунги кунда, нафақат, электрон ресурсларни шакллантириш ишларини энди бошлаётган мамлакатларда долзарб. Шунитаъкидлаш жоизки, хорижий матбуот ва ахборот воситаларида ривожланган мамлакатлардаги муаллифлик ҳимояси масалалари билан боғлиқ суд жараёнлари ҳақидаги мақолалар тез-тез кўзга чалинмоқда. Кўплаб муаллифлар глобал ахборот маконида ўзларининг ҳуқуқлари борасида фикрларини билдирмоқдалар.

Асарларни электрон тақдим этишнинг хилма-хиллиги, ахборотни тарқатишда Интернет ва телекоммуникация воситаларининг улкан имкониятлари ўз навбатида асар яратувчилари учун муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммосини юзага келтирди. Шу муносабат билан электрон ресурсларни шакллантирувчи ахборот-кутубхона муассасалари ва бошқа муассасалар мазкур ресурсларнинг муаллифлик ҳуқуқларининг ҳимояланганлиги, улардан фойдаланиш ҳуқуқига қанчалик эга эканликлари, республикамизда мазкур масалага қаратилган ҳукумат қарорлари ва қонуннинг мавжудлигига аҳамият қаратишлари зарур. Бунда катта масъулият қимматли электрон фондларга эга бўлган ва янгиларини яратаётган ахборот–кутубхона муассасалари зиммасига тушади.

Мазкур тўплам eIFL Халқаро консорциуми ва унинг eIFL-IP дастури ҳомийлиги остида “Муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ривожлантириш борасидаги чора тадбирлар” лойиҳасини амалга ошириш жараёнда тайёрланган материаллар асосида шакллантирилган.

Лойиҳанинг асосий ғояси – Муаллифлик ҳуқуқи борасидаги қонунчилигимизнинг, айниқса электрон илмий–таълимий ресурсларга оид қисмини янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Мазкур тўпламнинг мақсади:

1. Семинар, давра суҳбатлари тавсиялари ва халқаро тажрибани қўллаш натижасида Муаллифлик ҳуқуқлари борасидаги қонунчилигимизнинг электрон нашрларга тааллуқли бўлимларини такомиллаштириш;

2. Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари муаллиф ва ноширлар билан мазкур йўналишдаги маҳаллий қонунлар, халқаро нормалар асосида икки томонлама фойдали битимлар тузишда кўмаклашиш;

3. Олий ўқув юртларининг Ахборот-кутубхона, архив ва бошқа йўналишларида муаллифлик ҳуқуқлари билан боғлиқ фанлардан таълим беришни йўлга қўйиш ва такомиллаштириш;

4. Республикада тадқиқотчилар, ўқитувчилар ва олий ўқув юртларида таълим олувчилар учун илмий электрон нашрларни яратишда ношир ва муаллифларни рағбатлантириш;

5. Муаллифлик ҳуқуқлари, айниқса, электрон нашрларга оид ҳуқуқлар масаласига замонавий ёндошиш, муаллиф ва ноширларни рағбатлантириш усул ва механизмлари борасида билимларини ошириш каби масалаларда ахборот услубий кўмак беришдан иборатдир.

В Узбекистане в настоящее время довольно быстрыми темпами развивается информационная сфера, связанная с созданием электронных библиотек и автоматизацией библиотечных процессов. Широкое использование информационных технологий, доступность и простота копирования и распространения информации в электронной форме дали огромные возможности не только для создания произведений – плодам интеллектуального труда человечества, но привело к конфликту интересов потребителей объектов интеллектуальной собственности, выраженных в цифровой форме, и правообладателей.

Многие университеты, информационно-библиотечные учреждения формируют свои электронные ресурсы в виде электронных каталогов,

полнотекстовых баз данных и мультимедиа. При вводе статей, журналов, книг, учебников и других произведений не редко возникают вопросы, связанные с авторскими правами. Согласен ли автор, чтобы его произведение было в электронном формате, представлено для открытого доступа в Интернете или в локальной сети для открытого доступа или на продажу? Хочет ли преподаватель представить свои лекции в электронной библиотеке университета или школы? Правомерно ли, что мы включаем в наши базы электронных учебников, статей, подборок и т.д. произведения зарубежных авторов без их согласия или согласия издателя? Эта проблема появляется не только в тех странах, где только начинаются работы по созданию электронных ресурсов. В зарубежной периодике, в средствах СМИ все чаще мелькают статьи о судебных процессах в развитых странах, связанных с вопросами защиты авторских прав. Все больше авторов, которые выступают за свои права в глобальном информационном пространстве. Своеобразие электронного представления произведений, огромные возможности Интернет и других средств телекоммуникаций для оперативного распространения информации сформировали такую проблему как защита авторских прав создателя произведения, будь это учебник, статья, журнал и т.д.

Поэтому необходимо тщательно рассмотреть такой важный аспект как, на сколько защищены авторы произведений, на сколько информационно-библиотечные учреждения и другие организации, формирующие электронные ресурсы вправе использовать эти произведения, какие законы и правительственные постановления направлены на решение этой актуальной темы в республике. При этом очень ответственная роль принадлежит библиотечным учреждениям, которые не редко являются владельцами очень ценных электронных фондов и создают новые электронные коллекции, предоставляют произведения авторов для массового бесплатного использования.

В сборнике использованы материалы международного библиотечного консорциума eIFL, членом которого Узбекистан является с 2000 года.

eIFL (Electronic Information For Libraries - www.eifl.net) – это непрофильная организация, которая поддерживает и защищает доступность электронных ресурсов для пользователей библиотеки в развивающихся странах и в странах с переходной экономикой.

Базовая активность организации – это участие в переговорах по подписке с участием многонациональных консорциумов, поддержка национальных библиотечных консорциумов, поддержка обмена знаниями в глобальном масштабе и формирование сетей в соответствующих областях таких, как издания открытого доступа, права интеллектуальной

собственности, открытые компьютерные программы для библиотек и создание институциональных депозитариев с местными материалами. В настоящее время членами консорциума являются около 50 стран и около 5000 информационно-библиотечных учреждений мира.

Данный сборник сформирован из материалов, подготовленных при реализации проекта «ОРГАНИЗАЦИЯ МЕРОПРИЯТИЙ ПО РАЗВИТИЮ ЗАКОНА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН «ОБ АВТОРСКОМ ПРАВЕ И СМЕЖНЫХ ПРАВАХ», выполненный при поддержке международного консорциума eIFL и его программы eIFL-IP.

Основная идея проекта заключалась в проведении мероприятий по улучшению действующего законодательства по защите Авторских прав, касающихся электронных научно-образовательных ресурсов и улучшения преподавания соответствующих дисциплин.

Цель данного сборника – оказание информационно- методического содействия в:

1. Улучшении законодательной базы по вопросам авторских прав в разделах касающихся электронных изданий, благодаря рекомендациям, данным по результатам семинаров и круглых столов и использованию мирового передового опыта;

2. Заключении сотрудниками информационно-библиотечных учреждений(ИБУ) взаимовыгодных соглашений с авторами и издателями, отвечающие требованиям как местных законов, так и международных условий по данному направлению;

3. Улучшении преподавания дисциплин, связанных с авторскими правами, в библиотечных и архивных и др. факультетах вузов;

4. Стимулировании издательской деятельности в республике и написании научных публикаций, особенно электронных, для исследователей, преподавателей и учащихся вузов.

5. Повышении уровня знаний по современному подходу к проблемам авторских прав, особенно по электронным изданиям, методам и механизмам стимулирования авторов, издателей.

В сборнике даны материалы, переведенные, проанализированные и отобранные из ценных зарубежных источников и предоставленные международным консорциумом eIFL с учетом их важности для Республики Узбекистан. Часть материалов, представляющая особую ценность, переведена и на русский, и на узбекский языки. Также в сборнике имеются статьи, подготовленные составителями, где даны анализ и предложения по развитию электронных публикаций в республике с учетом авторских прав.

Данный сборник рекомендуется как справочно-методическое пособие главным образом для информационно-библиотечных учреждений

при оцифровке литературы и использовании электронных ресурсов и учебных заведений, где изучаются или собираются преподавать вопросы авторского права для электронных изданий. Также материалы могут быть полезны и для законодательных институтов в плане проработки вопросов по изменению соответствующих законов и положений, касающихся авторских прав электронных изданий.

Авторы сборника выражают особую благодарность Терезе Хакет, координатору eIFL-IP за поддержку в реализации проекта, ректору О.З.Мухамеджанову и проректору Д.Р.Юсупову Ташкентского юридического института в подготовке и выпуске данного сборника, заведующему отделом Агентства по интеллектуальной собственности Республики Узбекистан Я.В. Муминову, за ценные советы и предложения, а также директору Республиканского информационно-библиотечного центра А.А. Абдуазизову за оказание содействия в проведении круглого стола в РИБЦ по обсуждению данной темы с участием ведущих юристов и специалистов по интеллектуальной собственности и информационно-библиотечной деятельности.

М.А. Рахматуллаев, д.т.н., профессор

КУТУБХОНАЛАРДА ЭЛЕКТРОН МАҚОЛАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ЖИХАТЛАРИ

М.А. Рахматуллаев, У.Ф. Каримов.

Мақола электрон мақолалар муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалаларига, қандай қилиб Ўзбекистон Республикаси “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги” Қонуни ахборот-кутубхона муассаларида улардан фойдаланишга имкон бериш ва шу билан бирга, муаллифлар ва фойдаланувчилар қандай муаммоларга дуч келишлари мумкинлиги масалаларига бағишланган. Бундан ташқари, маълумотлардан фойдаланиш, ишларини оммавий фойдаланиш учун ўз электрон тўпламларига киритишни хоҳлаган ташкилотларнинг мақолалар муаллифлари билан битимлар тузишлари бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда электрон кутубхоналар яратиш ва кутубхона иш жараёнларини автоматлаштириш билан боғлиқ ахборот соҳаси жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш, электрон шаклда ахборотларни кўпайтириш ва тарқатиш арзонлиги ва оддийлиги инсоннинг интеллектуал меҳнати маҳсули бўлган – ижодий асарларни яратиш учун катта имкониятлар яратиш билан бирга, рақамли шаклда ифода этилган интеллектуал мулк объектларидан фойдаланувчилар ҳамда эгаллик қилиш ҳуқуқи эгалари манфаатлари ўртасида низолар келтириб чиқарди.

Кўпчилик университетлар ва ахборот-кутубхона муассасалари электрон каталоглар, тўла матнли маълумотлар базалари ҳамда мультимедиа кўринишида ўз электрон ресурсларини яратмоқдалар. Мақолалар, журналлар, китоблар, дарсликлар ва бошқа асарларни киритишда кўпинча муаллифлик ҳуқуқи билан боғлиқ масалалар юзага келади. Муаллиф унинг асари электрон шаклда бўлишини, эркин фойдаланиш учун Интернетда ёки очик фойдаланиш ёки сотиш учун локал тармоқда тақдим этилишига рози бўлармикан? Ўқитувчи ўзининг лекцияларини университет ёки мактаб электрон кутубхонасида тақдим этишни хоҳлайдими? Ўзимизнинг электрон дарсликларимиз, мақолаларимиз, тўпламларимиз ва шу кабиларга чет эллик муаллифларнинг асарларини уларнинг ёки нашр этувчининг розилигисиз киритишимиз тўғримики? Ушбу муаммо фақатгина электрон ресурсларни яратиш бўйича ишлар энди бошланаётган мамлакатлардагина пайдо бўлмайди. Чет эл нашрлари, оммавий ахборот воситаларида ривожланган мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш масалалари билан боғлиқ суд жараёнлари тўғрисидаги мақолалар тез-тез

учраб турибди. Глобал ахборот муҳитида ўзларининг муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган муаллифлар кўпайиб бормокда. Асарларни электрон кўринишда тақдим этишнинг ўзига хослиги, Интернет ва ахборотларни тезкор тарқатиш учун телекоммуникациялар бошқа воситаларининг катта имкониятлари дарслик, мақола, журнал бўлсин, асар яратувчисининг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш каби муаммосини келтириб чиқарди.

Шунинг учун асарлар муаллифлари қанчалик ҳимояланганликлари, кутубхоналар, ахборот ресурс марказлари (АРМ) ва электрон русурслар яратувчи бошқа ташкилотлар ушбу асарлардан фойдаланишга ҳақлилар, республикада қайси қонунлар ва ҳукумат қарорлари мана шу долзарб мавзунини ҳал этишга йўналтирилганлиги каби муҳим жиҳатларини пухта ўрганиб чиқиш керак.

Шу билан бирга, кам ҳолатларда жуда қимматли электрон фондлар эгалари бўладиган ва янгиларини яратадиган кутубхона муассасалари катта масъулиятли рол ўйнайдилар.

“Муаллифлик ҳуқуқи (МХ)” тушунчасининг ўзи XVIII асрнинг бошидаёқ пайдо бўлган. Ушбу ҳуқуқнинг асосий мақсади – инсоннинг интеллектуал фаолиятини ҳимоя қилиш ва тақдирлаш ҳисобланади.

МХ термини икки хил мазмунга эга:

- Ўзининг ишини тақдорлаш ёки оммавий тақдим этиш мумкинлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш муаллифнинг шахсий ҳуқуқи;

- Муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юридик тизими, моддий ҳуқуқий тизимнинг бир қисми.

МХ (Муаллифлик ҳуқуқи) асарларга ўзининг умумий қаттиқ талабларини кўяди:

- Муаллиф ўз ишига маънавий ҳуқуқга эга;
- Ҳеч ким муаллифнинг руҳсатисиз уни ўзгартириш ёки муаллифнинг фамилиясини кўрсатмасдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас;
- Муаллиф бажарган иши учун мукофот олиш ҳуқуқига ҳам эга;
- продюсер/нашриётчи ҳам кўпчилик ҳолларда кўшган ҳиссаси учун мукофот олиши керак.

Барча ҳолатларда ҳам ушбу қаттиқ талаблар қўйиладими? Ҳар доим ҳам муаллифлик ҳуқуқи қаттиқ талабларига амал қилиш зарурми? Агар шу масалани чуқурроқ таҳлил қилиб чиқилса, умумий қаттиқ қоидалардан қатор четланишларни кўрсатиш мумкин. Бу асосан МХ учун маълум чигирмалар нима мақсадда берилишига тааллуқлидир: таълим мақсадларидами? Маданиятни ривожлантириш мақсадларидами? Ижтимоий мақсадлардами?

Кутубхона – бу ахборот ресурсларидан фойдаланиш фаоллиги энг кўп кузатиладиган соҳа бўлганлиги учун айнан кутубхоналар ходимлари қандайдир алоҳида шартларни ҳисобга олиб ахборот ресурсларидан фойдаланиш чекланишлари ҳамда имкониятлари доирасини ўрганишлари зарур. Кутубхоналар энди китоб, кассеталар каби физик объектларга эга бўлиш балки Интернет тармоғидан ва бошқа рақамли ахборот ресурсларидан (электрон журналлар, маълумотлар базалари ва шу кабилар) эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмоқдалар.

Кутубхоначиларда янги ташвишлар ва вазифалар пайдо бўлмоқда:

- электрон ресурслардан фойдаланиш тартиби тўғрисида лицензияли келишувларни тузиш.
- Улар кутубхона фонди бир қисми сифатида тармоқ ҳужжатларини танлаб олиш, баҳолаш ва солиштиришни ўрганиб олишлари керак.
- Шартнома ва шартнома ҳуқуқини ўқиш учун қўшимча билим ва кўникмалар олишлари ҳамда музокаралар олиб бориш кўникмаларини эгаллашлари керак.

МХ га амал қилиш илмий, илмий-оммабоп, бадиий ва бошқа асарларни рағбатлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Ўз асарларини кутубхоналарда эълон қилиш ва тақдим этишга ижодий шахсларни жалб қилиш учун самарали рағбатлантириш механизмларини топиш зарур. Ривожланган чет давлатлари тадқиқотлари нима учун муаллифлар кутубхоналарда эркин фойдаланиш учун ўз асарларини тақдим эта олишлари муҳим сабабларидан бири – бу муаллифнинг мақолалари ёки китобидан фойдаланиш анча ўсиши эканлигини кўрсатади. Мана шунинг ҳисобига унинг асарларига ўқувчиларнинг қизиқишлари ва талаб даражаси ўсади.

Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам кутубхона муаллиф билан лицензияли келишув тузиши керак. Келишув тузиш қандайдир қатъий стандартлари мавжуд эмас, аммо муаллиф билан имзоланишида амал қилиниши керак бўлган томонлари бор. Бу томонлари нималардан иборат?

Одатда лицензияли келишувларда қуйидаги тушунчаларга кирувчи моддалари бўлади:

- Келишув томони
- Декларатив қисми
- Келишув изоҳлари
- Аниқлик киритиш
- Қонунни танлаш
- Шартноманинг асосий қисми
- Ушуб лицензия томонидан бериладиган ҳуқуқ
- Қўллаш чекланишлари

- Амал қилиш муддати ва тугаши санаси
- Еткази бериш усули ва лицензиялаштирилган материаллардан фойдаланиш

- Лицензион тўлов
- Лицензия эгасининг (кутубхонанинг) ҳаракатлари
- Бажариш ва баҳолаш
- кафолотлари, мажбуриятлар, зарарни ўрнини тўлдириш
- Форс-мажор

- Ҳуқуқини сотиш(бериш)

- Хабардор қилиш
- келишмовчиликларни ҳал қилиш
- қўшимча ҳужжатлар
- имзолар

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда муаллифлик ҳуқуқлари «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги» (21.07.2006 йил) қонун билан белгиланади. Афсуски электрон нашрлар билан боғлиқ пунктларни ҳисобга олиш мумкин бўлган моддалари ёки алоҳида қонун хали йўқ, аммо ҳозирги пайтда асарлардан кутубхоналарда фойдаланишда МҲни ҳимоя қилиш учун ушбу Қонуннинг қатор моддаларидан фойдаланишимиз мумкин. Электрон ресурслардан нусха олиш, шакллантириш ва ёзма ҳамда электрон версияларни тарқатишда кутубхоналар амал қилишлари мумкин бўлган Қонуннинг энг муҳим моддаларини кўриб чиқамиз.

4 Моддага биноан «МҲ қуйидагиларга тааллуқли: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган ёки Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига эга бўлган муаллифлар асарлари ёки бошқа МҲ дастлабки эгаларига; муаллифларнинг фуқаролиги ва доимий турар жойидан қатъий назар биринчи бор Ўзбекистон Республикасида эълон қилинган асарларга; Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига биноан Ўзбекистон Республикасида қўриқланадиган асарларга».

Муаллифлик ҳуқуқи (МҲ) адабиёт асарларига ҳам тааллуқли (5 Модда.). Электрон ресурсларни, электрон маълумотлар базаларини, кутубхоналарни яратишга агарда биз кимнингдир асаридан фойдаланадиган бўлсак ушбу моддага амал қилишимиз керак бўлади.

МҲ бирор бир объектив шаклда бўлган, эълон қилинган ҳамда эълон қилинмаган асарларга ҳам тааллуқли: ёзма (қўлёзма, машина терилган, нота ёзуви ва шу кабилар); овозли ёки видео (механик, магнитли, рақамли, оптик ва шу каби); тасвир (расм, эскиз, картина, план, чизма, кино-, теле-, видео- ёки фотокадр ва шу кабилар); бошқа форматларда.

6. Моддага биноан қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқалар);
- драма ва сценарий асарлари;
- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;
- мусиқали драма асарлари;
- аудиовизуал асарлар;
- фотосурат асарлари ва фотосуратга ўхшаш усул билан олинган асарлар;
- жўғрофия, геологик ва бошқа хариталар, планлар, эскизлар ва географияга, топографияга ҳамда бошқа фанларга тааллуқли асарлар.

Шундан келиб чиққан ҳолда агарда дарсликлар, илмий мақолалар, китоблар ва бошқаларни рақамли турига айлантормоқчи бўлсангиз ушбу асарлардан ихтиёрий фойдаланиш, кўпайтириш бўйича Қонун қўядиган чекланишларни ҳисобга олишга мажбурсиз.

7. Моддага биноан асарларнинг бир қисми, асарнинг хосиласи ва таркибий қисмлари ҳам муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланишини эсда тутиш зарур. Бунга қуйидагилар киради: мустақил фойдаланилиши мумкин бўлган асарнинг бир қисмлари (шу жумладан унинг номи); асарнинг хосилалари (таржималар, ишланма асарлар, аннотациялар, рефератлар, мухтасар хулосалар, шарҳлар, инсценировкалар, аранжировкалар, соддалаштиришлар ҳамда фан, адабиёт ва санъат асарларининг бошқа қайта ишланмалари); тўпламлар (энциклопедиялар, антологиялар, маълумотлар базалари) ва материалларнинг танлаб олиниши ёки жойлаштирилганлигига кўра ижодий меҳнат натижаси бўлган бошқа жамлама асарлар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, электрон тўлама матнли маълумотлар базасини ва мультимедиали маълумотлар базасини яратишда кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимедиали шаклда) фойдаланаётганлигимизни ҳисобга олиш керак.

Расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар ва шукабилар) ҳамда уларнинг таржималари муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланмайдилар; расмий белгилар ва рамзлар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилар ва шу кабилар); одатий оммавий ахборот хусусиятига эга кун янгиликлар тўғрисидаги ёки кундалик ходисалар тўғрисидаги хабарлар. Ушбу ҳужжатлар агарда очиқ матбуотда эълон қилинган ёки жамоатчилик хабардор бўлса ҳеч бир махсус рухсатларсиз ва келишувларсиз электрон маълумотлар базасига киритилиши мумкин.

Ким асарнинг муаллифи ҳисобланади? Муаллифлик ҳуқуқи барча қоидаларига амал қилиш учун кимга мурожаат этиш керак? Асарнинг асл

нусхаси ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс муаллиф ҳисобланади (10 Модда).

Асар имзосиз ёки таҳаллус остида чоп этилган тақдирда (муаллифнинг таҳаллуси унинг ким эканлигига шубҳа қолдирмайдиган ҳоллар бундан мустасно), асарни чоп этган, асарда исми-шарифи ёки номи кўрсатилган ношир, агар бошқа далиллар бўлмаса, муаллифнинг вакили ҳисобланади ҳамда муаллифнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш ҳуқуқига эгадир. Бу қоида бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор этгунига ва ўзининг муаллиф эканлигини маълум қилгунига қадар амалда бўлади.

Аммо асар бир неча муаллифлар томонидан ёзилган бўлиши мумкин. Ҳамкорликдаги асарга МҲ шундай асар ажралмас яхлитни ташкил қиладими ёки ҳар бири мустақил аҳамиятга эга қисмлардан ташкил топадими, бундан қатъий назар ҳамкорликда ҳаммуаллифларга тегишли бўлади. Шу билан бир вақтда муаллифлар ўртасида қандайдир расмий келишувлар бўлмаса ҳаммуаллифлардан ҳар бири мустақил аҳамиятга эга бўлган ўзи яратган асарнинг бир қисмидан фойдаланиш ҳуқуқига эга (12 Модда).

Кўпинча қандайдир асарлар қайта ишланади. Бу ҳолат одатда илмий асарлар, китоблар билан кузатилади. Уларнинг асосларида бошқа муаллифлар тўлдиришлар ва қўшимчалар билан ўз асарларини яратадилар. Яъни умуман олганда янги асар пайдо бўлади. Агарда яратилаётган электрон ресурсда бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланилган бўлса моҳияти бўйича асарнинг ҳосиласи ҳисобланади. Асар ҳосиласи муаллифига у қайта ишлаган адабиёт ва санъат асарига МҲ тегишли бўлади (13 Модда). Ҳосила асарнинг муаллифи қайта ишланган асарнинг муаллифи ҳуқуқларига амал қилиши шарти билан ўзи яратган асарга МҲ дан фойдаланади. Булар дастлабки муаллифга илова ёки қандайдир келишувлар бўлиши керак. Ҳосила асарнинг муаллифи МҲ қайта ишлашга асос бўлган асарни бошқа шахслар томонидан қайта ишлашларига тўсиқ бўлмайди.

Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усул билан фойдаланиш ҳуқуқига эга (19 Модда). Яъни ўз асарларини рақамлаштиришга, маълумотлар базасида сақлашга, Интернет орқали тарқатиш учун бериш ёки бермаслигини ўзи ҳал қилиши ҳуқуқига эга.

Асардан фойдаланишга муаллифнинг фавқулотда ҳуқуқи қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириш ёки руҳсат буриш ҳуқуқини англатади:

- асарнинг асл нусхасини ёки нусхаларини сотиш ёки бошқа хусусийликлик ҳуқуқини (тарқатиш ҳуқуқини) бериш билан тарқатиш. Мисол учун, муаллиф асарнинг рақамлаштирилган версияси фақатгина ушбу кутубхонанинг локал маълумотлар базасида сақланиши мумкинлиги шарти билан ўз асарини кутубхонага бериши мумкин;

- асарни ўзгартириш, безаш ёки бошқа усул билан қайта ишлаш (қайта ишлаш ҳуқуқи);

- Муаллиф асаридан ҳар бир фойдаланиш тури учун мукофот олиш ҳуқуқига эга (мукофот олиш ҳуқуқи).

Асардан даромад олиш мақсадида фойдаланилганми ёки ундан фойдаланишда буни кўзланмаганми бундан қатъий назар у фойдаланилган ҳисобланади. Ўз ўқувчиларига бепул тақдим этиш учун асарни рақамлаштирган, аммо буни муаллиф билан келишмаган кутубхоналар, АРМлар ҳам МХни бузган ҳисобланадилар.

«Қайси асарлардан муаллифнинг рухсатсиз фойдаланишимиз мумкин?», «Муаллиф оламдан ўтган бўлса нима қилиш керак?», «Қадимий қўлёзмалар, нодир асарларни нима қилиш мумкин?», «Улар кимнинг мулки?», «Уларни ортиқча қоғозбозликсиз рақамлаштириш мумкинми?» деган саволлар жуда муҳим.

Асар муаллифининг ёки бошқа ҳуқуқ эгаси розилигисиз ва мукофот тўламасдан кутубхоналар эркин фойдаланиладиган асарлар нусхаларини вақтинчалик фойдаланишга тақдим этишлари мумкин. Бунда муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлган, рақамли шаклда ифодаланган асарларнинг нусхалари, шу жумладан кутубхона ресурсларидан ўзаро фойдаланиш тартибида бериладиган асарларнинг нусхалари бу асарларнинг рақамли шаклдаги кўчирма нусхаларини яратиш имкониятини истисно этиш шарти билан фақат кутубхоналарнинг биноларида вақтинчалик фойдаланишга берилиши мумкин.(26 Модда)

Асардан муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланилишига зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етказмаслик шарти билан қуйидаги тарзда эркин фойдаланишга йўл қўйилади:

Даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва олинган манбаини албатта кўрсатган тарзда бир нусхада репрографик такрорлашга йўл қўйилади (27 Модда):

- кутубхоналар ва архивлар томонидан - асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

- кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек таълим муассасалари томонидан аудитория машғулотлари учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва

кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада.

Кутубхона ўз ўқувчилари учун мана шундай ихтисослаштирилган электрон кутубхоналарни яратиши мумкин.

Қонун дастурли маҳсулотлар ва маълумотлар базалари эгалари ва фойдаланишга МҲ ни ҳам қамраб оладм. ЭҲМ учун дастурнинг ёки маълумотлар базасининг нусхасига қонуний эга бўлган шахснинг кейинчалик шахсий фойдаланиш мақсадида ЭҲМ учун дастурни ёки маълумотлар базасини эркин такрорлашга ва соддалаштиришга бўлган ҳуқуқи қонун билан белгиланади. (32 Модда).

Муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида амал қилади (35 Модда). Ҳаммуаллифликда яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи ҳаммуаллифларнинг бутун ҳаёти давомида ва ҳаммуаллифлар орасида энг узоқ умр кўрган охириги шахс вафот этганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Агарда асарнинг муаллифи ва ҳаммуаллифлар эллик йил илгари вафот этган бўлсалар кутубхона ҳеч бир махсус рухсатларсиз электрон ресурслар яратиши ва уларни локал тармоқда, Интернетда ҳамда сотиш учун тақдим этиши мумкин.

Муаллифнинг вафотидан кейин биринчи марта эълон қилинган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи асар эълон қилинганидан кейин эллик йил давомида амал қилади. Яъни кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалар қўшимча рухсатларсиз рақамлаштирилиши мумкин.

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқлари мерос бўйича ўтади. (36 Модда).

Муаллифнинг шахсий номулкӣ ҳуқуқлари мерос бўйича ўтмайди. Муаллифнинг меросхўрлари кўрсатилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишга ҳақлидир. Меросхўрларнинг ушбу ҳуқуқлари муддат билан чекланмайди. Асарларга бўлган муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатининг тугаши уларнинг ижтимоӣ мулкка айланишини билдиради.(37 Модда).

Мулкӣ ҳуқуқлар фақат муаллифлик шартномасини тузиш йўли билан ҳуқуқ эгаси томонидан бошқа шахсга ўтказилиши мумкин (38 Модда).

Муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш мутлақ ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида ёки мутлақ бўлмаган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги муаллифлик шартномаси асосида амалга оширилиши мумкин.

Муаллифлик шартномаси (ёки лицензия келишуви) куйидагиларни назар тутилши керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида ўтказиладиган конкрет ҳуқуқлар);

- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлаш тартиби ҳамда муддатлари (39 Модда).

Мисол учун муаллиф ўзасарининг электрон шаклидан фақатгина ушбу кутубхона доирасида (компьютерли ўқув залида) ва унинг ўқувчилари учун нусха олиш ҳуқуқисиз фойдаланишга рухсат бериши мумкин. У электрон версиясини сотишда фоизларни талаб қилиши ёки ҳеч қандай чекланишларсиз кутубхонага ундан фойдаланиш тўла эркинлигини бериши мумкин. Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга ўтказилиши тўғрисида шарт бўлмаган тақдирда, шартнома тузилган санадан бошлаб беш йил ўтганидан кейин, агар фойдаланувчи шартнома бекор қилингунига қадар камида олти ой олдин бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, шартнома муаллиф томонидан бекор қилиниши мумкин.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи амал қиладиган ҳудуд доираси тўғрисидаги шарт бўлмаган тақдирда, шартномага биноан бошқа шахсга ўтказилаётган ҳуқуқнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудуди билан чекланади. Бошқа шахсга ўтказилиши муаллифлик шартномасида бевосита назарда тутилмаган асардан фойдаланиш ҳуқуқлари бошқа шахсга ўтказилмаган деб ҳисобланади.

Тўланадиган ҳақ муаллифлик шартномасида асардан фойдаланишнинг тегишли усули учун олинадиган даромаддан фоиз тарзида белгиланади ёки агар буни асарнинг хусусияти ёки ундан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда амалга ошириш мумкин бўлмаса, шартномада қайд этилган сумма тарзида ёхуд бошқача тарзда белгиланади.

Шартномада масалан асарни онлайн фойдаланишда пуллик тақдим этилганда фойданинг маҳълум қисмини тўлаш каби мукофот тури кўзда тутилиши мумкин. Бундай ҳолатларда манбага неча бор мурожаат этилганлиги, асардан неча бор нусха олинганлиги қатъий қайд этилиши керак.

Асарлар муаллифлари, ижрочилари ёки бошқа ҳуқуқ эгалари ўз мулкӣ ҳуқуқларини амалга ошириш мақсадида ўз мулкӣ ҳуқуқларини жамоавий асосда бошқарадиган ташкилотлар тузишга ҳақлидир (56-60 Моддалар).

Кутубхона консорциуми шундай ташкилот бўлиши мумкин. Консорциум, нотижорат ташкилот сифатида муаллиф билан асарнинг электрон шаклидан ва кутубхона – консорциумаъзолари доирасида фойдаланишга эксклюзив ҳуқуқга шартнома тузиши мумкин. Бу ҳолат консорциумга бирлашган кутубхоналарга ҳар бири алоҳида шартнома

тузган ҳолатларга қараганда маблағни анча тежашга, муаллифга эса муносиб мукофот олишига имкон беради. Консорциум кутубхоналари кутубхоналардан бирига муаллифлар билан музокаралар олиб бориш ва консорциум номидан шартномалар имзолаш ваколатини беришлари мумкин.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилотларнинг фаолиятига нисбатан монополияга қарши қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чеклашлар қўлланилмайди.

Консорциум ўзи қайси ҳуқуқ эгаларининг номидан иш кўраётган бўлса, шу ҳуқуқ эгаларининг номидан ва улардан олинган ваколатлар асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади (58 Модда):

- мукофот миқдорини ва шартномаларнинг тузилишига доир бошқа шартларни фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- консорциум бошқараётган ҳуқуқлардан фойдаланиш учун фойдаланувчилар билан шартномалар тузиш;
- ташкилот тўланадиган ҳақни йиғиш билан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда шартнома тузмасдан шуғулланган тақдирда, бундай ҳақ миқдорини фойдаланувчилар билан келишиб олиш;
- шартномаларда назарда тутилган ҳақни йиғиш, тақсимлаш ва тўлаш;
- бундай ташкилот ўзи бошқараётган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун зарур бўладиган ҳар қандай юридик ҳаракатларни бажариш;
- шундай ташкилот томонидан белгиланган тартибда асарларни ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларини, шунингдек асарларга ва (ёки) турдош ҳуқуқлар объектларига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олишни ва (ёки) сақлашга топширишни амалга ошириш.

Мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот ҳуқуқ эгалари билан тузилган шартномалар асосида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин (62 Модда).

Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузиш қуйидагилар бўлиши мумкин:

- муаллифларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш;
- ижрочининг исм-шарифга бўлган ва ижрони ҳар қандай тарзда бузиб кўрсатилишидан ёки ҳар қандай бошқача тарзда тажовуз қилинишидан ҳимоя қилиш ҳуқуқларини бузиш;
- ҳуқуқ эгаси ёки мулкий ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан шартнома тузмасдан асарлар ёки турдош ҳуқуқлар объектини такрорлаш, тарқатиш ёки ундан бошқача тарзда фойдаланиш, ушбу Қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳақ тўлаш тўғрисидаги талабларни бузиш;

- асарлардан ёки турдош ҳуқуқлар объектларидан ҳуқуқ эгаси ёки мулкӣ ҳуқуқларни жамоавий асосда бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартнома бўйича олинган ҳуқуқларни ошириб юборган ҳолда фойдаланиш;

- ҳуқуқ эгаларининг мулкӣ ҳуқуқларини бошқача тарзда бузиш муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузишдир.

Асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг такрорланиши ёки тарқатилиши муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқларни бузган ҳолда амалга ошириладиган нусхалари контрафакт нусхалардир. Ушбу Қонунга мувофиқ муҳофаза қилинадиган асарларнинг ва турдош ҳуқуқлар объектларининг бундай асарларни ва турдош ҳуқуқлар объектларини муҳофаза қилиш тўхтатилган ёки ҳеч қачон муҳофаза қилинмаган давлатлардан ҳуқуқ эгаларининг розилигисиз импорт қилинадиган нусхалари ҳам контрафакт нусхалардир.

Электрон ресурсларни яратиш ва фойдаланишда муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича муҳим томонларини кўрсатиш мумкин.

1. Анъанавий ва электрон кўринишда тақдим этилганда қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари ҳисобланади:

- адабий асарлар (адабий-бадий, илмий, ўқув, публицистик ва бошқа асарлар);

- драма ва сценарий асарлари;

- матнли ёки матнсиз мусиқа асарлари;

- мусиқали драма асарлари;

- хореография асарлари ва пантомималар;

- аудиовизуал асарлар;

- рангтасвир, ҳайкалтарошлик, графика, дизайн асарлари ва тасвирий санъатнинг бошқа асарлари;

- манзарали-амалий ва сахна беаги санъати асарлари;

- фотография асарлари ва фотографияга ўхшаш усулларда яратилган асарлар;

- жўғрофия, геология хариталари ва бошқа хариталар, жўғрофия, топография ва бошқа фанларга тааллуқли тарҳлар, эскизлар ва асарлар.

2. Асарнинг асл нусхасида ёки нусхасида муаллиф сифатида кўрсатилган шахс, агар бошқача ҳол исботланмаган бўлса, асар муаллифи ҳисобланади. Электрон тўла матнли маълумотлар базасини ва мультимедиали маълумотлар базасини яратишда кимнинг асарларидан, қай даражада (тўлалигича ёки қисман, матнли ёки мультимедиали шаклда) фойдаланаётганлигимизни ҳисобга олиш керак.

3. Муаллиф асардан ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда фойдаланиш мутлақ ҳуқуқига эга. Муаллиф кутубхонага ўз асарларини

рақамлаштириш, маълумотлар базасида сақлаш, Интернет орқали тарқатиш учун рухсат бериши ёки рухсат бермаслиги мумкин.

4. Муаллиф ўз асаридан электрон кўринишда фойдаланганлиги учун мукофот олиш ҳуқуқига эга (мукофот олиш ҳуқуқи). Ушбу ҳуқуқ муаллиф ва кутубхона ўртасида махсус келишув билан белгиланади.

5. Муаллиф розилигисиз ва мукофот тўлашсиз қуйидаги ҳолларда уларнинг асарларини электрон кутубхонага киритиш мумкин:

- эллик йил илгари вафот этган муаллифларнинг асарларидан кутубхона тўсиқларсиз фойдаланиши мумкин;
- кутубхонада сақланадиган қадимий қўлёзмалардан ҳеч бир қўшимча рухсатларсиз рақамли кўринишга келтирилиши мумкин. (27 Модда).

6. Шунингдек, даромад олишни кўзламаган ҳолда, муаллифнинг ёки бошқа ҳуқуқ эгасининг розилигисиз ва ҳақ тўламаган ҳолда, лекин асаридан фойдаланилаётган муаллифнинг исми-шарифини ва албатта репрографик асар олинган манбани кўрсатган тарзда кутубхоналар ва архивлар томонидан.

7. Асарнинг йўқолган ёки яроқсиз бўлиб қолган нусхаларини тиклаш, алмаштириш учун, шунингдек ўз фондларидан бу асарларни бирон сабаб билан йўқотган бошқа кутубхоналар ва архивларга асарларнинг нусхаларини бериш учун чоп этилган асарни;

8. Кутубхоналар ва архивлар томонидан фуқароларнинг ўқув ва тадқиқот мақсадларидаги сўровлари бўйича, шунингдек, таълим муассасалари томонидан аудитория машғулоти учун тўпламларда, газеталар ва бошқа даврий нашрларда чоп этилган айрим мақолалар ва кичик ҳажмли асарларни, чоп этилган ёзма асарлардан (суратли ёки суратсиз) қисқа парчаларни бир нусхада такрорлашга йўл қўйилади.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ EIFL-IP МОДЕЛ ҚОНУНИ

Тўпламнинг мазкур бўлими муаллифлик ҳуқуқига оид мамлакатларнинг муҳим ҳуқуқий ҳужжатлари таҳлили ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари учун истиснолар ва чекловларни қамраб олган. Ушбу ҳужжат асосини Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотининг (БИМТ - WIPO) муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича Модел қонуни (2005 йилги версияси) ташкил этади.

Нима сабабдан “Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Модел қонун” деб аталган? Чунки бу ерда муаллифлик ҳуқуқини яратиш бўйича халқаро тажриба ва айрим мамлакатлар тажрибалари танқидий таҳлил этилган ва ечим намунаси сифатида фойдаланиш учун муҳим ва долзарб қоидалар келтирилган.

Келтирилган ахборот юристлар, депутатлар учун миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ҳамда ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари учун амалий қўлланма сифатида фойдалидир. Айрим муҳим бандлар “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар” Қонунини тайёрлашда мосланиши, таҳрирланиши ёки муҳим методик материал сифатида фойдаланиши мумкин.

МУНДАРИЖА

Сўз боши

Кириш

1-Боб. МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТЎҒРИСИДАГИ МОДЕЛ

ҚОНУНИ: Кутубхона ва фойдаланувчилар учун модел истиснолар ва чекловлар

eIFL.net тавсиялари:

1.1 Муҳим изоҳлар

1.2 Титул саҳифаси ва таърифлар

1.3 Муаллифлик ҳуқуқи объектлари

1.4 Мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар

1.5 Қонун томонидан рухсат этилган очик фойдаланиш

1.6 Асосий тушунчалар

2-Боб. ОЧИҚ ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАҚСАДИ ВА МАНТИҚИЙ АСОСИ

2.1 Қонун томонидан рухсат этилган очик фойдаланиш

3-Боб. КУТУБХОНАЛАР ВА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

3.1 Кутубхоналар ҳақида

3.2 Жамият манфаати учун хизмат қилувчи кутубхоналар

- 3.3 Истиснолар ва чекловлар: кўлам ва моҳияти
- 3.4 Кутубхоналар: истиснолар ва чекловлар
- 3.5 Кутубхоналар ва рақамли технологиялар
- 3.6 Кутубхоналар, муаллифлик ҳуқуқи ва лицензиялаш

Ушбу материал муаллифлари:

Эмануэлла Джиаварра LL.M.

Эмануэлла Джиаварра – муаллифлик ва шартномалар ҳуқуқи бўйича халқаро мутахассис. У eIFL.netга аъзо-мамлакатларга ҳамда Буюк Британия таълим ҳамжамияти тараққиётига ёрдам бериш ва наф келтириш мақсадида рақамлаштириш ва электрон маълумотлардан фойдаланишни лицензиялаш бўйича лойиҳаларни яратиш ва музокаралар олиб бориш юзасидан eIFL.net ва JISC Collectionsларнинг маслаҳатчиси ҳисобланади. 1999 йилда у Европа Комиссиясининг Ҳуқуқий Консультатив кенгаши (DGAхборот ҳамжамияти) аъзоси этиб тайинланган. 2000 йилда Эмануэлла лицензиялаш бўйича ўзининг фаолияти учун Европа кутубхонаси ҳамжамияти номидан нуфузли European Woman of Achievement Award мукофотиغا сазовор бўлган.

Тереза Хакетт.

Тереза Хакетт – миллий ва халқаро даражада eIFL кутубхоналари ва фойдаланувчиларининг муаллифлик ҳуқуқи борасидаги манфаатларини ҳимоялашга қаратилган “Билимлардан фойдаланиш ҳимояси: муаллифлик ҳуқуқи ва кутубхона” eIFL.net eIFL-IP дастури менежери. Тереза – малакали кутубхоначи. 2004 йилда Дублин технология институтининг дипломини олган. Халқаро кутубхоналар ассоциацияси ва ташкилотлар федерациясининг (IFLA-CLM) муаллифлик ҳуқуқи Комитети ва бошқа ҳуқуқий масалалар бўйича аъзоси ҳисобланади.

**ИЗОҲ ВА ТАКЛИФЛАРНИ ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛГА
ЮБОРИШ МУМКИН:**

info@eifl.net

Кириш

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Қонун билимларни эгаллашни, бошқаришни ва тарқатишни мувофиқлаштиради. Кутубхоналарнинг асосий вазифаси инсонларни билимлар билан таъминлаш бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун кутубхоналар ва уларнинг вакиллари манфаатининг асоси ҳисобланади.

Бу ҳужжат таърифларнинг кетма-кет тўплами ҳамда мутлақ ҳуқуқнинг кутубхоналар ва фойдаланувчилар учун истиснолар ва чекловларни ўзида қамраб олган. Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотининг (БИМТ) муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар бўйича Модел қонуни (2005 йилдаги версия, илгари БИМТ сайтида бўлган) ушбу ҳужжат учун асос ҳисобланади. Кутубхона ва фойдаланувчилар томонидан электрон муҳитдаги ахборотларга бўлган асосий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тузатмалар ва қўшимчаларда аксини топган. Биз бу борада муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги миллий қонунларни таҳлил қилиб, кўплаб тавсиялар киритдик. Ушбу модел қонуни матнини тайёрлашга кутубхоналар ва архивлар халқаро ҳамжамиятининг муаллифлик ҳуқуқи бўйича мутахассислари ўз хиссаларини қўшдилар. Бу жараёнда кўплаб кишилар, жумладан Ахмед Абдель Латиф, Тоби Бейнтон, Робин Гросс, Майкл Хини, Гвен Хинзе, Эддан Катц, Дик Кавуя, Дэвид Манн, Кэтрин Макдональд, Вилма Моссинк, Мириам Несбит, Рут Окедиджи, Чарльз Оппенгейм, Тим Педфилд, Ачал Прабхалва Джулия Соннавендлар иштирок этдилар. Алоҳида Дениз Николсон ва Вера Францга миннатдорчилик билдирамыз.

Бу ҳужжат кутубхоначилар учун амалий қўлланма бўлишига, юрист-маслаҳатчилар ва маъмурият учун миллий қонунчиликни такомиллаштиришда ёрдам беришига ишонамыз. У ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар кутубхонасининг рақамли кўринишга ўтишига ёрдам берадиган асосий минимал тавсияларга бағишланган. У миллий (маҳаллий) шароитга мосланиши, ўзгартирилиши ёки оддийгина қўлланма сифатида фойдаланиши мумкин. Ҳар қандай билдирилган фикр ва изоҳлардан хурсанд бўламыз.

Тереза Хакетт ва Эмануэлла Джиаварра LL.M
Апрел 2009

СЎЗ БОШИ

Рақамли муҳит шароитида кўпчилик мамлакатларда янги халқаро шартномалар ва икки томонлама савдо битимлардаги мажбуриятларни ҳал этиш учун муаллифлик ҳуқуқи қонунини такомиллаштириш жараёнлари амалга оширилмоқда. Қандай сабабларга кўра амалга оширилиши инобатга олинмаган ҳолда қонунга киритиладиган ўзгаришлар кутубхоналарнинг ва фойдаланувчиларнинг кенг манфаатлари учун хизмат қилади.

Билимлардан фойдаланиш қоидаларини жорий этишда халқаро шартномалар ҳукуматлар учун маълум даражада ён босишларни кўзда тутди. Бироқ бундай ён босишлар миллий қонунчиликларда ҳар доим ҳам ўз аксини топмайди. БИМТ томонидан ўтказилган “Кутубхоналар ва архивлар учун муаллифлик ҳуқуқидаги истиснолар ва чекловлар” (Крус, 2008) ва “Кўзи ожизлар учун муаллифлик ҳуқуқидаги истиснолар ва чекловлар” (Салливан, 2007) тадқиқотлари бундай тенденциянинг ривожланаётган мамлакатларда кузатилишини таъкидлади. Масалан, 21 мамлакатдан 20 тасининг миллий муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигида кутубхоналар учун истиснолар келтирилмаган. Бу мамлакатлар ривожланаётган мамлакатлардир. Бундан олдинги тадқиқотда (Consumers International¹) Осиё-Тинч океан минтақасидаги тадқиқ этилган 11 та ривожланаётган мамлакатларнинг ҳеч бирида халқаро шартномаларга мос равишда имтиёзлар жорий этилмаган.

БИМТ интеллектуал мулк тизимидан фойдаланишда барча мамлакатларни, алоҳида ривожланаётган ва кам тараққий этган мамлакатларни қўллаб-қувватлайди. Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонунчиликни яратишда кўмаклашиш фаолият соҳаси ҳисобланади. Конфиденциал ва икки томонлама юридик консалтинг алоҳида талаблардан келиб чиққан ҳолда ҳар хил шаклда амалга оширилади. Бундай шакллардан бири ушбу қонун лойиҳаси².

Бироқ БИМТнинг муаллифлик ва турдош ҳуқуқи тўғрисидаги модел қонуни (2005) ривожланаётган мамлакатларда кутубхоналар ва фойдаланувчилар талабларини тўла қондира олмайди. Шу аснода ушбу ҳужжатнинг мақсади ривожланиш соҳаси³ БИМТ Кун Тартиби доирасида қабул қилинган Тавсиялар асосида БИМТ модел қонунига ўзгартиришлар ва тузатмалар киритишдир. Хусусан, бу фикрлар А-Кластер Тавсияси:

¹ Copyright and Access to Knowledge, Consumers International Asia Pacific Office (2006) <http://www.consumersinternational.org>

² http://www.wipo.int/ip-development/en/legislative_assistance/modalities.html

³ <http://www.wipo.int/ip-development/en/agenda/recommendations.html>

техник ёрдам ва салоҳиятни яратиш ва Б-Кластер: нормалаштириш, мослашувчанлик, давлат сиёсати ва жамият мулки каби тавсияларга хос.

Унга қуйидагилар киради:

- БИМТ томонидан кам ривожланган мамлакатлар хусусиятлари ҳамда аъзо мамлакатларнинг турлича даражасидан келиб чиққан ҳолда ривожланаётган мамлакатларнинг устивор эҳтиёжларига йўналтирилган қонунчилик соҳасига ёрдам кўрсатиш (13-Тавсия);

- Нормалаштиришни ҳам қамраган ҳолда БИМТ ўз фаолиятида TRIPS Битимида ва бошқа интеллектуал мулк соҳасидаги ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатлар манфаатларига мос келувчи халқаро битимлар мослашувчанлигини ҳисобга олиши лозим (14- ва 17-Тавсиялар).

- БИМТ Котибияти ўзининг ишчи ҳужжатларида нормалаштириш фаолияти йўлида салоҳият мослашувчанлиги, аъзо мамлакатлар учун истиснолар ва чекловлар, ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатлар учун кўшимча алоҳида қоидалар қўшиш имкониятини назарда тутмоғи лозим (22-Тавсия);

- БИМТ мандати доирасида инновация ва ижодий фаолиятга ёрдам бериш мақсадида ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатлар учун билимлардан ва технологиялардан фойдаланишни янада осонлаштириш масалалари муҳокамасини ташаббус этиш ҳамда БИМТнинг мавжуд шундай фаолиятини мустаҳкамлаш (19-Тавсия).

Ушбу ҳужжат 3 бобдан ташкил топган. Биринчи боб муаллифлик ҳуқуқи бўйича таклиф этилаётган қоидаларни қамраб олган. Улар 6 та: (1) бошладан олдин муҳим изоҳлар, (2) титул саҳифаси ва таърифлар, (3) муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган асарлар, (4) мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар, (5) қонун рухсат этган очиқ фойдаланиш, (6) асосий қоидалар.

Иккинчи бобда очиқ фойдаланиш мақсади ва қоидаларининг мантиқӣ асосланиши баён этилади.

Учинчи бобда электрон муҳит шароитида кутубхона иши асослари ва муаллифлик ҳуқуқи ҳамда лицензиялашнинг роли ёритилади. Бу ҳужжат қоидалари идеал бўла олмайди. Улар кутубхоналар ва фойдаланувчилар учун асосий ва умумий қоидаларни изоҳлайди. Асосий диққат фақат очиқ фойдаланишга, масалан, ҳуқуқ эгасининг рухсати ва тўлов талаб этилмайдиган истиснолар ва чекловларга қаратилган. Миллий эҳтиёж ва ресурслардан келиб чиққан ҳолда мукофатланадиган истисноларни қўшиш мумкин. Бу ҳужжат кутубхоналар ва фойдаланувчилар учун истиснолар ва чекловларнинг муҳимлигини англашга ва ахборотлашган жамият тараққийоти, тадқиқоти, таълими, ўқитилишини қўллаб-қувватлашга туртки бўлишига умид қиламиз.

1-БОБ

1.1 МУҲИМ ИЗОҲЛАР

- Ушбу ҳужжат таркиби 2005⁴ йилда сайтда чоп этилган БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар бўйича Модел қонунининг 1-версияси таркибидан олинган. БИМТ Модел қонуни матни **eIFL.net** консорциум томонидан тайёрланган кутубхоналар ва фойдаланувчилар учун истиснолар ва чекловлар модели сифатида фойдаланилган.

- Фойдаланилган **таърифлар** билан халқаро шартномаларда ва миллий қонунлар орқали танишиш мумкин. Бошқа таърифлар эса БИМТ модел қонунининг бир қисми ҳисобланади.

- Келтирилган қоидаларни **халқаро шартномалар** билан мослаш борасида катта ишлар қилинди.

- Матнда **фақат муаллифлик ҳуқуқи** ҳақида сўз боради. Турдош ҳуқуқлар ва ҳуқуқнинг қўлланиши келтирилмаган.

- Қоидалар **рақамли муҳит** учун мутлақ ўринли.

- Истиснолар ва чекловлар лойиҳаси санъат ва адабиёт асарларидан очиқ фойдаланишини, яъни қонун доирасида бепул ва ҳуқуқ эгаси розилигисиз фойдаланишни кўзда тутди. Пул тўлаш, мукофатлаш йўли билан фойдаланиш бу ерда ҳисобга олинмаган, чунки бу ўзи алоҳида катта мавзу.

- Мукофатлаш йўли билан истиснолар миллий эҳтиёжлар ва ресурсларни ҳисобга олган ҳолда қўшилиши мумкин.

- Таклиф этилаётган қоидалар **асосий, минимал қоидалардир**, ва ҳаммасини қамраб олган қоидалар эмас.

- Ушбу ҳужжатда хусусий мақсадда, электрон муҳитда таълим фаолиятида, масалан курслар учун электрон материаллар, виртуал таълим муҳити, кутубхоналараро абонемент ва ҳужжатларни етказиб беришда, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланмаган ишлар, тарижималарни репрографик такрорлаш қоидалари келтирилган.

- Ҳар бир истисно ва чекловлар иккинчи бобда келтирилган **қисқа тушунтириш** билан таъминланган. «Мақсад ва асос» қоидаларнинг стратегик мақсадини изоҳлайди. «Қоида самараси» амалий мисоллар билан қўлланиш усулари баён этади. Мисолларда истисноларнинг қўлланиши бўйича реал сценарийлар келтирилган.

- Кутубхоналарда электрон ресурслар лицензиясидан фойдаланишни ҳимояловчи **қонун билан кафолатланган истиснолар ва**

⁴http://www.wipo.int/cfdiplaw/en/trips/pdf/copyright_v1.pdf, охирги версия 2005 йил 29 ноябрда.

чекловларни бекор қилувчи контрактнинг олдини олиш қоидаси бу ерда келтирилади.

- Муаллифлик ҳуқуқи бўйича БИМТ Шартномасида шартлашаётган (келишаётган) томонлар учун технологик ҳимоя чораларини четлаб ўтишнинг асосий қоидалари келтирилган. Муаллифлик ҳуқуқи бўйича БИМТ Шартномасини ҳамда фонограмма ва ижро бўйича БИМТ Шартномасини ўзида жорий этган мамлакатлар учун технологик ҳимоя чорасини сўров бўйича алоҳида ҳужжат сифатида қўшиш учун eIFL.net илғор тажрибавий ғоялар ва вариантларни таклиф этади.

- Учқадамли (учпоғанали) тест матн ичига қўшилган. У қонунчилар учун фақат мисол тариқасидаги восита сифатида келтирилган, бу тестни бир марта қўллаб, миллий қонунга киритиб бўлмайди.

1.2 ТИТУЛ САҲИФАСИ ВА ТАЪРИФЛАР.

ТИТУЛ САҲИФАСИ

(МАМЛАКАТ НОМИ)

Муаллифлик ҳуқуқи бўйича қонун, [сана]

БЎЛИМЛАР ТАРКИБИ

КИРИШ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1. (а) Қисқа сарлавҳа

(б) Бошланиш

2. Ассосий тушунчалар

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҚИСМЛАРИ

3. Муаллифлик ҳуқуқи объектлари

4. Хосила асарлар

5. Муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлмаган материаллар

6. Мулкӣ ҳуқуқлар

7. Шахсий номулкий ҳуқуқлар

8. Шахсий мақсадда хусусий такрорлаш

9. Вақтинчалик такрорлаш

10. Цитата келтириш

11. Таълим мақсадида такрорлаш

11А. Кутубхоналараро ҳужжатлар алмашинуви

11В. Таълим мақсадида таржималар

11С. Таълим мақсадида барчанинг диққатига ахборотларни етказиш

12. Архивлар, кутубхоналар ва музейлар
13. Такрорлаш, эфирга узутиш ва бошқа усуллар билан маълум этиш мақсадида барчанинг диққатига ахборотларни етказиш
- 13А. Карикатура, пародия ва стилизация
14. Компьютер дастурларини такрорлаш ва мослаштириш
15. Шахсий ва таълим мақсадида импорт
16. Асарни намойиш этиш
17. Ўқиш имконияти чекланган шахслар
- 17А. Расмий ҳужжатлар
18. Муаллифлик ҳуқуқи амали муддати
19. Мулк ҳуқуқига нисбатан бирламчи мулк ҳуқуқи
20. Муаллиф презумпцияси ва муаллифни намоеън қилиш
21. Муаллифлик ҳуқуқини бировга ўтказиш ва фойдаланишга рухсат бериш

II ҚИСМ. ИЖРОЧИЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ, ФОНОГРАММАЛАР ТАЙЁРЛАШ ЭФИР ЁКИ КАБЕЛЬ УЗАТУВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ушбу бўлим бу ҳужжатга киритилмаган

III ҚИСМ. ҲУҚУҚЛАРНИНГ МАЖБУРИЙ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ

Ушбу бўлим бу ҳужжатга киритилмаган

IV ҚИСМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

Ушбу бўлим бу ҳужжатга киритилмаган

КИРИШ ВА АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1. Кириш

(a) Ушбу қонун⁵ муаллифлик ҳуқуқи [сана] Қонунига мурожаат қилиши мумкин.

(b) Мазкур қонун⁶ _____ санадан кучга киради. Ушбу қонундаги қоидалар Қонун кучга кирганича яратилган асарларга, ижрога, фонограммага, эфир ва кабель узатишларига ҳам қуйидаги ҳолларда тегишли бўлади: олдинги муаллифлик ҳуқуқи қонунчилигига кўра муаллифлик ҳуқуқи узайтирилмаган бўлса ёки асарни яратган мамлакат қонунчилигида асарларга, ижрога, фонограммага, эфир ва кабель узатишларига ўзгартиришлар киритилмаган бўлса.

2. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда⁷ қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

(i) **аудиовизуал асар** – бир-бири билан боғланган тасвирлар кўринишидаги (товуш жўрлигида ёки товуш жўрлигисиз) кўриш ва эшитиш (товуш жўрлигидаги ҳолда) учун мўлжалланган асар;

(ii) **муаллиф** – ижодий меҳнати эвазига асар яратган жисмоний шахс;

(iii) **эфирга узатиш** – радио, телевидение, спутник орқали асарни ва турдош ҳуқуқ объектини барчанинг диққати учун узатиш;

(iv) **жамоавий асар** – мақолалардан ташкил топган алоҳида ва тўплам асар, масалан газета;

(v)⁸ **барчанинг диққатига етказиш** – симли ёки симсиз алоқа воситаси ёрдамида исталган жойда ва ўз хоҳишига кўра исталган вақтда уланишга эга телекоммуникацион тизим фойдаланувчилари учун асарларни ёки турдош ҳуқуқ объектини етказиш;

(vi) **компьютер** – ахборотни ишловчи электрон ёки бошқа қурилма, **компьютер дастури** – сўзларда, кодларда, схемаларда ёки бошқа шаклларда компьютер учун ахборотларни ўқиб олиш ёки муайян

⁵ Ушбу Модел қонуни БИМТ Котибияти томонидан яратилган, илгари онлайн равишда мавжуд бўлган ҳамда адабиёт ва бадий асарлар ҳимояси бўйича Берн Конвенциясига (Париж, 1971) жавоб берадиган, Интеллектуал мулк ҳуқуқи савдо жиҳатлари Келишуви (TRIPS), ДАП ва ДИФ бўйича БИМТ Шартномаларига мос ҳолда БИМТнинг муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар ҳақидаги модел қонунига асосланган. Матн фақат муаллифлик ҳуқуқи жиҳатини ўзида қамраган, турдош ҳуқуқни ёки мажбурийликни ҳисобга олмаган.

Ушбу Модел қонунини муайян мамлакат қонунчилиги мослаш лозим. Модел қонун адабиёт ва бадий асарлардан очиқ фойдаланишни кўрсатади. Мукофатлар эвазига фойдаланиш мамлакат кутубхона ва таълим ҳамжамияти билан консултациялардан кейингина қонунга қўшилиши мумкин.

⁶Берн Конвенциясининг 18 Моддаси адабиёт ва бадий асарларини ҳимоя қилиш келтирилган, аксинча кучга эга.

⁷Мазкур бўлим Модел қонуни қоидаларида учрайдиган муайян тушунчаларни ўзида жамлайди. Асосий тушунчалар кўриқланадиган асар ҳимоясига тегишли халқаро нормалар, ҳамда технологик янгиликларни ўзига қамраган. Айрим тушунчалар эса муаллифлик ҳуқуқлари ва турдош ҳуқуқлар бўйича халқаро шартномаларга киритилган.

⁸Барчанинг диққатига етказиш тушунчаси БИМТ нинг ДАП ва ДИФ ҳуқуқлари мавжуд мамлакатларда амал қилади.

масалани бажариш имкониятини берувчи инструкциялар (буйруқлар) тўплами;

(vii) **нусха** – қоғоз ёки рақамли шаклдаги асарнинг репрографик такрорланиши;

(viii) **маълумотлар базаси** – муаллиф интеллектуал меҳнати натижаси сифатида тизимлашган, исталган шаклдаги материаллар ёки маълумотлар тўплами;

(ix) **тарқатиш** – материал объект сифатида амал қилувчи чоп этиш нусхасига нисбатан ишлатилади;

(x) **мулкӣ ҳуқуқлар** – Биринчи қисм 6-бўлимда кўриладиган ҳуқуқлар;

(xi)⁹ фольклор ибораси таърифи ўчирилган;

(xii)¹⁰ **ёзув** – бир қанча марта такрорлаш учун товушнинг ва (ёки) тасвирнинг техник восита ёрдамида моддий шаклга ўтказилиши;

(xiii) **қондани бузиш** – мазкур қонун томонидан ҳимояланган ҳуқуқларни бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат;

(xiv) **шахсий номулкӣ ҳуқуқлар** – Биринчи қисм 7-бўлимда кўриладиган ҳуқуқлар;

(xv) **ҳуқуқ эгаси** – бу:

- мулкӣ ҳуқуқлар муаллифга тегишли,
- мулкӣ ҳуқуқлар муаллиф бўлмаган шахсларга тегишли, мазкур шахс жисмоний ёки юридик шахс бўлиши мумкин,
- мулкӣ ҳуқуқлар жисмоний ёки юридик шахсга берилганлиги учун эгалик унга (уларга) тегишли.

(xvi)¹¹ **ижрочи** – актёр, хонанда, мусиқачи, раққос ёки бошқа шахс, қайсики рол бажаради, қўшиқ айтади, ўқийди, рақсга тушади, мусиқа асбобида ўйнайди, ёки бошқа усул билан абадий ва санъат (шу жумладан халқ ижодиёти) асарини бажаради;

(xvii)¹² **фонограмма** – киноматография ёки бошқа аудиовизуал асарга уланган товуш ёзувидан ташқари кимнингдир ижросини ёзиб олиш;

(xviii) **фотографик асар** – ёруғликнинг ёки бошқа радиациянинг исталган элтувчига ёзилиши ва ундан тасвирнинг пайдо бўлишидан ёки техника (кимёвий, электрон ёки бошқа) ёрдамида ёзув сифатида тасвирнинг пайдо бўлишидан яратилган асар;

(xix) аудиовизуал асарни ёки фонограммани **яратувчи** – аудиовизуал асарни ёки фонограммани яратиш ташаббускори ва масъулиятни ўзига олган жисмоний ёки юридик шахс;

⁹Фольклор ибораси таърифи халқаро даражада давомли муҳокамалардан кейин олиб ташланди.

¹⁰Бу таъриф ДИФ 2(с) Моддаси билан мосланган.

¹¹Бу таъриф ДИФ 2(с) Моддасидаги таъриф билан ўхшаш. У Рим конвенцияси 3(а) Моддасидан кенгрок, чунки фольклор ижрочилари ҳам кўшилган.

¹²Бу таъриф ДИФ 2(b) Моддаси билан мосланган..

(xx) **оммавий намойиш** – пленкадан, диапозитивдан, телевизор кадрдан ёки бошқа қандайдир техник воситадан фойдаланган ҳолда асл ёки нусха асарни экранда омма учун очик ҳолда ёки бир жойга тўпланган бир оила аъзолари бўлмаган шахсларга намойиш этиш;

(xxi) **оммавий ижро** – бу:

- а) аудиовизуал асар бўлмаган ҳолатда – декламация (ифодали ўқиш), муסיқавий ижро, ракс, роль ижроси ёки техника воситасидан фойдаланган ёки фойдаланмаган ҳолда ижро этиш;

- б) аудиовизуал асар бўлганда – овоз жўрлигида ёки жўрлик бўлмаган кадрлар кетма-кетлигининг намойиши;

- в) фонограмма ҳолатида – бир пайтда бир жойда ёки турли жойда ҳар хил вақтда тўпланган омма учун ёки бир оила аъзолари бўлмаган кенг омма учун ёзиб олинган товушни ижро эттириш (эшиттириш);

(xxii)¹³ **асарни чоп этиш** – асар муаллифи, ижрочиси ёки фонограмма яратувчиси, фонограмма продюсери ёки унинг ҳуқуқ эгаси розилиги билан сотиш, ижарага бериш ёки ҳуқуқни бировга ўтказиш учун етарли нусхада асарни ёки фонограммани ишлаб чиқариш;

(xxiii) **ижарага топшириш** – даромад олиш учун асл ёки нусха асарни ёки турдош ҳуқуқ объектини вақтинчалик фойдаланишга бериш;

(xxiv)¹⁴ **репрографик такрорлаш** – бир ёки бир неча нусхада асл асардан ёки фонограммадан доимий ёки вақтинчалик ёки рақамли шаклдаги фонограммани фиксимал такрорлаш;

(xxv)¹⁵ **«ҳуқуқни бошқариш бўйича ахборот»** таърифи ўчирилган;

(xxvi) **асар** – ИҚисм3(1) ва 4(1) бўлимларида келтирилган адабий ва бадиий асарлар;

(xxviii) **безак-амалий санъат асари** – амалий фойдаланиш предмети сифатида ёки бундай предметларга туширилган бадиий хунармандлик асари, саноат усулида тайёрлаган санъат асари;

(xxix) **қўшма асар** – икки ёки ундан кўп жисмоний шахс томонидан тенг муаллифлик ҳиссадаги, лекин жамоавий иш ҳисобланмайдиган асар.

¹³Ушбу таъриф Берн Конвенцияси 3(3) Моддасидаги, Рим Конвенцияси 3(d)Моддасидаги ДИФ 2(е) Моддасидаги таърифларга мос.

¹⁴Мазкур таъриф Берн Конвенцияси (9(1) Моддасига қаранг) «репродуцирование» атамасига ДАП 1(1) ва ДИФ 7 ва 11Моддаларига мос.

¹⁵Ҳуқуқларни бошқариш бўйича ахборот таърифи ўчирилган, 3-Қисм Мажбурий ҳуқуқ бу ҳужжатга қўшилмаган.

1.3 МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ОБЪЕКТЛАРИ I ҚИСМ¹⁶

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

Муаллифлик ҳуқуқи объектлари

3. (1)¹⁷ Ёзма ёки оғзаки шаклда тўқилган ёки баён этилган шаклидан қатъий назар драматик, киноматография ёки фотография, тасвирий санъат, архитектура, амалий санъат ёки бошқа ҳар қандай шаклдаги адабий ёки бадиий асарни (бундан кейин асар) ижодий меҳнати билан яратган жисмоний шахс.

(2) Муаллифлик ҳуқуқи изоҳланиш шакли, маъноси, сифати ва мақсадидан қатъий назар асар пайдо бўлиши билан юзага келади.

(3) Қонуний чекловлардан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи 6 ва 7 Моддаларга мос равишда мутлақ ҳуқуқ ҳисобланади.

Хосила асарлар

4. (1) Муаллифлик ҳуқуқи объектига яна қуйидагилар ҳам киради:

(а)¹⁸ таржималар, мослаштиришлар, аранжировкаларва асарга бошқа ишловлар;

(2) (1) бўлимчада келтирилган барча асарлар муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланади.

Муаллифлик ҳуқуқи ҳисобланмайдиган объектлар¹⁹

5. Мазкур Қонуннинг 3 ва 4 бўлими қоидаларига қарамай изоҳланган, баён этилган, тушунтирилган, реализация қилинган

¹⁶Бу бўлимда муаллифга ҳимояланган адабий ва бадиий асардан фойдаланиш бўйича бир қатор мутлақ ҳуқуқлар келтирилган.

¹⁷3(1) бўлим муаллифлик ҳуқуқи билан кўрикландиган асарларнинг асосий тоифалари келтирилади:

а) китоблар, брошюрлар, мақолалар, компьютер дастурлари (маълумотлар базалари) ва бошқа асарлар;

б) нутқлар, лекциялар, мурожаатлар, ваъзлар ва бошқа оғзаки асарлар;

в) драматик, мусиқа-драматик асарлар, пантомималар, хореографик ва бошқа сахна асарлари;

г) матн билан ёки матнсиз мусиқа асарлари;

д) аудиовизуал асарлар;

е) архитектура асарлари;

ж) рассомлик асари, ҳайкал, графика, литография, мебель-безак газлама ва бошқа тасвирий санъат асарлари;

з) фотографик асарлар;

и) амалий санъат асарлари;

к) иллюстрация, хариталар, тархлар, эскизлар, топография, архитектура или фан бўйича учўлчамли асарлар;

л) машина ўқийдиган ёки бошқа кўринишдаги тўпламлар, маълумотлар базлари, тўплаш ёки жойлаштириш устида ижодий иш қилинган фольклор асарлари тўплами;

Мазкур рўйхатнинг мақсади муаллифлик ҳуқуқи объекти бўладиган шакллари чегаралаш эмас ва рўйхатни мукамал деб билмаслик лозим. Унинг асоси сифатида Берн Конвенциясининг 2(1) Моддасидаги рўйхатга олинган. Компьютер дастурлари ҳимояси TRIPS 10(1) Моддасида ва ДАП 4 Моддасида қатъий келтирилган.

¹⁸Мазкур асарлар Берн Конвенцияси 2(3) Моддасига мувофиқ ҳимояланиши лозим.

¹⁹5 бўлимда муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланмайдиган материаллар келтирилган. (а) параграф истисноси фундаментал принципга асосланган, яъни муаллифлик ҳуқуқи асарни ҳимоя қилади, ғояни эмас. Бунга ўхшаш қоида TRIPS Битимининг 9(2) Моддасида ва ДАП 2 Моддасида топиш мумкин.

бўлсада,ғоя, процедура, тизим, иш усули, концепция, принциплар ёки оддий маълумотларнинг Қонун томонидан ҳимояси кўзда тутилмаган.

1.4 МУЛКИЙ ВА ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАР

Мулкий ҳуқуқлар²⁰

6. (1) 8 дан 17А бўлимлардаги қоидаларга кўра муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси асарга нисбатан қуйидагиларни амалга оширишга мутлақ ҳуқуқли:

(а) асарни такрорлаш;

(б) асарни таржима қилиш;

(в) қайта ишлаш, аранжировкалаш ёки бошқа усулда асарни қайта ишлаш;

(г)²¹ сотиш, ижарага бериш²² орқали тарқатиш ёки аввал сотув объекти ёки бошқа мулк ҳуқуқининг ўзгага ўтиш объекти бўлмаган асл ва нусха асарлари учун мулк ҳуқуқларини бериш;

(д)²³ асл ёки нусха аудиовизуал асарларини, фонограммани, компьютер дастурини, маълумотлар базсини ёки мусиқа асарини, ноталарни асл ва нусха асар учун мулк ҳуқуқидан қатъий назар ижарага бериш;

(е) асарни омма олдида ижро этиш;

(ж) радио ва телевидение бўйича етказиш;

(з)²⁴ омма диққатига асарни етказиш.

(2) (е) банднинг (1) бўлимчаси бўйича компьютер дастурлари ижараси дастурнинг ўзи ижара объекти бўлмагани учун ижарага топшириш ҳуқуқига қирмайди.

²⁰БМТ Бош Ассамблеяси амалиётидан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай ривожланаётган мамлакат бу Қонунда кўрсатилган барча қоидаларни бажариши шарт эмас. Берн Конвенцияси қоидаларидан фойдаланиши, яъни мутлақ ҳуқуқларни ваколатли органлар томонидан берилган таржима ва (ёки) такрорлаш учун мутлақ бўлмаган ва бошқага берилмайдиган лицензиялар билан алмаштириш мумкин. Лицензия Берн Конвенциясининг ривожланаётган мамлакатлар ҳақидаги махсус қоидалари Иловаси шартларига кўра берилади. http://www.wipo.int/treaties/en/ip/berne/trtdocs_wo001.html

²¹Барча асарларни тарқатиш юзасидан мутлақ ҳуқуқ ДАП 6(1) Моддасида келтирилган. Берн Конвенциясига кўра бундай ҳуқуқ кинематографик асарлар учун қўлланилади, айримлар бу ҳуқуқни такрорлаш ҳуқуқидан келиб чиқади деб қарашади. Мамлакатлар ҳуқуқ тугашининг муайян шаклини (миллий, минтақавий ёки халқаро ҳуқуқларнинг тугаши) танлаши шарт эмас ёки умуман ҳуқуқ тугаши масаласи билан шуғулланиши шарт эмас. TRIPS Битими тарқатиш ҳуқуқини қарамайди ва 6 Моддада ҳуқуқнинг тугашини очик қолдиради. Кўпчилик муаллифлик ҳуқуқи қонунларида тарқатиш ҳуқуқи илк нусхани сотиш билан чекланади. Келгусида уни сотиш кўрилмайди, чунки сотиб олган нусха эгаси учун бу фаолият фойдаланишда бўлган китобни сотишдек баҳоланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Модел қонунда нусхани илк бор сотиш билан тарқатиш ҳуқуқи чегарланади.

²²Кутубхонада китобни бериш даромади ҳуқуқи Модел қонунга киритилмаган, чунки биронта ҳам халқаро шартнома бу ҳуқуқни мулкый ҳуқуқ деб қарамайди.

²³Параграфда келтирилган у тоифадаги асарларни ижарага бериш ҳуқуқи TRIPS Битими 11 Моддасида ва ДАП 7 Моддасида ҳисобга олинган.

²⁴2-бўлимда келтирилган «барчанинг диққатига етказиш» тушунчаси ДАП 8 Моддасига мос ҳолда барча тоифадаги асарлар учун ўринли. Берн Конвенциясига мос (Моддалар 11(1)(ii), 11bis(1)(i) ва (ii), 11ter(1)(ii), 14(1)(ii) ва 14bis(1)) равишда барчанинг диққатига етказиладиган анъанавий асарлар учун тан олинади.

Шахсий номулкий ҳуқуқлар²⁵

7. (1) Ўзининг мулкый ҳуқуқларидан қатъий назар, хаттоки, муаллиф ҳуқуқ эгаси бўлмасда, муаллиф қуйидаги ҳуқуқларга эга:

(а) оммавий фойдаланиш чоғида муаллиф сифатида тан олиниш;

(б) оммавий фойдаланиш чоғида муаллиф ўз исмини нусхага қўймаслик, таҳаллусдан фойдаланиш;

(в) асарни ҳар қандай ўзгартиришлардан ёки муаллиф шаънига зарар келтирувчи бузишлардан ҳимоялаш.

(2) (1) бўлимчада келтирилган ҳеч қандай ҳуқуқ муаллиф ҳаётлигида бировга берилмайди, бироқ унинг васиятига кўра муаллиф вафотидан кейин берилиши мумкин.

(3) Муаллиф (1) бўлимчада келтирилган шахсий номулкий ҳуқуқлардан воз кечиши мумкин: воз кечиш ёзма ва қайси ҳуқуқдан воз кечиш аниқ кўрсатилган бўлиши лозим. (1) бўлимчанинг (в) бандидаги ҳуқуқлардан воз кечиш ўзгартиришлар ва бошқа ҳаракатларнинг табиати ва даражаси аниқлайди. Муаллиф вафотидан кейин шахсий номулкий ҳуқуқни олган жисмоний ёки юридик шахс ҳуқуқлардан воз кечиш ҳуқуқига эга.

1.5 ҚОНУН РУХСАТ ЭТГАН АСАРДАН ОЧИҚ ФОЙДАЛАНИШ

Шахсий ва тадқиқот мақсадида такрорлаш

8. (1) Асарларни шахсий нотижорат мақсадида²⁶ ёки тадқиқот мақсадида такрорлашга рухсат этилади.

(2) (1) бўлимчадаги инсофли амалиёт²⁷ бутун китобни ёки унинг катта қисмини, ёки муסיқа асарининг нотасини ҳуқуқ эгасига мукофат тўламаган ҳолда такрорлашни билдирмайди.

Вақтинчалик такрорлаш²⁸

9. (1) Асарнинг вақтинчалик нусхасини яратишга қуйидаги ҳолларда рухсат берилади:

(1) узоқ муддатли ва аҳамиятли бўлмаганда;

(2) техник жараённинг ажралмас қисми бўлганида;

(3) учинчи томон воситасида тармоқ орқали асарни узатишда;

²⁵ Шахсий номулкий ҳуқуқ Берн Конвенцияси 6bis Моддасига мувофиқ берилади. TRIPS Битими 9(1) Моддаси шахсий номулкий ҳуқуқни Битимдан чиқариб ташлаган бўлсада, ДАП 1(4) Моддасида эса унинг ҳимояси келтирилади, Берн Конвенцияси эса барча коидаларни ўзида мужассам этган.

²⁶ Шахсий нотижорат мақсадда такрорлаш индивидуал фойдаланувчи, унинг оиласи ёки танишлари учун амалга оширилади.

²⁷ Инсофли амалиёт товон тўламаган ҳолда фойдаланиш учун рухсатни англатади. «Инсофли амалиёт» атамаси Берн Конвенцияси 10 ва 10bis Моддаларида учрайди.

²⁸ Модел конунининг 2-бўлими (xxiv) да «такрорлаш» таърифи такрорлаш, рақамли кўринишда сақлаш сифатида келтирилади. Бироқ, вақтинчалик рақамли кўринишда сақлаш истиснода келтирилиши лозим. Шу тарздаги истисно 9-бўлимда баён этилган.

(4) алоҳида фойдаланишнинг аҳамияти бўлмаганда.

Цитата келтириш

10. Қонун тарафидан цитата келтириш учун рухсат берилиши учунасар қонуний равишда цитата мақсадини оқлайдиган ҳажмда чоп этилган бўлиши лозим. Цитата келтиришда манба ва унда муаллиф номи бўлса, унинг номи ҳам келтирилиши керак²⁹.

Таълим мақсадида такрорлаш

11. (1) Ўқитувчилик соҳаси ва ўзи таълим олиш жараёни учун асардан нусха, товуш-, видеоёзув, теле- ва радиоасарлардан нусха олишга рухсат этилади;

(2) (1) бўлимчада келтирилган асарларни таълим муассасаси қоғоз ва электрон кўринишдаги умумий ўқув, курс материаллари, ресурслар каталоги ва ихтиёрий ўқув жараёнида қўлланиладиган материал сифатига олиб келиши мумкин. Ундан ўқув, виртуал ўқув, таълимни бошқариш, виртуал тадқиқот ва кутубхона муҳитида фақат ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки таълим муассасасида таълим олаётган шахсларгина фойдаланиши мумкин;

(3) таълим жараёнидан ўтган шахс асарларни қоғоз ва электрон кўринишдапортфолио и диссертацияларда шахсий фойдаланиши ва кутубхонада сақлаши мумкин;

(4) (1)-(3) бўлимчаларга мос равишда яратилган асарларга имкони борича асар ва муаллиф номи қўйилиши шарт;

(5) (1) бўлимчада келтирилган рухсат тижорат мақсадида такрорлашга тааллуқли эмас. Барча тираж сотилган бўлса, ҳуқуқ эгасини аниқлаш мумкин бўлмаса, рухсат этилган нусхалар мамлакатда сотувга чиқмаган бўлса, уларни мақбул нархларда сотиб олиш имкони бўлмаган ҳолларда бутун дарсликни такрорлаш мумкин.

Кутубхоналараро ҳужжатлар алмашинуви

11А. (1) Кутубхоналар ўзаро ҳужжатлар билан почта, факс ёки ҳимояланган электрон маълумот узатиш каналлари орқали юборилган асарнинг электрон нусхаси чоп этилгандан кейин дарров ўчириб ташланган ҳолда алмашиши мумкин. Асарнинг чоп этилган варианты олувчи-кутубхона фойдаланувчисига тақдим этилиши мумкин.

Таржималар

11В. (1) Ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланувчи ёки таълим олаётган шахс асарни нотижорат мақсадда таржима қилиши мумкин. Бу

²⁹ Берн Конвенцияси 10(1) Моддасига қаранг.

таржималардан шахсий таълим, ўқитувчилик ва тадқиқот мақсадларида фойдаланиш кўзда тутилади;

(2) Жисмоний ва юридик шахслар асарларни нотижорат мақсадда таржима қилишлари ва барчанинг диққатига таржимани етказишлари мумкин.

Барчанинг диққатига таълим ва тадқиқот мақсадида етказиш³⁰

11С. (1) Таълим муассасалари ўзида таълим олаётган шахслар диққатига мазкур Қонун билан рухсат этилган шахсий таълим ва тадқиқот мақсадида химояланган тармоқ орқали фойдаланишга мўлжалланган такрорланган ёки таржима қилинган асарни етказдилар.

Архивлар, кутубхоналар, музейлар ва галереялар

12. (1) Омма томонидан тўлиқ ва қисман молиялаштирилган архивлар, оммавий кутубхоналар, музейлар ва галереялар ўзининг фаолияти қисми сифатида (2)-(7) бўлимчаларга мос ҳолда нотижорат мақсадда асарларни тарқатиши мумкин.

(2) Бу муассасалар заҳира нусхасини ташкил этиш ва сақлаш мақсадида асарларни нусхалашлари мумкин.

(3) Агар муассаса коллекциясида асар ёки нусха тўлиқ бўлмаса, асарни нашриётдан ёки очиқ савдодан сотиб олиш имконияти бўлмаса, асарнинг етишмаган қисмини бошқа муассасадан нусхалаб олиши мумкин.

(4) Ушбу муассасалар агар асарни нашриётдан ёки очиқ савдодан сотиб олиш имконияти бўлмаса, фондда мавжуд асарлардан нусха олишлари мумкин.

(5) Бу қонун мажбурий нусха Қонунига асосан репрографик такрорлашни ман қилмайди.

(6) Ушбу муассасалар репрографик такрорлашга рухсат олиш учун муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси розилигини олишга бир қанча уринишлар, ҳаракатлар қилса-ю, уни олиш имкони бўлмаса ҳамда асарни нашриётдан ёки очиқ савдодан сотиб олиш имконияти бўлмаса, асарни репрографик такрорлашлари мумкин.

(7) 3-6 бўлимчаларга мос ҳолда яратилган ихтиёрий форматдаги ёки мажбурий нусха Қонуни бўйича олинган асар нусхаларидан шахсий ёки таълим биносида техник восита ёрдамида ёки у сиз фойдаланиш ҳамда фойдаланувчиларга тақдим этиш мумкин. Алоҳида ҳолларда 2 бўлимчага мувофиқ яратилган нусхаларга ҳам бу амал қилади.

³⁰Барчанинг диққатига етказиш қондаси мос равишда мутлақ ҳуқуқни жорий этган мамлакатлар, яъни ДАП ва ДИФ БИМТ Шартномасини жорий этган мамлакатлар учун зарур..

Такрорлаш, эфирга узатиш ва бошқа усуллар билан маълум қилиш мақсадида барчанинг диққатига ахборотларни етказиш

13. Олинган манба ва муаллиф номи албатта келтирилган ҳолда муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси розилигисиз асар устидан қўйидагиларни амалга ошириш мумкин:

(а) муаллиф томонидан ³¹ айтайлаб ман этилмаган ҳолларда жорий иқтисодий, сиёсий ёки диний масалалар бўйича эфирга узатилган ёки кабель бўйича тарқатилган, газета ва журналларда чоп этилган асарни такрорлаш;

(б) такрорлаш ёки жорий ҳодисалар шархи сифатида эфирга узатиш ва кабель бўйича тарқатиш даврида асардан парчалар келтириш йўли билан асар ҳақида маълумот бериш;

(в) эфирга узатилган ёки кабель бўйича тарқатилган, газета ва журналларда чоп этилган сиёсий нутқлар, маърузалар, мурожаатлар, диний ваъзлар ва бошқа шундай асарлар ёки суд ишидаги нутқлар маълум қилиш мақсадини жавоб берадиган ҳажмда такрорлаш.

Карикатура, пародия и стилизация

14. (1) Ушбу Қонуннинг 7 бўлимига қарамай асар ва фонограмма карикатура, пародия или стилизация мақсадида ишлатилиши мумкин.

Компьютер дастурларини такрорлаш ва мослаштириш

15. (1) Муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси розилигисиз компьютер дастурининг нусхасига қонуний эга шахс томонидан ягона нусхани такрорлаш ёки мослаштириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин:

(а) дастур компьютерда фойдаланиш учун сотиб олинган бўлса, яъни шу компьютерга мослаш зарар бўлса;

(б) дастур йўқолган, ўчиб кетган ёки бузилган ҳолларда легал компьютер дастури нусхасини сақлаб қолиш мақсадида.

(2) Компьютер дастурларини такрорлаш ва мослаштириш фақат (1) бўлимчада келтирилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай бундай нусха ёки мослашиш узоқ муддатда сақланмасдан йўқ қилиниши лозим.

Асарни намойиш этиш

16. (1) Асл асар ёки нусхани муаллиф розилигисиз асарни таништириш, тестлаш ва фойдаланувчини ўргатиш мақсадида оммавий (қисман ёки тўлиқ) намойиш этишга рухсат берилади;

³¹Берн Конвенцияси 10bisМоддасига қаранг.

(2) муаллиф розилигисиз асарнинг қисмини конференция, семинар ва шунга ўхшаш тадбирларда тақдимот қисми сифатида оммавий намоиш этиш ёки оммавий ижро этиш мумкин.

Ўқиш имконияти чекланган шахслар³²

17. (1) Муаллифнинг ёки ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз асарни имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган форматга ўтказишга рухсат этиладики, унда кабель орқали ёки симсиз узатиш, бошқа мақсадга элтувчи тадбирларни қўллаган ҳолда қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- ушбу қоида бўйича фаолият қилмоқчи бўлган шахс ёки ташкилот асардан ва унинг нусхасидан фойдаланиши;
- асардан имконияти чекланган шахслар фойдаланиши учун ҳар қандай керакли ахборотни бошқариш воситасидан фойдаланишга (қўшишга) рухсат этилсада, асардан фойдаланишни ташкил этишдан ташқари асарга ўзгартириш (маъносини ўзгатириш) киритилмаслиги;
- фаолият нотижорат асосда олиб борилиши.

(2) имкониятлари чекланган шахслар диққатига кабель орқали ёки симсиз узатиш йўли билан етказилган (1) бўлимчадаги ҳаракатлар асосида яратилган асарлардан муаллиф розилигисиз шахсий мақсадда нусха олишлари мумкин. Мазкур қоида асардан бошқа манфаат олиш мақсадаги бошқа истисно ва чекловларга тегишли эмас.

(3) имкониятлари чекланган шахслар ва бундай шахсларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан нотижорат асосда 17(1) бўлимчада келтирилган асарларни экспорт қилишни ва бошқа давлатдан импрот қилишнимуаллиф ёки ҳуқуқ эгаси розилигисиз амалга оширишга рухсат этилади.

(4) мазкур моддада келтирилган фойдаланиш формати деганда имкониятлари чекланган шахслар талабига жавоб берадиган одатий имкониятли (имконияти чекланмаган) шахсларфойдаланганидек даражадаги асардан фойдаланиш назарда тутилади.

(5) мазкур моддада келтирилган имкониятлари чекланган шахс деганда одатий имкониятли шахслар фойдаланганидек даражадаги асардан фойдаланиш учун қулай формат талаб этадиган шахслар назарда тутилади³³.

(6) Ушбу истиснодан имкони борича манба ва муаллиф кўрсатилган ҳолда фойдаланилади.

³²Истиснолар ва чекловлар бўйича Бразилия, Эквадор ва Парагвай таклифларга қаранг: Бутунжаҳон Кўрлар иттифоқи таклиф этган Шартнома http://www.wipo.int/meetings/en/doc_details.jsp?doc_id=122732

³³Таъриф кўр, кўзи ожиз ва бошқа ўқишда чекланган, масалан, китобни қўлида тура олмайдиган шахсларни қамраб олган.

Расмий ҳужжатлар

17А. (1) Қонунчилик, маъмурий ва юридик характердаги ҳамда шу ҳужжатларнинг таржималари муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайди³⁴.

1.6 АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Муаллифлик ҳуқуқи амали муддати³⁵

18. (1) 2-5 бўлимчалардаги қоидаларга мувофиқ муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқи қонун томонидан муаллиф ҳаёти ва унинг вафотидан кейин эллик йил давомида қўриқланади.

(2) Ҳаммуаллифликда яратилган асарлар бўйича муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар ҳаёти ва охириги вафот этган муаллиф вафотидан кейин эллик йил давомида сақланиб туради.

(3) Амалӣ санъат ва аудиовизуал асарлардан ташқари барча жамоавӣ асарлар юзасидан мулкӣ ҳуқуқ эълон қилинган ёки чоп этилган санадан (қайси бири кеч рӯй берса, ўша олинади) бошлаб эллик йил давомида қўриқланади.

(4) Тахаллус ва аноним номда қонунӣ эълон қилинган ёки чоп этилган (қайси бири кеч рӯй берса, ўша олинади) санадан бошлаб бу асар учун муаллифлик ҳуқуқи эллик йил давомида қўриқланади. Агар шу даврда тахаллус ёки аноним ўзининг шахсини маълум қилса ёки унинг шахси шубҳа туғдирмайдиган даражада аниқ бўлиб қолса, у ҳолда (1) ёки (2) бўлимчалардаги муддатлар қўлланади.

(5) Амалӣ санъат асарлари бўйича мулкӣ ҳуқуқ асар яратилгандан пайтдан бошлаб йигирма беш йил қўриқланади.

(6) Қоидаларда келтирилган ҳар бир муддат календар йили охиригача амалда бўлади.

Шахсий номулкӣ ҳуқуқлар амали муддатлари

18А. Муаллиф ҳаётлигида ёки вафотидан кейин ҳуқуқдан (ҳуқуқлардан) воз кечилган бўлса, 7 бўлимда келтирилган ҳуқуқлар муддатлари худди муаллифлик ҳуқуқидагидек амал қилади

³⁴Берн Конвенцияси (1971 г.) 2(4) Моддасига қаранг.

³⁵Ушбу қоида Берн Конвенцияси ва TRIPS Битимида келтирилган муаллиф ҳаёти қўшув (плюс) унинг вафотидан кейин 50 йиллик адабий асар учун халқаро стандарт муддатга риоя этади. Европада, АҚШ ва айрим мамлактларда муаллиф ҳуқуқи муддати муаллиф вафотидан кейин 70 йилга чўзилган. Тараққиёт учун ахборотдан фойдаланиш долзарб бўлиб турган ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар учун муддатнинг чўзилиши ахборотнинг узок муддатда хусусӣ мулк сифатида қолиб кетмаслиги учун кискарок муддат таклиф этилган.

(1) бўлим муаллифлик ҳуқуқи амал муддатини ҳисоблашнинг асосӣ қоидаларни ўрнатади. Ушбу бўлимда фотографик асарлардан ташқари асарлар учун муаллифлик ҳуқуқи амали муддати Берн Конвенцияси 7 Моддаси, TRIPS Битими 12 Моддаларидаги минимал талаблар келтирилган. Берн Конвенцияси 7(6) Моддасига кўра муаллифлик ҳуқуқи муддатини муайян мамлакат узокроқ ўрнатиши ҳам мумкин. ДАП 9 Моддаси фотографик асарлар учун асосӣ 50 йиллик муддатни Берн Конвенцияси 7(4) Моддасига биноан 25 йил деб ўрнатишни келтиради.

Мулкий ҳуқуққа нисбатан бирламчи мулк ҳуқуқи³⁶

19. (1) 2-5 бўлимчалари қоидалари шартларига кўра мулкий ҳуқуқнинг бирламчи эгаси асарни яратган муаллифдир.

(2)³⁷Ҳаммуаллифликда яратилган асар учун эса ҳаммуаллифлар бирламчи мулкий ҳуқуққа эгалар. Бироқ, ҳаммуаллифликда яратилган асарнинг ҳар бир қисми учун алоҳида муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ҳар бир муаллиф ўз қисми бўйича мулкий ҳуқуққа эгалик қилиши мумкин.

(3)³⁸Жамоавий муаллифлар асари учун қайси жисмоний ёки юридик шахс ташаббуси ёки бошқаруви асосида асар яратилган бўлса, бирламчи мулкий ҳуқуқ унга тегишли бўлади.

(4)³⁹Аудиовизуал асар учун битимда бошқа кўрсатилмаган бўлса, бирламчи ҳуқуқ эгаси продюсер бўлади. Аудиовизуал асар муаллифлари ва асар таркибига қўшилган, мосланган аввалдан мавжуд асар муаллифлари ҳам мулкий ҳуқуқда кўшган улушларига кўра эгалик қилишлари мумкин.

Муаллиф презумпцияси ва муаллифни намоён қилиш⁴⁰

20. (1) Агар бошқа исбот қилинмаса, муаллиф сифатида кўрсатилган жисмоний шахс асар муаллифи ҳисобланади. Ушбу қоида таҳаллус муаллиф шахси сифатида гумон уйғотмаса, таҳаллус учун ҳам ўринли.

(2) Асар таҳаллус остида ёки аноним ҳолда чоп этилганда (таҳаллус муаллиф шахси сифатида гумон уйғотмаса) асарда номи келтирилган келтирилган ношир муаллиф номидан чиқади ва унинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилади ҳамда амалда қўлланишини таъминлайди. Ушбу презумпция бундай асар муаллифи ўз шахсини ошкор қилмагунча ва муаллифлик ҳақида баён бермагунча давом этади.

Муаллифлик ҳуқуқини бировга ўтказиш ва фойдаланишга руҳсат бериш⁴¹

21. (1) Муаллифлик ҳуқуқи шахсий ва кўчар мулк сифатида қисман ёки тўлиқ васиятга ёки қонун амалига кўра бировга ўтказилиши мумкин.

³⁶Ҳуқуқ эгаси асосан, биринчи босқичда, асар муаллифи бўлади. Бироқ кўпчилик мамлакатлар умумий ҳуқуқида истиснолар мавжуд, улар билан 19 бўлимда танишиш мумкин.

³⁷Ушбу қоида кўпчилик миллий муаллифлик ҳуқуқига оид қонунларида мавжуд.

³⁸36-ҳаволага қаранг.

³⁹Берн Конвенцияси 14bis Моддаси кинематографик асарга бирламчи мулкий ҳуқуқни аниқлаш имконини беради. Кўпчилик мамлакатларнинг умумий ҳуқуқида аудиовизуал асар бўйича бирламчи ҳуқуқ эгаси продюсер ҳисобланади.

⁴⁰Мазкур қоида Берн Конвенцияси 15(1) ва (3) Моддаларидан олинган.

⁴¹Одатда муҳим халқаро воситалар мулкий ҳуқуқнинг ўтказилишини бошқармайди. Қоидаларнинг батафсил қўлланиши бўйича ва келтирилиши муайян мамлакат қонунчилиги аъёнларидан келиб чиқади.

(2) Ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқни ўтказиш ва ҳар қандай рухсат муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси розилиги билан ўтказувчи ва қабул қилувчи ёки лицензиар ва лицензиат ўртасида ёзма равишда бўлиши шарт.

(3) Ҳар қандай мулкӣ ҳуқуқнинг тўлиқ ёки қисман ўтказиши ёки рухсат берилиши муаллиф ёки ҳуқуқ эгаси розилиги билан амалга оширилади ва ёзма равишда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган ҳуқуқнинг ўтказилиши ва рухсати ҳисобга олинмайди.

(4) 8-17А Моддаларга зид бўлган ҳар қандай келишилган қоидалар қонунӣ кучга эга бўлмайди.

**EIFL–IP. БИЛИМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ҲИМОЯЛАШ:
МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА КУТУБХОНАЛАР**
*Кутубхоналар учун муаллифлик ҳуқуқи ва турдош масалалар бўйича
маълумотнома*

Мундарижа

Олға интилиш

Муаллифлик ҳуқуқи ва шартнома ҳуқуқи борасидаги муносабатлар:
электрон ресурслар ва кутубхоналар консорциуми

Муаллифлик ҳуқуқи ва шартнома ҳуқуқи

Ҳимоянинг техник воситалари “Уч ҳиссалик қулф”

Ҳимоянинг техника воситалари нима?

Муаллифлик ҳуқуқи, ҳимоя муддати ва ижтимоий мулк тушунчаси

Муаллифлик ҳуқуқи ва ижтимоий мулк.

Муаллифи номаълум асарлар

Муаллифи номаълум асарлар нима?

Ҳуқуқларни жамоавий бошқариш

Ҳуқуқларни жамоавий бошқариш нима?

Такрор ишлаб чиқариш бўйича ҳуқуқларни ташкил этиш

Оммавий абонемент ҳуқуқи

Оммавий абонемент ҳуқуқи нима?

Маълумотлар базаларига бўлган ҳуқуқ – Европа қонунчилиги
тажрибалари

Маълумотлар базаси: муаллифлик ҳуқуқи ва маълумот базаларига
бўлган ҳуқуқ

Creative commons очик материаллар лицензия

Creative commons нима?

Илмий коммуникациядан очик фойдаланиш

Илмий коммуникациядан очик фойдаланиш йўли нима?.

Муаллифлик ҳуқуқи ва савдо шартномалари

Савдо шартномалари нима?

Халқаро сиёсат масалалари: БИМТ ривожлантириш дастури

Халқаро сиёсат масалалари

Миллий сиёсат: Адолатли муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси

Олға интилиш

Биз билимлар жамиятида яшаймиз. Билимлар инсонларга кундалик ҳаётида ёрдам беради, жамиятнинг бошқарув жараёнларини ва демократик бирлашмаларнинг ривожланишида катта аҳамият касб этади. Ўзининг қонуний фуқаролик ҳуқуқларини билиш, ўз саломатлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш ёки об-ҳаво, саёҳат ва ҳордиқ ҳақида энг сўнгги аниқ ахборотга эга бўлиш инсонларга асосли қарорлар қабул қилиш ва танлаш ҳуқуқига эга бўлишга имконият яратади. Бу билимлар инновацияларни, ижодий фаолликни ошириб, рақобатбардош иқтисодий ривожланишига асос бўлади.

Кутубхоналар илмий, маданий ва таълимий характердаги барча турга мансуб ахборот ресурсларни ташкил этадилар, тўплайдилар ва сақлаш вазифасини бажарадилар ҳамда кенг фойдаланувчилар учун тақдим этади.

Ахборот технологиялари кутубхоналарга турли ахборот хизматларини жорий этиш ва ишлаб чиқиш, бу орқали кенг фойдаланувчилар учун ўз махсулотларини тақдим этиш имкониятини яратиб берди. Фақатгина кутубхоналарга ташриф буюриш орқали фойдаланиш мумкин бўлган ресурсларга, бугунги кунда тармоқ технологиялари орқали барча олис ҳудудлардан туриб фойдаланиш имкониятига эга бўлиш мумкин. Олимлар ва талабалар бутун жаҳоннинг илмий-таълимий ахборотларидан фойдаланишлари мумкин. Барча мавжуд коллекцияларни рақамлаштириш орқали кутубхоналар ўз хазиналаридан бутун дунёни баҳраманд қилиш имконига эгалар.

Барча ривожланаётган мамлакатларда билимларни эгаллашдаги тўсиқларнинг мавжуд бўлиши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолдир. Молиявий, технологик ва ҳуқуқий тўсиқлар жамиятда билимларнинг ривожланишига тўғаноқ бўлади.

Мазкур маълумотнома тез ўзгарувчан электрон муҳитда ахборот-кутубхона хизматига оид жиддий ҳуқуқий масалалар борасида амалий қўлланма ҳисобланади.

Кўриладиган муаммолар доираси электрон кутубхона ходимлари иш кўламининг мураккаблигини акс эттиради. Кутубхоначилик ҳамжамияти рақамли даврда ҳам ўз ваколатларини бажара олиши ва нуқтаи назарларини ҳимоя қила олишлари учун кутубхоначилар муҳим масалаларга оид билимларга эга бўлишлари лозим.

Қуйида ҳар бир муаммо қисқа тарзда баён этилиб, кутубхоналарга оид жиҳатлари ажратиб кўрсатилади, кейинчалик ўқиш учун эса манба ҳавола қилинади.

eIFL.net консорциуми – нотижорат ташкилот ҳисобланиб, ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатларга

кутубхоналардан фойдаланувчилар учун электрон ресурслардан кенг фойдаланиш борасида ҳар томонлама маслаҳат бериш кўринишидаги ёрдамни амалга оширади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва шартнома ҳуқуқи ўртасидаги ўзаро муносабатлар: электрон ресурслар ва кутубхона консорциумлари

Муаллифлик ҳуқуқи ва шартнома ҳуқуқи

Қонун - бу жамият томонидан қўлланиладиган ва бажарилиши муқаррар бўлган қоидалар мажмуидир. Қонунлар ишлаб чиқилиши жараёнида муҳокама этилади. Қонун чиқарувчи орган ва жараённинг барча иштирокчилари томонидан ўз фикрларини баён этиш имконияти яратилади.

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Қонун ҳуқуқ эгаси ва ҳимоя қилинган материал фойдаланувчилари (алоҳида шахслар ёки кутубхоналар) орасидаги мувозанатни акс эттириши даркор. Шу жиҳатдан қонунда кутубхоналарга ўз коллекцияларидаги ҳужжатларни сақловини таъминлашда ёки улардан фойдаланишда (“ҳалол фойдаланиш” доктринаси доирасида) қўллашлари мумкин бўлган махсус бўлимлар эътиборга олинган. Одатда, китоблар, брошюралар ва шу каби босма маҳсулотларнинг Муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган. Шунинг учун кутубхонага китоб келиб тушганда, Муаллифлик ҳуқуқи борасидаги миллий қонунчилик қўлланилиши табиийдир.

Шартнома – икки тарафлама бажарилиш ва амал қилиш муддатлари борасидаги келишуви асосидаги хусусий, юридик мажбурий битимдир.

Лицензия – шартнома ҳуқуқи билан бошқариладиган маълум бир фаолият олиб боришга формал ҳуқуқ берадиган рухсатномадир. Лицензия – электрон маҳсулотлар: компьютер дастурлари, компьютер ўйинлари, онлайн фильмлар, мусиқий асарлар, маълумот базаларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришни бошқаришда қўлланилади. Бу шуни англатадики, кутубхонага келган кўпгина электрон материаллар лицензия шартномалари билан бошқарилади.

Лицензиянинг ҳар хил турлари мавжуд. (Оберточная лицензия) “Ўралган лицензия” – асосан дўкон жавонларида ўралган кўринишда сотиш учун қўлланилади: CD ва DVD дисклардаги дастурлар ва компьютер ўйинлари. “Келишув лицензияси” веб сайтлардан юклаб олиннадиган ҳужжатлар учун фойдаланиш лицензиясидир. Мазкур лицензия шартларини компьютер сичқончасини оддийгина босиш орқали қабул қилиш ёки рад этиш мумкин. Икки турдаги мазкур лицензиялар муҳокама қилишдан холи ҳисобланади, яъни фойдаланувчи мазкур маҳсулотдан фойдаланишга рухсат берадиган, маҳсулотнинг ҳуқуқий эгаси томонидан таърифланган шартларни бажаришга мажбур. (Ўз

навбатида ҳаридорни лицензиянинг ноҳақ шартларига қўшилмасликдан ҳимоя қилувчи бир қатор ҳуқуқий амаллар мавжуд).

Кутубхоналар ўз фондларида “жавон”лардан сотиб олинган электрон маҳсулотларга эга бўлишлари мумкин, бироқ кўпгина кутубхона ресурслари тижоратни таъмин этувчилар орқали сотиб олинган маълумот базалари, электрон журналлар, китоблар, газеталардан иборатдир. Бу каби ресурслар маҳсулотнинг ҳуқуқий эгалари (кўп ҳолларда нашр этувчи) билан тузилган лицензия шартномаси асосида, кутубхоначига стандарт лицензия тақдим этилади. Юқорида қайд этилган “жавон”дан олинган маҳсулотлардан фарқли ўлароқ, лицензиянинг матн лойиҳасининг тақдим этилиши ношир томонидан маҳсулотдан фойдаланиш ҳуқуқи ва ундан фойдаланиш муддатлари, шартлари бўйича келишувдир.

Кутубхоначи лицензияни диққат билан ўрганиши, керакли ўзгартиришлар киритиши ва ноширга қайтариши лозим. Шартлар ва чекловларни тушунмаслик, мазкур шартларга амал қилмаслик деган сўз эмас. Бир сўз билан айтганда, кутубхоначи ношир билан шартларни муҳокама этиб, муқобил келишувга асосланиши даркор.

Амалиёт

Электрон маҳсулотлар билан фаолият юритишда лицензияларнинг қўлланилиши кутубхоналар олдига бир қатор муаммоларни келтиради:

- Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунда бирор бир масала қандай ёритилганидан қатъий назар, шартнома ҳуқуқи муаллифлик ҳуқуқидан устун туради, чунки кутубхоналар шартнома шартлари билан келишган ҳолда битим тузадилар.

- Лицензия шартномасида томонлар: кутубхона ва ношир, ресурслардан фойдаланиш муддатлари ва шартлари борасида эркин мунозара юритадилар. Бунда кутубхоналар муаллифлик ҳуқуқи доирасидан четга чиқувчи қўшимча имкониятлар борасида ҳам савдолашишлари мумкин. Ёки аксинча, муаллифлик ҳуқуқи қонунида акс этирилган имтиёзларидан воз кечишлари мумкин.

- Шартнома шартларини ифода этиш эркинлиги кўп ҳолларда кутубхоналарни номувофиқ ҳолатга қўйиши мумкин. Биринчидан, келишувда қатнашувчи томонлар вазияти тенг бўлмаслик ҳолати, бунда ношир материалга танҳо ва эксклюзив эгалик ҳуқуқи.

- Нашриётлар кўп ҳолатда халқаро компаниялар бўлиб, лицензия матнларини тузишда катта харажат талаб этадиган жуда тажрибали адвокатларни ёллайдилар. Матнлар инглиз тилида тузилиб, ўзида бир қатор техник ва махсус атамалардан иборат бўлади. Лицензияни ифода этишда халқаро нашриёт кутубхонанинг қайси мамлакатда эканидан

қатъий назар, ўз манфаатларига мос бўлган давлатнинг қонунчилигидан фойдаланиши мумкин.

- Босма маҳсулотлардан фойдаланишда кутубхоналар деярли чеклашлардан холидир. Муаллиф, яъни нашрнинг ҳуқуқий эгасида мазкур китобнинг кутубхона жавонида қанча муддат бўлиши, кутубхонадан мазкур китобни олган фойдаланувчи томонидан қаерда қўлланилиши борасида чеклов қўйиш имконияти мавжуд эмас. Бордию кутубхона маълум бир журналга обуна бўлишдан воз кечса, унинг кутубхонада мавжуд аввалги сонлари ҳеч қандай чекловларсиз фойдаланилиши мумкин. Бунга қарши ўлароқ, лицензияда электрон материаллардан фойдаланиш ҳуқуқи маълум бир вақт оралиғида, аниқроғи лицензияда кўрсатилган муддатда амал қилади. Бу эса электрон ресурслардан фойдаланиш борасидаги ўзаро келишувларда кутубхонада улардан фойдаланишдаги ҳар бир ҳолатни эътиборга олиш муҳимдир.

Кўпгина мамлакатларда кутубхоналар Консорциуми (Бирлашма) электрон ресурслар юзасидаги ўзаро келишувларда кутубхоналарга позицияларини мустаҳкамлашга, кутубхона консорциумининг бошқа аъзолари билан нархлар ва шартлар борасида ўзаро ахборот алмашуви (кооперация) ёрдам беради. Шунингдек, Консорциумлар ходимларни қайта тайёрлаш, электрон порталларни, электрон кутубхоналарни яратиш каби сервислар ва дастурларни амалга оширишда ёрдам берадилар.

Интернет тармоғи орқали электрон ресурсларга эга бўлиш имконининг ортиши 1990-йилларнинг охирига келиб, “Кутубхоналар учун электрон ахборот” (Electronic Information for Library, eIFL.net) нотижорат Халқаро Кутубхона Консорциумини тузилишига олиб келди. Мазкур Консорциум лицензия шартларини муҳокама этиш, ўтиш давридаги ва ривожланаётган мамлакатларнинг кутубхоналар консорциумларини тузиш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

Консорциумлар миллий бўлиши мумкин, масалан, “Миллий Электрон-Ахборот Консорциуми” (Национальный Электронно-Информационный Консорциум- НЭИКОН), NELINET – минтақавий америка тармоғи, бир хил турдаги кутубхоналар бирлашмалари, масалан, университет кутубхоналари – Жанубий Африка кутубхоналар Консорциуми Коалицияси (Coalition of South African Library Consortia - COSALC).

Биргаликда бажарилган ишларнинг натижаси сифатида шартлар ва чекловларни аниқ ифода этувчи алоҳида кутубхоналар ва бутун консорциумда қўлланилиши мумкин бўлган лицензия намуналари (модел) ишлаб чиқилди. Кутубхоначилар ва ноширлар билан биргаликда бир қатор лицензиялар намуналари ишлаб чиқилди, бу эса ўз навбатида ўзаро

келишувлар жараёнини енгиллаштирди. Турли хил вазиятлар учун мўлжалланган намуналар мавжуд. Масалан, алоҳида олий ўқув юрти, олий ўқув юртлари консорцуми, оммавий кутубхоналар, махсус кутубхоналар ва ҳ.к. Кўпгина материаллар тармоқда мавжуд бўлиб, барча тур келишувларда улардан дастлабки келишув нуқтаси сифатида фойдаланиш мумкин.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Лицензия шартномасининг кутубхона ва унинг фойдаланувчилари манфаатларига мос келишини назорат қилиш (унинг кутубхона консорцумига аъзо ёки аъзомаслигидан ва фойдаланиш учун олинган ресурслар консорцум томонидан бошқарилмаган тақдирда ҳам) кутубхоначининг вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, кутубхоналар шартномада кўрсатилган барча мажбуриятларга амал қила олишига амин бўлишлари лозим.

- Кутубхоналар ўз фойдаланувчилари учун (фойдаланиш ва материалларга эга бўлиш нуқтаи назаридан) ва маблағ билан таъминловчи ташкилотга нисбатан эса (наrx жиҳатидан) энг мақбул битимга эга бўлганлигига амин бўлиши лозим.

- Кутубхоналар битим тузилаётган ҳар бир лицензия шартномасидаги шартлар ва чекловларни тўлиқ англаб етишлари, барча кўрсатилган шартларни ҳеч бир мушкулликсиз бажара олиниши лозим. Бордию, келтириб ўтилган шартлар борасида бирор бир шубҳа туғилса, албатта мутахассислардан маслаҳат сўрашлари лозим.

- Кутубхоналар консорциумга кириш ёки консорциум тузиш имкониятларини кўриб чиқишлари лозим, бу эса ўз навбатида лицензия битимларини тузишда манфаатларга эга бўлиш жиҳатидан: мутахассисларни тайёрлашда ёрдам, электрон ресурсларни бошқариш бўйича маслаҳатлар, бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш ва ҳ.к.лар тариқасида қўшимча имкониятларга эга бўлиши мумкин.

Қисқаси, кутубхоналар қуйидаги ҳолатларда лицензия шартномаларидан сақланишлари лозим:

- лицензия кутубхона жойлашган мамлакатнинг қонун, низом ва йўриқномаларига бўйсунмаган ҳолатда;

- муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Қонундаги имтиёзлар ва чекловлар тан олинмаганда;

- сотиб олинган лицензион материаллардан доимий (узок муддатли) фойдаланиш ҳуқуқи берилмаганда;

- фойдаланувчиларнинг Интернет манзиллари ва бандлари ҳуқуқлари кафолатларида учинчи шахслар фаолиятига оид жавобгарликни кутубхоналарга юклатилганда;

- авторизация қилинган фойдаланувчи томонидан қоида бузилишлар учун кутубхона жавобгарликка тортилиши белгиланганда;
- мазкур лицензиядан бош тортиш мумкин эмаслиги хақида банд мавжуд бўлганда;
- лицензия шартларини эълон қилинмаслик шарти хақида банд мавжуд бўлганида;
- ношир томонидан бажариладиган мажбуриятлар “барча нарсага қодирлик” сифатида талқин этилганда;
- фойдаланиш муддатида аниқлик бўлмаганда;
- кутубхона томонидан лицензия учун тўлов “барчасини ўз ичига қамраб олиш” принципида эканлиги таъкидланган ҳолатларда.

Ахборот учун қўшимча манба “Лицензирование электронных ресурсов: как избежать юридических ловушек”, <http://www.eblida.org/ecup/docs/licensing.htm>

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёнот

- Позиция Европейского бюро библиотечно-информационных ассоциаций о правах пользователей на электронные документы (1998) <http://www.eblida.org/ecup/docs/policy21.htm>

- Заявление Международной коалиции библиотечных консорциумов о перспективах и предпочтительной практике в выборе и покупке электронной информации (ICOLC Statement of Current Perspective and Preferred Practices for the Selection and Purchase of Electronic Information (1998) <http://www.library.yale.edu/consortia/statement.html>

- Принципы лицензирования ИФЛА (IFLA Licensing Principles (2001) <http://www.ifla.org/V/ebpb/copy.htm>

Намунавий лицензиялар ва ресурслар

- Модельная лицензия eIFL http://www.eifl.net/services/services_model.html

- Материалы по созданию консорциумов http://www.eifl.net/resources/resources_consortium.html

- Стандартное лицензионное соглашение для библиотек <http://www.library.yale.edu/~license/modlic.shtml>

- Модельная лицензия Британского объединенного комитета по информационным системам <http://www.jisc-collections.ac.uk>

- Модельная лицензия для издателей, библиотекарей и подписных агентств <http://www.licensingmodels.com/>

“Уч ҳиссалик кулф” - ҳимоянинг техникавий воситалари Ҳимоянинг техникавий воситалари нима?

Ҳимоянинг техникавий воситалари (ҲТВ) – дастурий аппарат воситалари ёрдамида электрон ҳужжатларга кириш, улардан фойдаланишни назорат қилишга мўлжалланган. ҲТВ кўп ҳолатларда нусха олишни олдини олиш ёки чеклашда қўлланилади. ҲТВлар турли ҳолатларда амалга оширилиши мумкин, масалан: DVD аппаратлари ҳудудий кодлаш қўлланилган мамлакатларнинг дискларини ўқий олмайди ёки легал (қонуний) сотиб олинган мусиқани учинчи шахс томонидан mp3 проигривателига ёзиб бўлмаслиги. Кўп ҳолатларда ҲТВ атамаси ўрнига “Электрон ҳужжатларни бошқариш ҳукуқи” (ЭҲБҲ) атамаси ишлатилади. ЭҲБҲга қарши томонлар мазкур аббревиатурани “Электрон ҳужжатларга бўлган тўсиқларнинг бошқаруви” сифатида талқин қиладилар [1].

Муаллифлик ҳукуқи тўғрисидаги 1996 йилги БИМТ (Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти) шартномаларини муҳокамаси чоғида кутубхоналар ва ҳамда фойдаланувчилар мазкур технологияга эътибор қаратдилар. Мазкур халқаро шартномаларда ҲТВ ларни четлаб ўтиш қонунга ҳилоф ҳисобланади, чунки ҲТВ муаллифлар томонидан “ўз муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишда” қўлланилади [2].

БИМТ муаллифлик ҳукуқи тўғрисидаги шартномани имзолаган мамлакатларнинг Миллий қонунчилигида ҲТВларни четлаб ўтиш ҳолатлари таъқиқланган. Америка Қўшма Штатлари Муаллифлик ҳукуқи тўғрисидаги 1998 йилдаги Қонунда шу усулни қўллаган. 2001 йилда эса Муаллифлик ҳукуқи тўғрисидаги Европа директиваси мазкур позицияни алоҳида таъкидлади [3]. Ҳар икки ҳолатда ҳам муаллифлик ҳукуқи тўғрисидаги шартнома қатъий изоҳланди. ҲТВ ини ҳилоф равишда бузиш, четлаб ўтиш ҳолатлари ноқонуний ҳисобланади. АҚШда мазкур тартиб бузарлар фуқаролик ва жиноий жавобгарликка тортилади. Бу эса муаллифлар, яъни ресурсларнинг ҳуқуқий эгалари мазкур технологияларни қўллаган ҳолда ҳужжатлари учун фойдаланиш қоидаларини ўзлари белгилашлари мумкин. Лицензиялашда технологиялардан фойдаланишнинг устунлиги электрон ҳужжат эгаларининг вазиятини анча мустаҳкамлайди, чунки улар ўз фойдаланувчиларини “Уч ҳиссалик кулф”га “кулфлайдилар”. (Бу ҳақида аввалги бандда кўриш мумкин: “Муаллифлик ҳукуқи ва шартнома ҳукуқи борасидаги муносабатлар: электрон ресурслар ва кутубхоналар консорциуми”).

Фойдаланувчилар манфаатини ҳимоя қилувчилар орасида баъзи эътирозлар ҳам туғилади, яъни ҲТВ, ЭҲБҲлар тижорат нусха кўчиришдан кам ҳимоя қилади, лекин фойдаланувчиларнинг оддий ва табиий фойдаланишида форматларни ўзгартириш, такрор ишлатишларда

кучли чекловлар мавжуддир. Чекловларсиз фойдаланиш учун харидор турли хил нарх ўзгаришларига кўнишга мажбурдир. Шунингдек, ХТВ имконияти чекланган шахсларни ҳужжатлардан фойдаланиши учун ёрдам берадиган технологияларни ҳам блокировка қилади.

2005 йил ноябр ойидаги “Sony rootkit” компанияси тарихидаги шармандалик ҳолати шахсий ҳаёт хавфсизлиги ва ҳимоясига оид ҳавотирларни ўринли эканини кўрсатди [4]. Sony BMG Music Entertainment компанияси нусха кўчиришдан ҳимоя қилиш тизими билан қуролланган мусиқа дискини яратди. Мазкур тизим фойдаланувчининг компьютерига оғоҳлантиришсиз, яширин равишда кичик (корневая утилита, rootkit) дасурни ўрнатади. Бу дастур кўп ҳолларда ёвуз ниятларда фойдаланиладиган дастур ҳисобланиб, компьютернинг операцион тизимида компьютер вируслари кира оладиган бўшлиқ ҳосил қилади. Норозиликлар шунчалик кўп бўлдики, компания рождество байрами муносабати билан товарларни сотиб юбориш арафасида эканлигига қарамай, ўз маҳсулотини, яъни нусха кўчиришдан ҳимояланган дискларни дўконлардан зудлик билан қайтариб олди. Буларнинг барчаси дунё бўйича ярим миллион тармоқни зарарланишига, натижада АҚШдаги судлов таъқибларига олиб келди.

Амалиёт

Ҳимоянинг бундай кучли усуллари назорат остида бўлиши лозимлигини қонун чиқарувчилар албатта эътироф этадилар.

АҚШнинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича офис раҳбари (The US Register of Copyrights) манфаатдор томонларнинг таклифлари асосида қоидалар ишлаб чиқиш ваколатига эга. 2006 йил декабрдаги йўриқномага кўра, ҳимояланган маҳсулотларни (6 хил тур маҳсулотлар ажратиб кўрсатилган) қонун доирасида қўллаган шахслар, келгуси 3 йилда қонуний чекловлардан озод қилинадилар. Бунда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг Ахборот-ресурс марказларида, медиа бўлимларда Интернетнинг архивлаштириш тизимларида эскирган форматдаги дастурий таъминот, видео ўйинларни қонуний тарзда сақлаш имкони бўлади [5].

Американинг электрон ҳужжатлар бўйича фуқаролик ҳуқуқлари ташкилоти (Electronic Frontier Foundation) муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Қонуни асосидаги қонуний фаолиятни босиб ўтиш мақсадида “айланиб” ўтувчи фактларни йиғади. Йиғилган маълумотлар, амалдаги қонунларнинг айнан қароқчиларга эмас, балки қай даражада харидорлар, олимлар ва қонуний рақобатчиларга қаратилганлигини кўрсатади [8].

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Ахборот жамияти тузишнинг муваффақияти электрон ҳужжатларга эга бўлишга боғлиқдир. Ҳимоянинг техник воситалари (ХТВ), Электрон ҳужжатларни бошқариш ҳуқуқи (ЭХБХ) тизимларини юридик ҳимояси муаллифлик ҳуқуқидаги истисноларга зид ҳисобланади. 2006 йил Британия парламентидаги муҳокама чоғида Британия кутубхонаси вакили “ХТВ жиддий равишда азалдан қабул қилинган ва ўрнатилган одилона фойдаланиш концепциялари ва кутубхоналарнинг имтиёзларига раҳна солиши, шунингдек, ижтимоий жамият манфаатлари йўлидаги қонуний фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум этиши” мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди [9].

Кутубхоналар бир қатор муаммолардан ташвишдалар.

- Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Миллий Қонунлар доирасида кутубхоналарнинг қонуний ҳуқуқларини амалга оширишда тўсиқлар мавжуд бўлмаслиги керак. ХТВлари учун қонуний фойдаланиш билан ноқонуний фойдаланиш ўртасидаги фарқни ажрата билмайди. Матндан нусха олишга тўсиқлик қилувчи механизм ҳимояланган асардан ноқонуний нусха олишга имкон бермайди, худди шу билан бирга у қонуний равишда фойдаланаётган талабага ёки кўриш имконияти чекланган шахсга ҳам қонуний ёки муаллифлик ҳуқуқига истисно тариқасида нусха олиш имконини бермайди.

- Халқлар ва тилларнинг бирлигини сақлаш, маданиятларни қўллаб-қувватлаш, асрашда Ҳимоянинг техник воситалари (ХТВ), Электрон ҳужжатларни бошқариш ҳуқуқи (ЭХБХ)нинг мавжудлиги мазкур ресурсларни узоқ муддат сақловини таъминлашда, архивлаштиришда қийинчиликлар туғдиради. ЭХБХ тизимининг ўртача умри 3 - 5 йилни ташкил этади. Эскирган ЭХБХ ҳужжатларни бузилишига олиб келади, кутубхоналарда эса ҳимояларни четлаб ўтиш имкониятининг мавжуд эмаслиги келгусида мазкур ресурслардан фойдаланиш имкониятини ҳам чегаралайди.

- Ижтимоий мулк ҳимояга муҳтождир. ЭХБХ муаллифлик ҳуқуқи муддати тугагач ҳам мавжудлигича қолади. Бунинг натижасида муаллифлик ҳуқуқининг муддати тугаган ҳолатда ҳам ҳужжат блокланган ҳолатдалигича қолади, бу эса унинг мавжудлигига раҳна солиб, ижтимоий мулкнинг қисқаришига олиб келади.

Кутубхоналар ҳуқуқ эгаларининг муаллифлик ҳуқуқидаги қонунда кўрстилган истиснолар ва чекловларга эътибор қилмаслик ҳолатларига қарши эътироз билдирмоқдалар. Кутубхоналар қонуний тарзда асардан фойдаланишлари учун ХТВ ва ЭХБХларни четлаб ўтишга рухсат берилиши лозим.

Кутубхоналар нуқтаий назаридан баёнот

Америка кутубхоначилар ассоциацияси “Электрон асрда кутубхоналар ва муаллифлик ҳукуқи” Американская библиотечная ассоциация «Библиотеки и авторское право в электронную эпоху» (American Library Association, Libraries and Copyright in the Digital Age) http://www.ala.org/ala/washofr7W_Oissues/copyrightb/copyright.htm#LnC

eIFL/IFLAнинг қўшма баёноти. Совместное заявление eIFL/IFLA «Проект предложений к договору ВОИС о защите организаций радиовещания, май 2006 г.» (eIFL/IFLA Joint Statement WIPO SCCR/14, Draft Basic Proposal for the WIPO Treaty on the Protection of Broadcast Organizations, May 2006) http://www.eifl.net/services/ipdocs/sccr_14_written.pdf Комитет ИФЛА по авторскому праву и другим юридическим вопросам

«Ограничения и исключения.. в электронной среде: международные перспективы библиотек» (IFLA Committee On Copyright And Other Legal Matters (CLM) Limitations And Exceptions...In The Digital Environment: An International Library Perspective) <http://www.ifla.org/III/clm/pl/ilp.htm>

Адабиётлар

- Управление ограничениями прав на электронные документы (DigitalRestrictionsManagement) <http://www.drm.info/>
- Управление правами на электронные документы: провал среди промышленных стран, угроза развивающимся странам (Digital Rights Management: A failure in the developed world, a danger to the developing world, Cory Doctorow) http://www.eff.org/IP/DRM/drm_paper.php
- Фонд электронных границ «Непреднамеренные последствия: 7 лет в условиях действия закона об авторском праве» (Electronic Frontier Foundation, Unintended Consequences: Seven Years under the DMCA. April 2006) http://www.eff.org/IP/DMCA/unintended_consequences.php
- EIFL.net, Международный семинар ВОИС по проблемам интеллектуальной собственности и развития (eIFL.net at WIPO International Seminar on Intellectual Property and Development, 2005) http://www.eifl.net/services/ipdocs/isipd_eifl.pdf
- Директива Европейской комиссии по авторскому праву (European Commission, Directive 2001/29/EC (copyright Directive) http://ec.europa.eu/internal_market/copyright/copyright-infso/copyright-infso_en.htm
- Закон об авторском праве США в цифровом тысячелетии, 1998 г. (Digital Millennium Copyright Act (1998) <http://thomas.loc.gov/cgi-bin/query/z?c105:H.R.2281:>
- Договор по авторскому праву Всемирной организации

интеллектуальной собственности 1996 г. (World Intellectual Property Organization Copyright Treaty (WCT) (1996)
<http://www.wipo.int/treaties/en/ip/wct/>

Муаллифлик ҳуқуқи, ҳимоя муддати ва ижтимоий мулк тушунчаси

Муаллифлик ҳуқуқи ва ижтимоий мулк

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий асар яратувчиларга юридик ҳимоя бериб, мазкур асарни ишлаб чиқариш ва фойдаланишда назорат олиб бориш имкониятини беради. Шунингдек, фан, адабиёт ва санъат асарларини (муаллифлик ҳуқуқи), сахна асарларини, ижроларни, фонограммаларни, эфир ва кабель орқали кўрсатув ҳамда эшиттиришлар берувчи ташкилотларнинг кўрсатув ва эшиттиришларини яратиш ҳамда улардан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган интеллектуал мулк соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Муаллиф, яъни ижодий меҳнати билан асар яратган жисмоний шахс, ўз асарини тайёрланиши ва тарқатилиши, асарнинг теле-радио орқали омма олдида ижро этилиши, кенг оммага тақдим этилиши, асарнинг таржимларини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Муаллифлик ҳуқуқи ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан уларнинг мақсади ва кадр-қиммати, шунингдек ифодаланиш усулидан қатъи назар, тадбиқ қилинади. Асарлар муаллифлик ҳуқуқи билан қўриқланиши учун асарнинг асл нусхаси, яъни ҳар қандай моддий шаклда: қоғозга туширилган ёки бирор бир ташувчиларда қайд қилинган бўлиши лозим.

Асар оғзаки, ёзма шаклда ёки уни идрок этиш имконини берадиган бошқа объектив шаклда ифодаланган бўлиши лозим. Ёзма шаклдаги ёки моддий жисмда ўзгача усулда ифодаланган асар (кўлёзма, машинка ёзуви, нотали ёзувлар, техника воситалари ёрдамидаги ёзув, шу жумладан аудио ёки видеоёзув, икки ўлчовли ёки ҳажмий-фазовий шаклда яратилган тасвир ва ҳоказо), ундан учинчи шахсларнинг фойдаланиш имконияти бор-йўқлигидан қатъи назар, объектив шаклга эга деб ҳисобланади.

Турдош ҳуқуқлар деб аталувчи ҳуқуқлар мажмуи мавжуддир. Булар қуйидагилар:

- Овоз ёзиш (муסיқали аранжировка қилувчи шахслар),
- Фильм ва видеолар яратиш (фильм продюсерлари),
- Эфир ёки кабель орқали кўрсатув ва эшиттиришлар (сервис провайдерлар),
- Нашр этилган асарнинг типографик версткалари (ноширлар).

Муаллифлик ҳуқуқи иқтисодий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи ҳисобланади. Бу шахс ҳуқуқи ёки ижтимоий (гуманитар) ҳуқуқ эмас. Муаллиф ёки унинг меросхўри муаллифлик шартномаси тузиш орқали ўз асаридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин. Муаллифлик шартномаси учун ҳақ тўлаш талаб қилинади. Муаллифлик шартномаси тайёр асар учун ёки муаллиф яратишни ўз зиммасига олган асар учун (буюртма шартномаси) тузилади. Асардан у ёки бу доирада фойдаланишга рухсатнома бериш тўғрисидаги муаллиф ёки унинг меросхўрлари тузадиган шартнома ҳам (муаллифлик лицензия шартномаси) муаллифлик шартномаси ҳисобланади.

Муаллифлик шартномасида қуйидагилар назарда тутилиши керак:

- асардан фойдаланиш усуллари (мазкур шартнома асосида бериладиган аниқ ҳуқуқлар);
- асардан фойдаланишнинг ҳар бир усули учун тўланадиган ҳақ миқдори ва (ёки) тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тартиби, уни тўлашнинг тартиби ва муддати.

Муаллифлик шартномасида асардан фойдаланиш ҳуқуқи қанча муддатга берилиши тўғрисида келишилади.

Шартнома тузилган вақтда асардан фойдаланиш ҳақидаги ҳали маълум бўлмаган ҳуқуқлар муаллифликка доир шартнома мавзуси бўлиши мумкин эмас. Асардан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ миқдори тарафларнинг келишувига, башарти асарни нашр этиш ёки ундан бошқа тарзда фойдаланиш белгиланади. Масалан, муаллиф маълум бир тўлов асосида ёзилган китобга, чоп этилган асарига бўлган эгалик муаллифлик ҳуқуқини ноширга топшириши мумкин. Ношир эгалик ҳуқуқига эга бўлиб, китобдан фойдаланиш, унинг тарқатилиши, бошқа тилларга таржимасини назорат қилади. Эгалик муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг ўлиmidан кейин мерос тариқасида ўтказилиши мумкин.

Муаллифлик ҳуқуқининг мақсади асар муаллифи ёки тадбиркорга ўз асари учун молиявий мукофот олиш имконини яратади. Бу кейинчалик бадиий ва маданий муҳитда ижодий фаолликни ошириш ва инновациялар тадбиқ этишга асос бўлади. Бу муаллифлик ҳуқуқини мустаҳкамловчи биринчи, яъни “Таълимни қўллаб-қувватлаш” Қонунига (1710 й.) тегишли бўлиб, Қиролича Анна Статути (низом) сифатида ном қозонган. Қиролича Анна низом бошқа муҳим принципни ҳам тан олади, унда асар яратувчисининг мутлақ ҳуқуқлари вақт билан чегараланиши лозимлигини билдиради (дастлабки чоп этилгандан сўнг амал қилиш муддати 14 йил этиб белгиланди). Бу муддатдан сўнг асар муаллифлик ҳуқуқи чекловларидан чиқиб, барча фойдаланиши мумкин даражага, яъни ижтимоий мулкка айланади (public domain).

Ижтимоий мулк – инсониятнинг умуммаданий, интеллектуал меросининг бир қисми ҳисобланиб, ижодкорларнинг илҳомланиши, тасаввурининг ортишида рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Ижтимоий мулк ҳисобланган асарлар ҳар қандай чеклашлардан холи бўлиб, улардан тижорат ва нотижорат мақсадаларда, ҳеч қандай рухсатсиз фойдаланиш мумкин. Масалан, ноширлар кенг омма учун китобларнинг махсус арзон нашрларини чоп этиши мумкин. Композитор машҳур балладага (кичик шеърӣ қисса) пародия ёзиши, ёки ўқитувчи ҳеч бир таъқибларсиз, маълум бир шеърнинг нусхаларини талабалар ўртасида тарқатиши, кутубхоналар эса ўлкашунослик кўрғазмасини ташкил этиш учун ижтимоий мулк ҳисобланган тасвирни рақамлаштириши мумкин.

Ҳуқуқнинг амал қилиш муддати

Муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати Қиролича Анна Низомидан кейин бир неча маротаба узайтирилган. 1886 йилда Берн конвенцияси томонидан ўрнатилган Халқаро юридик стандарт, Муаллифлик ҳуқуқи бўйича миллий қонунчиликларнинг асосини ифодалаган ҳолда, бугунги кунда муаллиф вафотидан кейин 50 йилни ташкил этади. Бу муддат TRIPS шартномаси деб ном олган 1995 йилги интеллектуал мулк ҳуқуқлари тўғрисидаги келишувларда ҳам ўрнатилди.

Бу асосий қоидаларда баъзи категориялар учун истисно қилинди. Кинофильмлар учун илк оммага намойиш этилган кунидан 50 йил сўнг деб белгиланди. Оммага намойиш этилмаган фильмлар учун, яратилган вақтдан бошлаб, 50 йил деб белгиланди. Мазкур шартлар аноним асарларга, шунингдек, муаллиф жисмоний шахс бўлмаган ҳолатларга (ташкилот ёки нашриёт) ҳам тааллуқлидир. Тасвирлар ва амалий санъат асарлари учун муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддати яратилгандан 25 йилни ташкил этади.

Бироқ Берн конвенциясига мувофиқ, ҳар бир мамлакат, муаллифлик ҳуқуқини муаллиф вафотидан кейин 50 йилдан ортиқ муддатга ҳам белгилаш ҳуқуқига эга. TRIPS шартномасини имзолаган БИМТга аъзо мамлакатлар учун муаллифлик ҳуқуқини муаллиф вафотидан кейин амал қилишнинг минимал муддати 50 йил этиб, бошқа мамлакатлар учун эса мажбурий муддат сифатида белгиланди. Дунёдаги кўпгина мамлакатлар Берн конвенцияси шартларини қабул қилиб муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш муддатини муаллиф вафотидан сўнг 50 йил деб белгиладилар, бироқ баъзи мамлакатлар бу муддатни 70 йил этиб белгиладилар.

Амалиёт: муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши

TRIPS шартномаси ва Берн конвенциясига асосан муаллифлик ҳуқуқини муаллиф вафотидан кейин амал қилишнинг муддати 50 йил этиб

белгиланди. Ҳар иккала ҳужжат ҳам халқаро миқёсда муҳокама этилиб, мазкур муддат муаллифлар ва асарларнинг ҳуқуқий эгалари ҳамда жамиятнинг эҳтиёжи ўртасидаги мутаносибликни сақлайди. Бу муддат ижодкорларга нафақат бутун умри давомида, балки вафотидан кейин ҳам мерос сифатида ўз меросхўрлари: фарзанд ва набираларига ҳам фойда келтиришни таъминлаб беради.

1990-йиллар давомида кўпгина мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш муддатини яна 20 йилга узайтирилиб, муаллиф вафотидан кейин 70 йил этиб белгиланди. Мазкур қарор, ўз чегарасидан анча олисда ҳам глобал иқтисодиётга ўз таъсирини ўтказишга қодир бўлган дунёнинг иккита йирик савдо бирикмалари – Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ томонидан илгари сурилди. 1993 йил Европа Иттифоқи муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг амал қилиш муддатини уйғунлаштириш мақсадида, кўпчилик иштирокчи мамлакатларда муаллиф вафотидан сўнг муаллифлик ҳуқуқини амал қилиш муддатини 70 йил этиб ўзгартирилди. 1998 йил мазкур муаллифлик ҳимояси шу босқичга чиқарилди, турдош ҳуқуқга эга асарлар учун эса муаллиф вафотдан кейин 95 йил этиб белгиланди. Кўп ҳолларда муаллифлик ҳуқуқи савдо келишувларининг матнларига ҳам киритилади, чунки Европа Иттифоқи (ёки АҚШ) билан учинчи мамлакатларга узоқ муддатли шартлар кўйилади, бошқа мамлакатлар уларнинг шартларига кўнишга мажбурдирлар. (Бу ҳақида батафсил маълумот учун “Муаллифлик ҳуқуқи ва савдо шартномалари” бўлимига қаралсин.)

Иқтисоднинг турли соҳалари шарҳловчиларининг фикрича, муаллиф вафотидан кейин 70 йил муддатга белгиланган копирайт, ҳаддан зиёд ҳисобланиб, копирайтнинг азалий мақсади – ижодий ташаббусларни рағбатлантириш, назардан четда қолади.

1998 йилда АҚШда копирайтнинг муддатининг 70 йил этиб узайтирилиш ҳақидаги қонун “Микки Маус ҳимояси ҳақидаги Қонун” сифатида машҳурдир. Қонун муҳолифлари норасмий “Миккини озод қилувчилар” номи остида АҚШ Олий Судида мазкур акт борасида тортишдилар. Уолт Дисней томонидан яратилган сичқонча Микки, Дональд Дак исмли ўрдакча ва унинг дўстлари ҳақидаги мультфильмларга бўлган копирайт келаси йилларда тугаб, улар ижтимоий мулкка айланиш арафасида эди. Уолт Дисней компанияси (дарҳақиқат, Оппокой ва етти гномлар каби ижтимоий мулк ҳисобланган асарлар орқали юксалган) фойда келтираётган асарларнинг ҳимоясини яна икки ўн йилликка узайтириш, уларни ижтимоий мулкка ўтказмаслик учун барча ресурсларини максимал даражада ишга солишга киришди. Бу уринишлар натижасида, шу каби бир неча ўн минг асарларнинг ижтимоий

фойдаланишга ўтказилиши кечиктирилиб, хусусий мулк сифатида 2019 йилгача қолдирилди.

АҚШда мазкур узайтириш ретроактив характерга эга бўлиб, барча муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясидаги асарларга тегишли эди. Европада эса мазкур узайтириш ретроактив характерда бўлиб, нафақат ҳозирги вақтда муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясидаги асарларга, балки яқин 20 йил ичида ижтимоий мулкка айланган асарларга ҳам тааллуқли бўлди. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий мулкка айланиб улгурган баъзи асарлар хусусий эгаларга қайтарилиб, вафот этиб кетган ижодкорларнинг меросхўрлари учун кутилмаган “осмондан ёғилган” совғага айланди.

Бу Европада бир қатор суд ишларини кўрилишига олиб келди. Бу борада Ж.Пуччинининг “Богема” операсини ижро этиш ҳуқуқи бўйича мусиқанинг ноширлари ва давлат театрлари ўртасидаги тортишувни эслаб ўтиш кифоя. Муаллифлик ҳуқуқи борасида Ирландия қонунчилигига киритилган тузатиш жанжалли машҳурликка сабаб бўлди. Бу тузатиш режалаштирилган Джеймс Джойснинг “Улисс” романи қаҳрамони Леопольд Блум куни – “Bloomsday”, яъни романда воқеалар содир бўлган куннинг юз йиллигига бағишлаб ўтказиладиган “Rejoice Dublin – 2004” (Хурсандчилик Дублин – 2004) юбилей фестивалини ўтказилишини таъминлаш мақсадида киритилди. Д.Джойснинг ҳаётлик чоғида чоп этирилган асарларига бўлган муаллифлик ҳуқуқи, унинг вафотидан 50 йил ўтгач, 1991 йилда тугаётган муддатда, муаллифлик ҳуқуқи борасидаги европа қонунчилигидаги киритилган тузатиш натижасида, муаллифлик ҳуқуқи 2011 йилгача узайтирилди. Бу эса 1941 йилда вафот этган Джойснинг ижодини қай тарзда рағбатлантириши ва янги асарлар яратишга туртки бериши мумкинлигини ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Кутубхоналар узоқ вақт мобайнида ижтимоий мулкга тааллуқли бўлган бой ресурсларнинг емирлишидан ҳавотирда. Мазкур асарлар муаллифларга янги асарлар яратишга бой асос ҳисобланади. Бу ресурслар кутубхоналарга дунёнинг бадиий ва адабий дурдоналарини рақамлаштириш орқали эркин тақдим этиш имконини беради. Бироқ мазкур сектор талон-тарож бўлиш хавфи остидадир. Дунё маданий ва илмий меросининг кўриқчилари сифатида кутубхоначилар жамият манфаатларини ҳимоя қилишлари, фойдаланувчиларга мазкур секторнинг моҳиятини етказа олишлари ва сиёсатчиларга тўғри қарорлар ишлаб чиқишларида ёрдам беришлари лозим. Мазкур иш, кутубхоналар учун ҳимоя механизмлари, лицензиялаш, хужжатларни етказиб бериш, китоб ва журналлар баҳоси, асбоб-ускуналарга бўлган тўлов, шунингдек, фойдаланиш учун рухсат олиш каби сермашаққат жараёнлар билан боғлиқ бўлган, яширин чиқимларни тушунтириб беришдан иборатдир. Таълим,

қолаверса, бутун жамиятнинг ривожланишида, гуллаб-яшнашида ижтимоий мулкнинг мукаммал бўлиши лозимлиги аҳамиятини тушунтириб беришлари даркор.

Ахборотга эга бўлиш - муҳим ривожлантирувчи омил ҳисобланган, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётга эга мамлакатларда муаллифлик ҳуқуқи муддатининг узайтирилиши, анаънавий фойдаланиш учун барчага тақдим этилаётган ахборотларнинг, ҳозирда ижтимоий фойдаланишга йўл қўйилмаслиги, таълим ва инновацияларнинг ривожланишида аянчли оқибатларга олиб келади. Ҳимоя муддатини пропорционал бўлмаган равишда узайтирилиши, ривожланган мамлакатлардаги меросхўрлар ва ҳуқуқий эгаларга ривожланаётган мамлакатлардаги ахборотдан фойдаланувчилар, ижодкорлар ҳисобига фойда олиш имкониятини оширади. Ахборот оқимлари тескари йўналишда: бадавлат Шимолдан ночор Жануб томонга ёрдам тариқасида эмас, аксинча, бадавлат Шимолга ночор Жануб ҳисобига бойлик орттиришга ёрдам тариқасида айланади.

Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқий масалаларга оид ИФЛА кўмитаси таъкидлайди: “Ижтимоий мулк ҳисобланган асарларнинг мукаммал манбасининг мавжудлиги ва ҳимояланган маълумотлардан одилона фойдаланиш имконияти янги асарларнинг яратилиши ва ижодий фаолликка замин яратади. Интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши иқтисодий ўсишга олиб келади, бунда фақат ижтимоий мотивлардан келиб чиққан ҳолда муаллифлик ҳуқуқига айрим истиснолар киритилиши кифоядир. Ҳақиқатда эса бу нотўғри дихотомиядир. Саноатнинг кўпгина тармоқлари илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини амалга оширишда, таълимда, дастурий-таъминот ва аппарат воситаларини мослигини таъминлашда ҳимояланган материаллардан фойдаланишга эҳтиёж сезадилар. Оқилона кўламда фойдаланишнинг чекланиши иқтисодиётнинг ўсишини тўхташига сабаб бўлиши мумкин.” (IFLA Committee on Copyright and Legal Matters <http://www.ifla.org/III/pl/ilp/htm>)

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёнот

- Ижтимоий мулкнинг муҳимлиги (Importance of the Public Domain, Special Libraries Association (SLA), журнал «Information Outlook», Vol. 5, No. 7, July 2001) <http://www.sla.Shop/Information/infoonline/2001/jul01/copyright.cfm>

- ХИМТга йўналтирилган ИФЛА ва eIFL.net ижтимоий мулк қимматдорлигини баҳолашга тааллуқли Чили бўйича кўшма баёноти. Совместное заявление ИФЛА и eIFL.net по предложению Чили, направленному в ВОИС и касающемся повышения оценок значимости общественного достояния (Joint statement by IFLA and Electronic Information for Libraries (eIFL.net) on the proposal by Chile for WIPO to

undertake an appraisal of the public domain (2006)
http://www.eifl.net/services/ipdocs/pcdal_chile.pdf

- Ижтимоий мулк аҳамиятини ошириш бўйича ХИМТ га Чилининг таклифи. Предложение Чили для ВОИС, касающееся повышения оценок значимости общественного достояния (Proposal by Chile to WIPO on the public domain (2006)
http://www.wipo.int/meetings/en/doc_details.jsp?doc_id=55592

Электрон хужжатларга тегишли муаллифлик ва турдош ҳуқуқларнинг чекловлари ва истиснолари. Ограничения и исключения из авторского права и смежных прав, касающихся электронных документов: точка зрения международного библиотечного сообщества (2002). Комитет ИФЛА по авторскому праву и другим юридическим вопросам (Limitations and Exceptions to Copyright and Neighbouring Rights in the Digital Environment: An International Library Perspective (2002) IFLA Committee on Copyright and other Legal Matters <http://www.ifla.org/III/clm/pl/ilp.htm>

Адабиётлар, Қонунлар мажмуи

- Бернская конвенция о защите литературных и художественных произведений (Berne Convention for the Protection of Literary and Artistic Works (1886) <http://www.wipo.int/treaties/en/ip/berne/>

- Закон США об увеличении длительности копирайта (US Copyright Term Extension Act)
<http://www.copyright.gov/legislation/s505.pdf>

- Директива Европейского совета «О гармонизации сроков защиты копирайта и некоторых смежных прав». Официальный журнал Европейской комиссии (European Council Directive 93/98/EEC On harmonising the term of protection of copyright and certain related rights European Commission Official Journal L 290, 24/11/1993 P. 0009 - 0013)
http://ec.europa.eu/internal_market/copyright/term-protection/term-protection_en.htm

Мақолалар

- День Блума: наследники копирайта и культурные фестивали (Bloomsday: Copyright Estates and Cultural Festivals, (2005) 2:3 SCRIPT-ed 345 by M Rimmer) <http://www.law.ed.ac.uk/ahrb/script-ed/vol2-3/bloomsday.asp>

- «Каслон Аналитик»: продолжительность копирайта (Caslon Analytics profile: duration of copyright)
<http://www.caslon.com.au/durationprofile.htm>

- Расследование ползучего копирайта: уроки истории (The case against copyright creep. Sonny Bono: (A warning from history by Chris Williams) http://www.theregister.co.Uk/2006/11/29/jonathan_zittrain_interview

- Как мне определить, находится ли книга в общественном

достоянии? (How do I find out whether the book is in the public domain?)
<http://onlinebooks.library.upenn.edu/okbooks.html#whatpd>

- Мыши, которые съели общественное достояние: Дисней – закон о продлении длительности копирайта (The Mouse That Ate The Public Domain: Disney, The Copyright Term Extension Act, And Eldred v. Ashcroft by Chris Sprigman. Findlaw Tuesday, Mar. 05, 2002) http://writ.news.fmdlaw.com/commentary/200203_05_sprigman.html
- Список длительности копирайта в различных странах (List of countries' copyright length) http://en.wikipedia.org/wiki/List_of_countries%27_copyright_length

Муаллифи номаълум асарлар

“Муаллифи номаълум” асарлар нима?

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясида бўлган, бироқ муаллифи ёки ҳуқуқий эгаси номаълум бўлган асарлармуаллифи номаълум асарлар ҳисобланади. Бу қонунда кўрсатилган истисно ва имтиёзлардан ташқари фойдаланиш учун ҳеч қандай рухсат олиб бўлмаслигини билдиради.

АҚШ нинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича офиси (US Copyright Office) таъкидича, “асарнинг ҳуқуқий эгаси ва унинг ҳуқуқий ҳолатининг номаълумлиги, шунингдек, мазкур объектни ўз мулки сифатида эълон қилган бирор кимса ёки қонуний ташкилотнинг мавжуд эмаслиги, ундан ижтимоий фойдаланишгига ҳеч кимнинг қаршилиқ билдирмаслигидан жамоа манфаатлари азият чекади”[10]. Бу эса ижодкор ва фойдаланувчиларни мазкур асарлардан ҳуқуқий эгаси номаълумлиги сабабли, ижтимоий мулк сифатида асосиз равишда фойдаланишдан маҳрум этади.

Ижтимоий мулкни тадқиқ этиш марказининг Дюк университети юридик мактаби (The Center for the Study of the Public Domain at Duke Law School) баҳолашига кўра, муаллифи номаълум асарларнинг кўпчилигида 20 аср маданиятига оид материаллар мавжуддир [11]. Бу ижодкорлар ва фойдаланувчилар учун таъсирга эга. Янги асар яратувчилар кўп ҳолларда мазкур мавжуд асарларга мурожаат қилишни, улардан фойдаланишни хоҳлайдилар, бироқ уларнинг ҳуқуқий эгаларини топишнинг имкони йўқлиги сабаб, бунинг иложи бўлмайди. Бу айниқса, сақловини таъминлаш мақсадида идентификация қилишга рухсат олиб бўлмайдиган тарихий ва маданий қийматга эга бўлган рақамлаштирилган асарлар, фильмлардан парчалар, овозли ёзувлар, хатлар, тасвирларга эга бўлган тарихий нашларига тааллуқлидир.

Ҳуқуқий эгаларини топиш ҳаражатлари қимматга тушишини назарда тутиб, ижодкорлар бундай асарлардан фойдаланмасликка ҳаракат

қиладилар. Кутубхоналар ҳам улардан фойдаланишга ҳақ тўлай олсаларда, фойдаланмайдилар. Кўп ҳолларда баъзи асарлар ҳуқуқ эгаларига ҳеч қандай фойда келтирмагани учун унутилиб кетади. Баъзи ҳолларда бундай унутилган асарларнинг ҳуқуқ эгалари топилганда эса, улар ўз асарларидан фойдаланилаётганлигидан мамнун бўлиб, жуда оз миқдордаги компенсация сўрашлари мумкин.

Ҳуқуқий эгаларни аниқлашни имкони бўлмаслик ҳолатларининг турли сабаблари бўлиши мумкин:

- Муаллифи номаълум бўлган, муаллифи маълум, бироқ вафот этган ва меросхўр қолдирмаган, вафот этган санаси аниқ бўлмаганда;
- Агар нашриёт ҳуқуқий эгалик қилган бўлиб, фаолиятини тўхтатиб ёки бошқа бир ташкилот билан бирлаштирилган ҳолатда (нашриёт индустриясида бу кенг тарқалган ҳолат), ўзидан кейин ворисга эга бўлмаганда, мазкур нашриётда чоп этилган ишлар муаллифлари ҳақида маълумотлар бўлмаганда.

Муаллифи номаълум асарлар нашр этилган ва чоп этилмаган адабий асарлар, тасвирлар, иллюстрациялар, фильмлар, мусиқа асарларини ва бошқа турли тоифадаги ҳужжатларни ўз ичига олади.

Амалиёт

Муаллифи номаълум асарлар муаммоси етакчи ўринга чиқмаганлигига қатор сабаблар мавжуд:

Муаллифлик ҳуқуқида расмий тартибнинг йўқлиги

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги Халқаро шартнома – 1886 йилги Берн конвенцияси муаллифлик ҳуқуқини аниқлаш ва ўрнатишда ҳар қандай расмийликни таъқиқлайди. Расмийликнинг мавжуд эмаслиги шуни англатадики, муаллиф ўзининг муаллифлигини қайд этиши, ёки расмий равишда бирор бир ташкилотга маълум қилиши шарт эмас.

Ҳимоя, автоматик равишда (ҳис қиладиган ёки идрок этадиган шаклда яратилгач) ёзма шаклда ёки моддий жисмда ўзгача ифодаланган усулда, масалан, қоғозга битилган ёки электрон ташувчиларга ёзилган ахборот тарзида қайд этилган дақиқадан бошлаб вужудга келади. Баъзи мамлакатларда, масалан АҚШ да муаллифларни рўйхатдан ўтказувчи (қайд қилувчи) ихтиёрий тизим мавжуд. Бу маълум бир асарга эгалик ҳуқуқини ошкор қилишга имконият беради, бироқ мазкур жараён, муаллифлик ҳуқуқини қўлга киритишда бажарилиши шарт бўлган расмий тартибга кирмайди. Шунга кўра, мазкур ҳужжатнинг ҳуқуқий эгасини топиш, унинг фойдаланувчиси зиммасига тушади.

Муаллифлик ҳуқуқи муддатининг узайтирилиши

Муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя муддатининг узайтирилиши билан фойдаланиш учун рухсат олиш ва ҳуқуқий эгаларни аниқлашда

қийинчиликлар туғилади. Ижтимоий мулкка тегишли асарларнинг камлиги натижасида фойдаланишга рухсат сўровчи шахслар сафи кенгаяди. 1886 йилги Берн конвенцияси томонидан ўрнатилган халқаро стандартга кўра, муаллифлик ҳуқуқи муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан сўнг 50 йил амал қилади. Масалан, 1920 йил Биринчи жаҳон уруши даврида ўзининг аскарлик ҳаёти тўғрисида китоб ёзган ва 1958 йил 70 ёшида вафот этган муаллифнинг меросхўри мазкур муаллифлик ҳуқуқидан 2008 йилгача фойдаланади. Кутубхона 2006 йилда мазкур асарга киритилган шеърдан “Соммдаги жанглarning 90 йиллигига” бағишланган кўргазма учун чоп этиш учун муаллифнинг меросхўрларидан (копирайт муаллиф томонида эканини назарда тутган ҳолда), албатта, рухсат олишга мажбур. Муаллифлик ҳуқуқи 70 йилгача узайтирилган мамлакатларда эса мазкур ҳимоя 2028 йилгача бўлиб, яъни муаллиф китобни ёзгандан сўнг 108 йил амалга оширилади. Бу вақт оралиғида муаллифнинг меросхўрлари ёки муаллифлик ҳуқуқига эга ворисларни излаб топишга имкон жуда кам бўлиб, бунинг натижасида кутубхона мазкур асардан кўргазмада фойдаланишдан воз кечади.

АҚШ нинг муаллифлик ҳуқуқи бўйича офиси (US Copyright Office) муаллифлик ҳуқуқи муддатининг узайтирилиши, унинг моддий жиҳатдан сақловини таъминлашда муаммолар туғдириши борасида ҳавотир билдирди. Ҳуқуқий эгаси номаълум бўлиб, эскириб бораётган фильмларнинг узоқ муддат сақловини таъминлаш мақсадида бошқа ташувчиларга (элтувчиларга) ўтказиш учун рухсатнома олиш лозимдир. Архивлар маданий мероснинг муҳим таркибини сақлаб қолиш билан шуғулланаётган бир вақтда, бунга жавобан охири дақиқада асарнинг ҳуқуқий эгаси суд даъвоси билан келмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Барчасига қўл силтаб, ўз эҳтиёткорлик чорасини кўриб, мазкур ишни бутунлай йўқ бўлишига йўл қўйиши лозимми? Бу ҳақида тўлиқ маълумотни **“Муаллифлик ҳуқуқи, ҳимоя муддати ва ижтимоий мулк тушунчаси”** бўлимидан олиш мумкин.

Тармоқда жойлаштирилган асарлардан фойдаланишни яхшилаш

Муаллифи номаълум (“етим”) асарлар муаммоси фақатгина эски асарларга тааллуқли эмас, балки бу замонавий электрон материаллардан фойдаланишга ҳам тааллуқлидир. Интернет ўзига хос оригинал мазмундаги асарларни қидириш ва тарқатиш учун янги имкониятлар очиб беради, бироқ фойдаланиш учун рухсат олиш талаб этилган ҳолатда, мазкур ресурсларнинг барча афзалликларидан фойдаланиш имконсиз бўлиб қолади, чунки баъзи ҳолларда муаллиф номаълум бўлиб, веб-сайтдаги электрон манзили эскирган бўлади. Потенциал фойдаланувчилар бутун дунё бўйлаб тарқалганлигини назарда тутсак, ҳуқуқ эгасининг

Ҳиндистон, Европа ёки Жанубий Америкадан излаш амалга ошириб бўлмас жараёнدير.

Creative Commons ташаббуси муаллифларга ўзининг асарларини маълум бир фойдаланиш юзасидан лицензиялаш имкониятини бериб, бу вазиятни ойдинлаштириш ва енгиллаштиришга имкон яратади, бироқ “Ижод парки” реал мавжуд бўлган ва ҳал қилиниши лозим муаммоларни ечмайди.

Баъзи ечимлар

Қатор мамлакатларнинг қонунчилари ва расмий вакиллари мавжуд ечимларни таклиф қилмоқдалар.

Масалан:

Канада Муаллифлик ҳуқуқи Кенгаши (Copyright Board) ҳуқуқий эгаси номаълум бўлган чоп этилган асарлардан фойдаланишда алоҳида имкониятга эга лицензиялар тақдим этиши мумкин. Бундай лицензия учун мурожаат қилган шахслар, ёзма равишда асарга эгалик қилувчини топиш борасида қилган саъй-ҳаракатларини баён этади. Агар Кенгаш асарга эгалик қилувчини топиш борасида “оқилона, мантиқий ва етарли” даражада ҳаракат қилинганлигини эътироф этса, мустақил равишда асардан фойдаланиш муддати ва тўлов қийматини чиқаради. Агар 5 давомида ҳуқуқий эгалик қилувчи шахс топилмаса, йиғилган тушумлар мувофиқ муаллифлик ҳуқуқини коллектив бошқарув жамиятига ўтказилади. Мазкур Канада тизими фақатгина муаллифи маълум, бироқ топилмаётган асарлар учунгина қўлланилади, бироқ муаллифи номаълум асарлар учун бундай тизим қўлланилмайди. Бу тартиб жорий этилгандан буён 1990 йилгача 125 та шундай тартибдаги лицензия берилган.

Европа комиссияси, 2006 йилда электрон кутубхоналар учун тавсиялар чоп этганда шуни таъкидладикки, лицензиялаш механизми ҳуқуқий эгалик қилувчилар билан биргаликда ташкил этилиб, бунда муаллифи номаълум асарлар, савдо учун босма чоп этилган нашрлар (out of print) ҳам ҳисобга олиниши лозим. Комиссия иштирокчи мамлакатларга, машҳур муаллифи номаълум асарлар, шунингдек, ижтимоий мулкка тааллуқли бўлган асарларни рўйхатини нашр этиш орқали муаллифи номаълум асарларни рақамлаштириш имкониятларини яхшилашни тавсия этади.

Буюк Британияда асарга эгалик қилувчини топиш борасида “мантиқий ва етарли” даражада ҳаракатлар натижасида муаллиф шахси аниқланмаса, ёки айтарли даражада қадимги асар ҳисобланиб, муаллиф 70 йиллар аввал вафот этган, асарга бўлган копирайтнинг тугаганлиги тахмин қилинганлиги эътироф этилса, қоида бузилмаганлигини белгиловчи чекланган қоидалар мавжуд. Бироқ, бу қоидалар фақатгина муаллифлари, муаллифлик ҳуқуқига эгалик қилувчилар топилмаган,

етарлича эски, муаллифи номаълум асарларгагина тааллуклидир. Канада қонунчилиги каби, Британия қоидаларида ҳам муаллифни қидириш борасидаги “мантиқий ва етарли даражадаги қидирув”га тааллукли бўлган кўрсатмалар берилмаган.

АҚШ нинг Муаллифлик ҳуқуқи офиси (Copyright Office) 2006 йилда муаллифи номаълум асарлар борасида ҳисобот чоп этди. Унда муаллифи номаълум асарларни чоп этмоқчи бўлган потенциал ноширлар асарнинг ҳуқуқий эгасини топиш борасида етарли даражада қидирув ўтказишлари лозимлиги тавсия этилади. Бордию, муаллифи номаълум асарлар қайта нашр қилинса (масалан, рақамлаштирилса) ва бунда материалдан фойдаланилганлиги учун ҳақ талаб этувчи ҳуқуқий эгаси топилса, бундай ҳолатда, муаллифлик ҳуқуқи бузилганлиги учун эмас, балки, фойдаланилганлик учунгина компенсация тўланади.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Муаллифи номаълум асарлар муаммосининг ечилмаганлиги кутубхоналарга жаҳон маданий мероси сақловини таъминлаш, тақдим этиш каби вазифаларини бажаришда жиддий тўсиқ бўлмоқда. Кўп ҳолларда рақамлаштириш асарлардан кенг фойдаланишнинг ягона қулай усулидир. Бироқ, муаллифи номаълум асарлар киритилган электрон ҳужжатлар коллекциясини ташкил этишда ахборот кутубхона муассасалари, муаллифлик ҳуқуқларини бузмаганликларини исбот қилиш талаб этилиши қимматга тушадиган ва узоқ муддатли ташвишли тортишувларга тўқнаш келишлари мумкин. Баъзи мамлакатларда кутубхоналарга коллекцияларида мавжуд асарлар сақловини таъминлаш мақсадида қайта тиклаш каби қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқга эга. Кутубхоналарга муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг рухсатсиз мазкур ресурсларни масофадан тақдим этиш имкони берилмайди.

Архивчилар, кутубхоначилар, фильм реставраторлари, рассомлар, илмий ходимлар, ўқитувчилар, кичикроқ нашриёт эгаларининг энг оддий реакциялари – жавобгарлик, суд таъқибларининг хавфи мавжудлигини назарда тутган ҳолда, асар ижтимоий мулкка ўтмагунча ёки фойдаланиш учун расмий рухсат олинмагунча, илмий мақсадларда ресурсларни рақамлаштириш каби лойиҳаларини четлаб ўтадилар. Кутубхоналар, университетлар, кичик бизнес эгалари (ноширлар) каби ижтимоий маблағлар билан молияланадиган ташкилотлар бу борада юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни баҳолаш юзасидан юридик маслаҳатлар олиш имконига эга эмас. Улар судда ишнинг кўрилиши каби жараёнлар олдини олиш мақсадида бундай ишларга қўл урмасликни маъқул кўрадилар.

Бунинг натижасида эса турли мазмундаги ноёб муаллифи номаълум асарлар ҳам муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг номаълумлиги натижасида,

улардан янги ижодий лойиҳаларда фойдаланилиб, кенг оммага тақдим этиш имкони бўлмайди. Бу номаълумлик натижасида янги лойиҳаларда, ижодий ишларда кенг фойдаланиш, оммага тақдим эта олмаслик каби муаллифлик ҳуқуқининг ижтимоий салбий томонлари акс эттиради. Ахборот-кутубхона муассасалари бундай масалалар борасида оқилона ечимлар қабул қилишда фаолият кўрсатишлари лозим.

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёнот

- Илмий кутубхоналар ассоциацияси (Association of Research Libraries) <http://www.arl.org/info/frn/copy/orphanedworks/>
- Американская библиотечная ассоциация (American Library Association) <http://www.ala.org/washoff/WOissues/copyright/orphanworks/orphanworks>

Адабиётлар

- Центр по изучению общественного достояния, Юридическая школа университета Дюка (Center for the Study of the Public Domain, Duke Law School) <http://www.law.duke.edu/cspd/orphanworks>
- Канадский Совет по авторским правам. Не найденные правообладатели (Copyright Board Canada Unlocatable copyright owners) <http://www.cb-cda.gc.ca/unlocatable/index-e.html>
- Рекомендации Европейской комиссии по оцифровке и сетевой доступности материалов культурного наследия и обеспечения сохранности цифровых документов (European Commission Recommendation on the digitisation and online accessibility of cultural material and digital preservation) http://europa.eu.int/information_society/activities/digital_libraries/index_en.htm
- http://europa.eu.int/information_society/activities/digital_libraries/doc/recommendation/recommendation/en.pdf
- Офис авторского права при Библиотеке Конгресса США (The Library of Congress, US Copyright)Office <http://www.copyright.gov/orphan/>

Ҳуқуқларни жамоавий бошқариш

Ҳуқуқларни жамоавий бошқариш нима?

Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга мувофиқ муаллифлар, ижрочилар, фотографлар ва бошқа ҳуқуқ эгалари ўз асарларини авторлаштириш ҳуқуқига эгалар. Улар ўз муаллифлик ҳуқуқлари бошқарувини ташкилотларга, ёки “жамоаларга” ўтказишлари мумкин. Муаллиф топшириғига кўра жамоалар муаллифлик ҳуқуқини бошқариши

мумкин. Бу ихтиёрий шартнома кўринишида ёки қонун орқали амалга оширилади. Ўз хусусиятига кўра, муаллифлик ҳуқуқини жамоавий бошқариш фойдаланувчилар учун индивидуал муаллифлик ҳуқуқи эгалари билан шартнома тузишдан кўра қулайроқдир.

Турли ҳуқуқларни бошқаришга хизмат кўрсатувчи жамиятлар мавжуд. Умуман, ҳуқуқларни бошқариш жамоаси шеърларни ўқиб эшиттиришга, радио- ва телестанциялар орқали, ресторан ва магазинларда жонли ва ёзиб олинган мусиқаларни оммавий жойларда ижро этишга лицензия беради. Шунингдек, қахвахоналар каби оммавий жойларда ҳам мусиқани ижро этилиши ҳам ҳуқуқий эгалари номидан иш кўрувчи овозли ёзувларни такрорлаш жамияти (кўп ҳолларда овоз ёзиш компаниялари) томонидан лицензиялаштирилиши талаб этилади. Механик копирайт (mechanical copyright) жамияти турли хил форматдаги мусиқа ёзувларини лицензиялаштиради, масалан, ижро этилган кўшиқларни кавер-версияларини, тўй ва базмлар учун саундтреклар яратишга рухсат беради. Рассом, дизайнерларни ҳуқуқларини жамовий бошқарув жамияти карикатурачи, архитектор, аниматорлар асарларини лицензиялаштиради. Умуман олганда жамоа бошқаруви жамияти қуйидаги функцияларни бажаради:

- Қонун асосида рухсат бўлмаган ҳолатларда, ҳимояланган асарларни фойдаланувчилар томонидан фойдаланилишини (алоҳида шахслар, ахборот кутубхона муассасалари, теле-радио эшиттириш ташкилотлари, нусхалаштирувчи агентликлар) лицензиялаштиради.

- Муаллифлик чегирмаларини (роялти) йиғиб, ҳуқуқ эгалари ўртасида тақсимлайди.

- Ҳуқуқий эгаликларини янада мустақкамлашга хизмат қилади.

- Трансчегаравий лицензиялаштиришни амалга ошириш мақсадида бошқа, масалан, хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқларни бошқарувчи жамоавий жамиятлар билан битимлар тузади.

Бир хил жамовий жамият мавжуд бўлмайди, улар бир биридан қайси қонун доирасида тузилганлиги, таркиби ва функциялари, ва фойдаланувчиларга қай даражада ҳуқуқларни тақдим эта олишлари билан фарқланадилар. Умуман лицензия бермайдиган баъзи жамиятлар ҳам мавжуд. Бунинг ўрнига улар фотонусхалаштирувчи ускуналар, факслар, сингари нусха кўчирувчи ускуналар сотувидан тушган фойдани йиғиш билан шуғулланадилар. Бу амалиёт “нусха кўчириш ускунасига солиқ” (machine levy) деб аталади. Кўпинча жамоавий жамиятлар нотижорат ташкилотлар ҳисобланади.

Такрор ишлаб чиқариш ҳуқуқларини ташкил этиш

Ахборот кутубхона муассасаларининг ўз фаолиятлари давомида юқорида келтирилган жамиятларнинг биридан лицензия олиш эҳтиёжи

туғилиши мумкин. Кўп ҳолларда “Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш” (“Организация прав на репрографическое воспроизводство” ОПР) номли жамоавий жамият билан битим тузилади. Одатда репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш жамияти китоб, журналлар, босма ва нашриёт секторидаги бошқа ҳужжатларни фотонусхалашни лицензиялаштиради, шунингдек, рақамли нусхалаштиришни ҳам лицензиялаштиради. Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш жамияти, бошқа жамоавий жамиятлар сингари ҳуқуқ эгалари ва фойдаланувчилар ўртасида воситачидир. Муаллифлар, ноширлар сингари ҳуқуқ эгалари Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш жамиятига ўзларининг репрографик такрорлаш (фотонусхалаш) ҳуқуқлари бошқарувини ташкил этиш ваколатини берадилар. Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш жамияти алоҳида шахслар ва ташкилотларга ҳимояланган материалдан конкрет фойдаланишга рухсат берувчи лицензия беради. Ундан маъмурий ҳаражатларни чиқариб, қолган қисмини ҳуқуқий эгаларга топширади. Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш Европа, Осиё ва Тинч океани минтақаси, Лотин Америкаси, Кариб денгизи мамлакатлари ва Африка сингари 55 мамлакатда ташкил этилган [14].

Амалиёт

Одатда 3 тур лицензия таклиф этилади. Баъзи лицензиялар муҳокамасиз ташкилотнинг ўлчами ва тури, нусхалаштириш ҳажмига мувофиқ бўлган стандарт прејскурантни таклиф этади.

Якка тартибдаги лицензия (individual license). Мазкур лицензия алоҳида шахс томонидан фойдаланиладиган аниқ бир асарга берилади. Бир сўз билан айтганда “бир маротабалик” ҳолат ҳақида гап бормоқда. Масалан, кутубхоналар босма журналдаги мақолани талабалар ўқиши учун тавсия этиладиган тармоқдаги пакетга қўшиш учун рақамлаштириши.

Гуруҳли лицензия (blanket license) ҳуқуқ эгаларининг маълум бир тоифадаги асарларини қамраб олади. Масалан, радиоэшиттириш компанияси маълум бир вақт оралиғида чиқарилган, бир жанрдаги мусиқа асарларидан фойдаланиш учун мурожаат қилиши мумкин. Масалан, “60-йиллар рокн-ролли” кўрсатувлар цикли.

Легал лицензия (legal license). Баъзи мамлакатларда нусхалаштириш учун лицензия миллий қонунчилик асосида берилади. Такрор ишлаб чиқариш ҳуқуқларини ташкил этиш жамияти томонидан тўловлар асосида мукофот олади. Муаллифлик ажратмалари қонун томонидан белгиланган ҳолатда бу лицензия “директив лицензия” (statutory license) деб аталади.

Кенгайтирилган жамоавий лицензия (extended collective license). Одатда ҳуқуқларни жамоавий бошқаруви жамияти, шу жамият аъзолари ҳисобланган ҳуқуқ эгаларининг топшириғига кўра лицензион шартномалар тузишда иштирок этиши мумкин. Лицензиянинг бу тури асосан шимолӣ ўлкаларда, кейинчалик эса улар қаторига Украина, Россия Федерацияси қўшилди. Вақт ўтиши билан ҳуқуқларни жамоавий бошқарув жамиятлари ривожланди. Улар турли мамлакатларни копирайт бўйича қонунларининг мослиги, копирайтнинг мустаҳкамланиши билан шуғулланади. Масалан, Муаллифлик ҳуқуқини лицензиялаштириш бўйича Британия Агентлигининг муаллифлик ҳуқуқи назорати кампанияси кенг жамоатчиликни 30 000 евро (\$40 000) миқдоридаги мукофот эвазига лицензиясиз нусхалаштириш фактлари ҳақида хабар беришларига чақирди [15]. Репрографик такрорлаш ҳуқуқлари ташкилотлари халқаро федерацияси (Международная федерация организаций по правам на репрографическое воспроизводство ИФРРО) Интеллектуал мулк халқаро федерацияси (Всемирная организация интеллектуальной собственности ВОИС) билан “бутун дунёда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тартибини мустаҳкамлаш” бўйича ҳамкорлик борасида битим имзолади. Шунингдек, дунёнинг турли мамлакатларида семинарлар ўтказиш, тайёрлов дастурларини ишлаб чиқди [16].

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Жамоавий жамиятларнинг кутубхона ва таълим муассасалари учун фойдали томонлари:

- Фойдаланувчиларга қонун бўйича таъқиқланган ҳолатларда расмий равишдаги рухсатнома асосида нусха кўчиришга имконият яратади. Бир сўз билан айтганда ахборот кутубхона муассасаларига, фойдаланувчиларга (албатта, ҳақ эвазига) муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга истиснолар тариқасида кўпроқ нусха кўчиришга ёрдам берадилар.

- Лицензия рухсатномаси олиш мақсадида кутубхона муассасалари алоҳида ҳуқуқ эгалари билан муносабатда бўлишлари шарт бўлмайди ва рухсат олиш жараёни енгиллашади. Чунки баъзан рухсат олишнинг имкони ҳам бўлмайди. (**“Тегишлилиги номаълум бўлган асарлар”** бўлимига қаралсин).

- Мазкур жамиятлар рухсат олиш жараёнидаги юзага келадиган мураккаб масалаларни ҳал этадилар. Адабий асарлар, мультимедиа материаллари ҳам бир қатор муаллифлик ҳуқуқи тўплами билан ҳимояланган бўлади. Рухсат олишнинг самарали жараёнларини йўлга қўймай туриб, қонуний фойдаланиш учун имконият яратиш қийиндир.

- Лицензияланган асарларнинг тасодифан муаллифлик ҳуқуқлари бузилган ҳолатларида кутубхона муассасаларини ҳимояга олиш имконияти мавжуд.

Баъзи ҳолларда ҳақиқатда ўзгача ҳолат юзага келади.

Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш (РҚИХТЭ) “Организация прав на репрографическое воспроизводство ОПР” таркибига муаллифлар, ноширлар, баъзи ҳолларда фойдаланувчилар киритилади. Репрографик такрорлаш ҳуқуқларини ташкил этиш жамияти вазифаси муаллифлик ҳуқуқи эгалари ва фойдаланувчилар ўртасида воситачи бўлсада, улар ўз фаолиятларида ҳолис, яъни нейтрал эмаслар. Уларнинг асосий вазифалари муаллифлик ҳуқуқи эгалари ва фойдаланувчилардан максимал фойда олишдир[17] ва улар манфаатларини таъминлашдир[18].

Жамоавий жамиятлар билан муносабатда қуйидаги масалаларга тўқнаш келадилар:

- Самарадорликнинг камлиги. Баъзида жамовий жамиятлар кутубхоналарнинг сўровларига жуда секинлик билан жавоб берадилар.

- Етарлича бўлмаган ойдинлик. Қайси принцип асосида нархлар шакллантирилиши номаълум, бошқарув бўйича ҳаражатлар катта ва улар мутаносиб тақсимланмаган.

- Улар муаллифлик ҳуқуқи эгалари томонидан берилган танҳо эгалик, яъни монополь ҳуқуқларга эга бўлиб, кутубхоналар уларнинг шартларига кўниши ёки рад этишлари лозим.

Лицензия кутубхоналар учун қулай бўлмаган, масалан, муаллифлик ҳуқуқи қонуни томонидан ўрнатилган истисноларни рад этиш, бунинг ўрнига ҳақ тўланишини жорий этиш каби бандларга эга бўлиши мумкин. (**“Муаллифлик ҳуқуқи ва шартнома ҳуқуқи борасидаги муносабатлар электрон ресурслар ва кутубхоналар консорциуми”** бўлимига қаралсин)

Кутубхоналар қуйидагиларни билиши лозим:

- Лицензия шартномалари тузиш борасидаги ўзаро келишувлар чоғида етарлича далилларга эга бўлиш учун кутубхона консорциумлари тузиш ёки консорциумларга бирлашишлари муҳим.

- Лицензиялар жуда зарур бўлган ҳолатдагина имзолашлари лозим. Масалан, қонун орқали йўл қуйиладиган ҳолатлардан ҳам зиёд равишда нусхалаштириш керак бўлганда. Кутубхоналарни фотонусхалаштириш рақамлаштириш жараёнини миллий қонунчилик асосида тегишлича ҳақсиз амалга оширилиши ўтнатилган ҳолатларда лицензия умуман керак эмас.

- Муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги доирасида ўрнатилган чекловлардан зиёд чекловларга эга лицензияларни имзоласликлари зарур.

- Кутубхоналар фақатгина талабгор ва имзо чекувчи эмас, балки барча келишувлар жараёнида тенг шерикдир.

- Ички бошқарув, йиғим ва маблағларнинг тақсимланиши барча учун ойдин бўлиши даркор.

Ривожланаётган мамлакатлар учун юзага келадиган муаммолар

1996 йил Ноширларнинг Халқаро Ассоциациясининг 100 йиллик юбилейини нишонлаш чоғида жаҳоннинг ҳар бир мамлакатада мустақил ОПРлар тузишга чақирувчи резолюция имзоланди. Бу ташкилотларнинг Халқаро Федерацияси Осиё Тинч океани минтақаси, Африка, Яқин Шарқ, Лотин Америкаси ва Кариб денгизи мамлакатларида ноқонуний нусха кўчиришга қарши курашиш, ОПРларни ташкил этиш ва қўллаб қувватлаш, қонунчилик асосларини яратиш мақсадида минтақавий комитетлар тузилди.

Ахборот ва билимлардан фойдаланишга бўлган имкониятнинг мавжудлиги ривожланаётган мамлакатларда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида муҳим ўрин тутди. Тақчил молиявий шароитда ҳам таълимнинг минимал эҳтиёжларини қоплаш, кутубхоналарни асосий ресурслар билан таъминлаш ҳаётий муҳим факторлар бўлиб ҳисобланади.

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёнот

- Коллективные общества управления авторскими правами Австралийской ассоциации библиотек и центров информации: предложения по Кодексу поведения (Australian Library and Information Association (ALIA) Copyright collecting societies: proposed code of conduct) <http://alia.org.au/advocacy/submissions/code.of.conduct.html>

- Ответ Европейского бюро библиотечно-информационных ассоциаций на рабочий документ Европейской комиссии относительно управления авторскими и смежными правами (EBLIDA Response to the European Commission Working Document on the management of copyright and related rights) http://www.eblida.org/position/CollectiveManagement_Response_July05.htm

Адабиётлар

- Коллективное управление в репрографии (Collective Management in Reprography (2005) IFRRO/WIPO) <http://www.ifrro.org/show.aspx?pageid=library/publications&culture=en>

- Gervais, Daniel (2006). The Changing Roles of Copyright RROs.

Nwauche S. Enyinna (2006). A Development Oriented Intellectual Property Regime for Africa www.codesria.org/Links/conferences/general_assembly11/papers/nwauche.pdf

Оммавий абонемент ҳуқуқи

Оммавий абонемент ҳуқуқи нима?

Оммавий абонемент ҳуқуқини (ОАҲ) аниқлаш 2 хил концепцияга таянади:

1. ОАҲ муаллифлик ҳуқуқининг бир бўлаги бўлиб, ҳимояланган асарнинг ҳуқуқий эгасини вақт билан чегараланган танҳо эгалик (монопол) ҳуқуқини ифодалайди. Мазкур давр ичида оммага тақдим этилган, масалан, чоп этилган асар муаллифи уни оммавий абонементга рухсат бериши ёки таъқиқлаши мумкин. Копирайт эгаси сифатида муаллиф ёки муаллиф ўз мулкани топширган тижорат ташкилоти, масалан, нашриётлар бўлиши мумкин. Оммавий абонемент лицензия шартномалари ва жамоавий бошқарув жамиятлари орқали (муаллифлик ҳуқуқи эгаларининг топшириғи асосида) тўлов амалга оширилгач, авторизация қилинади. Баъзи мамлакатларда ОФҲга муоқбил тарзда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунга “мукофотланиш ҳуқуқи” (remuneration right) киритилади.

2. ОАҲ “мукофотланиш ҳуқуқи” (remuneration right) ни ҳам ифодалайди. Бунда у муаллифга йўналтирилган бўлади. Ўз асарини оммавий фойдаланиш учун тақдим этганлиги эвазига муаллифи молиявий рағбатлантирилади. Бундай ҳолатларда миллий қонунчилик ўзининг молиявий рағбатлантиришни ташкил этиш борасидаги хусусий мезонларини ишлаб чиқиб, маданий мақсадларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Масалан, миллий маданиятни ривожлантириш мақсадида, молиявий мукофотланиш фақатгина миллий тилда ижод қилувчи муаллифлар учун тааллуқли тарзда чегаралаш мумкин. Оммавий абонемент ҳуқуқи, фақатгина босма китоблар, овозли ёзувлар каби моддий кўринишдаги асарларгагина тааллуқлидир. У электрон материалларга, лицензион шартнома билан бошқариладиган маълумот базаларидан ахборот олиш жараёнлари учун қўлланилмайди. (**“Муаллифлик ҳуқуқи ва шартнома ҳуқуқи борасидаги муносабатлар: электрон ресурслар ва кутубхоналар консорциуми”** бўлимига қаралсин)

Амалиёт

Халқаро ОАҲ бирлашмасининг маълумотларига асосан [21], 19 та мамлакат ЎФҲ схемасини қабул қилди [22] ва 21 мамлакат эсаметодика лойиҳасини ишлаб чиқмоқда [23]. ОАҲ бўйича халқаро иқтисодий келишувлар мавжуд эмас, ҳар бир мамлакатдан ОАҲ тизимини тузиш мажбурияти ҳақида халқаро шартнома ёки конвенция йўқдир.

Европа мамлакатларида ОАХ

Европа Иттифоқининг иштирокчи мамлакатлари 1992 йил қабул қилинган Директивага асосан ОАХ тизимини мажбурий тарзда шакллантиришлари лозим. Европа Иттифоқининг 27 иштирокчи мамлакатларидан ташқари Европа Иттифоқига кирмаган, лекин умумий европа бозори манфаатларидан фойдаланиш ниятидаги мамлакатлар учун ҳам мажбурийдир. Бу Европа иқтисодий минтақасига тегишли – Норвегия, Исландия ва Лихтенштейн каби мамлакатлардир. ОАХ XIX асрнинг европада вужудга келган кашфиётидир. Адабий асар муаллифларининг фикрича, оммавий кутубхоналарнинг абонементи орқали китобдан фойдаланиш имконияти, китобларни харид қилинишига таъсир ўтказиб, фойда олишни пасайтиради. 1946 йилда ОАХни биринчилардан бўлиб, Дания, кейинчалик эса Норвегия ва Швеция қабул қилди. Моҳиятига кўра Европа қонунчилиги китоблар, фильмлар ва бошқа ҳимояланган асар муаллифлари ёки ҳуқуқий эгалари, ўз асарларини оммавий кутубхоналар абонементи орқали фойдаланишга бирор бир маблағ эвазига тақдим этишлари ёки таъқиқлашлари мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, Европа Иттифоқининг кўпгина иштирокчи мамлакатлари буни катта иштиёқ билан кутиб олдилар. 1992 йилги Директивага асосан Европа комиссияси директиванинг бажарилишининг 5 йиллик мониторингини ўтказди. Лойиҳа тараққиётида иштирокчи мамлакатлар томонидан жиддий сусткашликлар натижасида комиссия, директива қабул қилингандан сўнг 10 йил ичида, яъни 2002 йилгача ўз ҳисоботини тугата олмади. Баъзи ҳолатларда директивани бажарилмаганлиги, нотўғри амалга оширилганлиги натижасида Европа судида қоида бузилиш ҳолатлари кўриб чиқилди. Бельгия, Италия, Португалия ва Испания каби мамлакатлар жазоландилар. Шунингдек, Скандинавия мамлакатларига эътибор берилиб, миллатларни дискриминация қилувчи ҳолатларга эътибор қаратилди.

Тўловлар қай тарзда амалга оширилади?

Ҳар қайси мамлакатда тўлов турлича амалга оширилади. Тўловлар даражаси баланд бўлмасилиги учун алоҳида муаллиф олиши мумкин бўлган максимал суммани кўрсатувчи юқори чегара ўрнатилиши лозим. Бироқ кумулятив тарзда унинг самараси кучли. Данияда бу 20 миллион евро, яъни оммавий кутубхоналарга бўлган ҳаражатнинг 5 % ни ташкил этади [24]. Буюк Британияда эса 2006 йилда бу тўловлар 11 миллион евро ни ташкил этади. Нидерландиядан ташқари барча мамлакатларда ОАХни бошқаруви ва мазкур тўловлар давлат томонидан қопланади.

Кутубхоначилик сиёсати масалалари

1917 йили Дания кутубхоналар ассоциациясининг биринчи конференциясида даниялик муаллиф ўз китобини оммавий кутубхона

абонементида берилиши учун тўлов ҳақи талаб қилди. Кутубхоналар ва ноширлар бу ғояга қарши чиқдилар. Оммавий кутубхоналарнинг абонементи орқали китобларнинг очиклиги, мазкур китоблар савдосига сезиларли таъсир кўрсатади, деган тахмин борасидаги тортишув исботланмади. Чунки кутубхоналар томонидан кўп нусхалар сотиб олинишини назарга олинса, нашрларнинг йирик ҳаридори ҳисобланади, бу эса янги муаллифларнинг танилишида, бутун мамлакат доирасида асарларининг ёйилишига катта имкониятлар беради. Кутубхоналар ўз коллекциялари мазмуни, китоб берилиши, рўйхатдан ўтказилган китобхонлар ҳақидаги маълумотларни ОАҲ тизими маъмурларига тақдим этадилар. Бу эса йиллик тўловларни амалга оширишда асос ҳисобланади.

Электрон ҳужжатлар даврида оммавий абонемент ҳуқуқи

ОАҲ тизими фақатгина моддий материалларга, масалан китобга тааллуқлидир. Бу технология электрон китоблар ва тармоқдаги ҳужжатлар билан ишлашда қўлланилмайди. Электрон ҳужжатлардан фойдаланишда юридик механизмлар (лицензия) билан бир қаторда технологик тизимлар (технологик ҳимоя воситалари) орқали муаллифлик ҳуқуқи эгалари ўз маҳсулотларидан фойдаланишни бошқара оладилар. Масалан, фойдаланувчи абонемент орқали китобини айнан ким ва қаерда ўқиётганини муаллифлик ҳуқуқи эгаси назорат қила олмайди, бироқ электрон ресурсдан фойдаланилишни назорат қилиш имконияти мавжуддир.

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёнот

- Заявления Европейского бюро библиотечных информационных ассоциаций о нарушении процедур прав публичного абонемена (EBLIDA statement on the infringement procedures over Public Lending Right) http://www.eblida.org/position/PLR_Statement_March04.htm

- Комитет ИФЛА по авторскому праву и другим юридическим вопросам (IFLA Committee on Copyright and other Legal Matters, CLM)

- Базовый документ о праве публичного документа (Backgroundpaperonpubliclendingright) <http://www.ifla.org/III/clm/pl/PublicLendingRight-Backgr.htm>

- Позиция ИФЛА по праву публичного абонемена (IFLAPositiononPublicLendingRight) <http://www.ifla.org/III/clm/pl/PublicLendingRigh.htm>

Адабиётлар

- Европейская комиссия, право аренды и абонемена (European Commission Rental and Lending Right)

http://ec.europa.eu/internal_market/copyright/rental-right/rental-right_en.htm)

- ППАИнтернейшнл (PLR International)

<http://www.plrinternational.com/>

Маълумотлар базаларига бўлган ҳуқуқ – Европа қонунчилиги тажрибалари

Маълумотлар базаси: муаллифлик ҳуқуқи ва маълумотлар базаларига бўлган ҳуқуқ

Тизимли равишда таркибланган, қидирув амалга оширилиш имконияти мавжуд бўлган мустақил асарлар коллекциясини маълумотлар базаси деб аталади. Маълумотлар базаси электрон кўринишда ва ноэлектрон кўринишларда бўлиш мумкин. Масалан, кутубхона каталоглари, математик формулалар, океанларнинг кўтарилиши ва қайтиши бўйича ёзувлар каби факт ва маълумотлар муаллифлик ҳуқуқи объекти ҳисобланмайди, бироқ мазкур маълумотлар коллекцияси ҳимоя билан таъминланиши мумкин. Маълумотлар базалари моддий тарзда қайд қилиниб, оригинал бўлган ҳолатда ҳимояланади. Оригиналликни аниқлашнинг иккита позицияси мавжуд. Биринчи позиция интеллект ва ихтирочиликка суянса, иккинчиси тиришқоқлик ва кунтга таянади. Низомий (статут) ҳуқуқга таянувчи мамлакатларда интеллектуал ижодкорлик ва янгилик элементлари талаб этилади. Умумий ҳуқуқларга суянувчи мамлакатларда эса ҳимоя куч, қобилият, меҳнат ва маҳорат талаб этилган асарларга такдим этилади. Низомий ҳуқуқларига таянувчи мамлакатларда юксак интеллектуал оригинал маълумот базалари ҳимояланади.

1991 йил АҚШ Олий суди (умумий ҳуқуқларга суянувчи мамлакат) Фрейт ишини кўриш жараёнида [28] фактларни оригинал бўлмаган компилятив (бошқаларнинг асарларидан қурамачилик асосида) фактлар ҳимояга лойиқ эмаслигини ойдинлаштирди. Муаллифлик ҳуқуқида оригиналлик, яъни аслик талаб қилинди. АҚШ Олий суди алфавит тарзда тузилган телефон маълумотномасини ҳимоя объекти бўла олмаслиги таъкидлади.

Амалиёт

Маълумот базаларига бўлган ҳуқуқ маълумот базаларини ишлаб чиқарувчига берилади. Булар:

- Манфаат олиш ҳуқуқи,
- Такрор фойдаланиш ҳуқуқи (оммага маълум қилиш ҳуқуқиға ўхшаш),
- Оммалаштириш, тарқатиш ҳуқуқи кабилардир.

Маълумотлар базалари ҳимояси муддати 15 йил бўлиб, агар маълумот базаларида жиддий ўзгаришлар амалга оширилган бўлса, ҳимоя кейинги 15 йилга узайтирилади. Директива оз миқдорда истисно ва чекловларни таҳмин этади. Муаллифлик ҳуқуқи каби маълумот базаларига бўлган ҳуқуқ автоматик тарзда бўлиб, муаллифлик ҳуқуқи ҳимоясида эмаслигидан қатъий назар барча европа маълумотлар базаларига тегишли бўлади. Муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланиши учун маълумот базалари ҳужжатларнинг жойлашувида ва танлаб олинишида оригиналликка эга бўлиши лозим. Маълумотлар базаларига ҳимояни қўллаш учун ҳужжатларнинг сараланиши ва жойлашувида жиддий ўзгаришлар қўшилган бўлиши лозим [32]. Бунда икки талабни бараварига бажариш имконияти мавжуд бўлиб, ҳужжат бир вақтнинг ўзида муаллифлик ҳуқуқи ва маълумотлар базаси ҳуқуқлари ҳимоясида бўлади. Маълумотларнинг мазмуни эса мазмун табиатига кўра копирайт билан ҳимояланиши ёки ҳимояланмаслиги мумкин.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Кутубхоналар ҳужжатларни сақлайдилар, ташкил этадилар, билимларни талаба, олим ва кенг омманинг фойдаланиши учун имконият яратадилар. Электрон ахборот дунёсида кўп ҳужжатлар маълумотлар базаларида сақланади. Бунда кутубхоналар икки хил рол ўйнайдилар. Бир томондан кутубхоналар фаол равишда маълумотлар базаларидан фойдаланиб, ноширларнинг ресурсларига кириш, фойдаланиш учун лицензия оладилар. Иккинчи томондан, кутубхоналар маълумот базаларининг яратувчиларидир. Бу рақамлаштириш лойиҳаларини амалга оширишда, кутубхона каталогларини шакллантиришда, метамаълумотлар регистрини шакллантиришда акс этади.

Кутубхоначилик иши ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш лозимки, ахборот дунёси бир қатор ўзгаришларни бошдан кечирди. Кутубхоналар ҳамкорлигини ривожланиши шуни англатадики, локал маълумотлар базалари минтақавий маълумот базалари билан, сўнгра миллий ресурслар уйғунлашади. Рақамлаштириш бўйича катта лойиҳалар кутубхоналар ва тижорат шериклар билан амалга оширилади.

Халқаро жиҳатлар (аспектлар)

Кўп йиллар давомида Европа комиссияси БИМТ халқаро форум йиғилишларида маълумотлар базаси бўйича битимга эришишга ҳаракат қилди. 2002 йилда Комиссия маълумот базаларини ҳимоя (*sui generis*) принципларини илгари суриб, бу борада ютуқга эришди. Бунда БИМТнинг иштирокчи мамлакатларига халқаро даражада тегишли ҳимояни қабул қилиш таклиф этилди. Маълумот базаларининг асосий

яратувчиси бўлиб ҳисобланган АҚШ, бунга ишончсизлик муносабатини билдирди. 1991 йилги судда Фейст иши кўрилишидан бошлаб, маълумотлар базаларини яратувчи кўпгина америка компаниялари ўз махсулотлари учун махсус ҳимоя ахтара бошладилар. АҚШ савдо палатаси томонидан қўллаб қувватланадиган кўпгина компаниялар бу турдаги ҳимоя ҳуқуқини киритилишига қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича, улар оддий юридик воситалар (шартнома) ва техника воситалари (паролларни қўллаш) орқали ўзларини керакли тарзда ҳимоя қила олишликларини билдирдилар. Муҳими уларнинг таъкидича, маълумотлар базасининг кучли ҳимояси, янги махсулотлар яратиш ва ахборот етказишдаги рақобатни чеклаган ҳолда, янги базалар генерациясини қийинлаштиради [37]. Бу самарадорликка қарши (контрпродуктив) ғоя эканини таъкидладилар.

Маълумотлар базалари борасидаги Директива таъсирини шахсий баҳолаш нуқтаи назаридан Европа комиссияси БИМТ даражасидаги халқаро шартнома тузиш ҳақидаги ғояни яқин келажакда қайта таклиф этмаслиги муқаррардир. Бироқ Директива *sui generis* ҳуқуқини, савдо келишувларида мажбурий муносабат тарзида учинчи мамлакатларда кенгайтириш ғоясини қўллаб қувватлайди [38]. Европа Иттифоқи билан савдо битимларини муҳокама қилаётган ҳар бир мамлакат (Иқтисодий ҳамкорлик шартномасига кирувчи мамлакатлар каби) Европа Иттифоқида маълумотлар базалари ҳуқуқи борасидаги тажриба натижаларидан огоҳ бўлиб, миллий қонунчиликларида бу турдаги ҳуқуқларнинг киритилишидан ўзларини четлайдилар. (“**Муаллифлик ҳуқуқи ва савдо шартномалари**” бўлимидан қаралсин).

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёнот

- Реакция на консультации с Комиссией март 2006 г. (Responses to the Commission consultation, March 2006) eIFL <http://www.eifl.net/services/databaserules.html>

- EBLIDA http://www.eblida.org/position/Databases_Response_March06.htm Союз британских библиотек и архивов по авторскому праву (UK Libraries and Archives Copyright Alliance) <http://www.cilip.org.uk/professionalguidance/copyright/lobbying/laca3.htm>

Адабиётлар

- Европейская комиссия. Защита баз данных в Европейском союзе: директивы о базахданных, оценка процедур и т.п. (European Commission. Protection of databases in the European Union: Database Directive, Evaluation of database rules, etc.) <http://ec.europa.eu/>

internal_market/copyright/prot-databases/prot-databases_en.htm

- Два приветствия от баз данных Европейскому союзу (Two data base cheers for the EU. James Boyle, Financial Times, 2.1.2006) <http://www.ft.com/cms/s/99610a50-7bb2-11da-ab8e-0000779e2340.html>

- Институт Информационного права университета Амстердама. Материалы по правам на базы данных. Уникальная коллекция судебных слушаний по Европейским (suigeneris) базам данных. (Institute for Information Law, University of Amsterdam. The Database Right File. A unique collection of case law on the European (sui generis) database right) <http://www.ivir.nl/files/database/index.html>

Creative commons очик материаллар лицензия

Creative commons нима?

Creative commons Лоуренс Лессиг (Lawrence Lessig) томонидан 2001 йил ташкил этилган даромад келтирмайдиган (нотижорат) Америка ташкилотидир. Ташкилотнинг мақсади ижодий асарларнинг, айниқса тармоқдаги ҳужжатларни фойдаланиш даражасини кенгайтиришдир. Интернет ижодий асарларни кенг ёйиш, ҳамкорликда фойдаланиш ва такрорий фойдаланишда янги имкониятлар тақдим этмоқда. Бу ҳужжатларнинг йирик қисми муаллифлик ҳуқуқининг ҳимоя объектлари ҳисобланади. Муаллифлик ҳуқуқи асар яратилгач, уни ҳимоя қилишга киришади ва муаллифга эшиттириш, таржима, ижро ва ёзувида бир қатор эксклюзив ҳуқуқларни беради. Creative commons муаллифлар, рассомлар, муסיқачилар ва бошқа ижодкорларга қандай шартлар асосида ўзларининг ишларини фойдаланувчиларга тақдим этиш имконияти яратади. Фойдаланувчилар учун эса технология шартларни аниқлайди.

Creative commons фойдаланувчиларга материалларни идентификациялашда ёрдам берувчи лицензия ва логотипларни таклиф этади. Лицензиянинг электрон шакли лицензияни тавсифловчи ва муаллифлик ҳуқуқи мақомини билдирувчи машина ўқий оладиган метамаълумотларни ўз ичига олади.

Creative commons ҳужжатларни кенг кўламини қамраб олади.

Булар:

- Аудиоматериаллар (муסיқа, товушлар, нутқлар),
- Тасвирлар (тасвирлар, иллюстрациялар, дизайнлар),
- Видео материаллар (фильмлар, анимация, фильм фрагментлари),
- Матнли ҳужжатлар (китоблар, веб саҳифалар, блоглар, очерклар),
- Таълимий материаллар (машғулотлар режаси, курс материаллари, ўқув кўлланмалар, тақдимотлар).

Бугунги кунда Creative commons лицензиясидан 90 миллион тармоқ саҳифалари фойдаланадилар. Булар тасвирлар айирбошлаш бўйича Flickr

веб-сайти; тармоқ архиви ва мультимедиа ресурсларини таркибига олувчи интернет-архив; Массачусет технология институтининг очик курс материаллари каби машхур веб-сайтлардир.

Creative commons “очик материаллар” (open contents) лицензиядир. Бу атама нусха олишга ва такрор фойдаланишга рухсат берувчи бир қатор турдаги лицензияларни тавсифлашда ҳам қўлланилади. Турли шартлар билан тақдим этилувчи очик материаллар лицензияларга эркин ҳужжатлаштириш лицензиялари (GNU Free Documentation), тармоқ қомусларидан (энциклопедиядан) фойдаланувчи Wikipedia ва эркин санъат лицензияси (Free Art Lisense) мисол бўла олади.

Амалиёт – Creative commons лицензияси қай тарзда ишлайди

Creative commons муаллиф ёки рассом қўлламоқчи бўлган ҳимоя ёки эркинлик даражасига мувофиқ, лицензияларнинг ихтиёрий ва мослашувчан вариантларини тақдим этади. Ҳар бир лицензия ижодкор томонидан ўз маҳсулотидан фойдаланишнинг ўзи танланган даражаси асосидаги мазмун касб этади. Бу қуйидаги опциялардир:

- Муаллифлик (атрибуция): Муаллифлик (атрибуция) кўрсатилган ҳолда ҳимояланган асарлардан нусха кўчириш, тарқатиш, кўрсатиш, ижро этишга, жумладан ҳосила ишлар яратишга рухсат этилади.

- Нотижорат фойдаланиш: Нотижорат мақсадларда ҳимояланган асарлардан нусха кўчириш, тарқатиш, кўрсатиш, ижро этишга, жумладан ҳосила ишлар яратишга рухсат этилади.

- Ҳосила ишлар яратиш ҳуқуқисиз: Фақатгина бошланғич нусхалардан нусха кўчириш, тарқатиш, кўрсатиш, ижро этишга рухсат этилиб, улар асосида ҳосила ишлар яратиш ҳуқуқи берилмайди.

- Шундай йўл тут: Бошланғич асар лицензиясига тенг бўлган лицензия шартлари асосида ҳосила ишларни тарқатишга рухсат этилади.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Creative commons лицензиялари кутубхоналар нуқтаи назаридан иккита жиҳатга (аспектга) эга.

Биринчидан, муаллифга тааллуқли жиҳати. Кўп ҳолатларда кутубхоналар ҳимояланаётган ҳужжатларнинг муаллифлари сифатида эмас, балки фойдаланувчиларидир. Бироқ кутубхоначилик иш фаолиятида конференцияларда тақдимотлар, кутубхона веб саҳифасида жойлаштирилган кутубхона биносининг суратлари, кутубхона блоги каби муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланувчи ҳужжатлар яратилиши мумкин. Бунда кутубхона мазкур ишларнинг ҳуқуқий эгаси ҳисобланиб, уларни лицензиялаштиришга имконияти бўлиши зарур. Бунда хизмат асарларига бўлган ҳуқуқни эътиборга олган ҳолда кутубхона ходимларининг меҳнат шартномалари шартлари кўриб чиқилиши лозим.

Фойдаланувчига тааллуқли жиҳати ҳам мавжуд. Кутубхоналар ўзларининг шахсий материалларини яратишда, Creative commons томонидан ҳимояланган миллионлаб ҳужжатлардан фойдаланадилар. Масалан, кутубхона брошюраси учун янги логотип топишда, веб сайт фойдаланувчилари учун ахборот тарзида йўл кўрсаткичлардан кўчирма олишда, янги келган ресурсларнинг бюллетенига китоб обзорларини (қисқача маълумотларини) киритилиши кабиларда.

2006 йилнинг июнига келиб, тахминан 140 миллион тармоқ саҳифалари Creative commons ҳимояси бўлди. Creative commons илмий ҳамжамиятнинг ва кузатувчиларнинг аналитик обзорларида ва асосий нашрларида доимо ёритилиб бориладиган очик материаллар энг машҳур лицензия турига айланди. Ахборот кутубхона соҳаси мутахассилари мазкур ишланмалардан хабардор бўлиши ва электрон ҳужжатларга кириш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига тааллуқли масалалар бўйича ўз миждларига маслаҳат беришга қодир бўлишлари лозимдир.

Адабиётлар

- Веб-сайт некоммерческой организации

CreativeCommons <http://creativecommons.org/>

- <http://technology.guardian.co.uk/weekly/story/0,,1792117,00.html>

- Неограниченная свобода. Руководство по освоению

CreativeCommons в учреждениях культуры. (UnboundedFreedom.A guide to Creative Commons thinking for cultural organizations)

<http://www.counterpoint-online.org/cgi-bin/item.cgi?id=618>

Илмий коммуникациядан очик фойдаланиш

Илмий коммуникациялардан очик фойдаланиш нима?

“Манбалардан очик фойдаланиш (очик фойдаланиш, кейинги ҳолатларда ОФ)” “Очик фойдаланиш” маъноси остида барча учун Интернетда очик бўлган тақризланган ўқиш, юклаб олиш, нусха кўчириш, тарқатиш, босиб чиқариш, кўрсаткичлар тузишда улардан дастурий таъминот сифатида фойдаланиш, молиявий, ҳуқуқий ва техник тўсиқлар бўлмаган ҳолатларда қонуний мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган нашрлар назарда тутилади. Бу усулни амалга оширишда қўлланиладиган икки қулай йўли мавжуд: Очик фойдаланиш мумкин бўлган журналлар ва институционал (мавзувий) репозитарийлар.

Очик фойдаланиш мумкин бўлган журналлар – анъанавий бизнес модель – обуна тарзида бўлмай, тармоқ орқали барча бепул фойдаланиши мумкин бўлган журналлардир. Бунинг ўрнига янги бизнес модель – мақолаларни қайта ишлашга, спонсорлик маблағлари, реклама тушумлари ва бу методларни комбинацияси учун тўлов киритишни тахмин этади.

Оммавий илмий кутубхона (Public Library of Science) томонидан жуда кўп илмий фан соҳаларига, жумладан биология, тропик касалликларга оид Biomed Central ва Bioline International каби нашриётлар коллектив равишда 200 номдан ортиқ нашрлар чоп этаётганига қарамай, эркин фойдаланиш мумкин бўлган рефератив журналлар чиқарилади.

Бундай ташқари Oxford University Press, Springer, Elsevier каби бир қатор анъанавий нашриётлар баъзи чоп этиладиган журналларини очик фойдаланиш журналларга конвертация қилдилар. Очик турдаги журналлар Директорияси 3 663 номдаги турли тематикага оид доимий ўсувчи рўйхатга эга.

Институционал репозитарийлар деб мазкур таълим муассасаси ёки ташкилот ходимлари муаллифликларида чоп этилган ишлар тармоққа қўйилган – барча оммага очик бўлган архивга айтилади. Депозитга қўйилган асарлар “Очик архивлар ташаббуслари” стандартига тегишли равишда ва мос бўлган дастурий таъминот ёрдамида қидирув ва юклаб олиш имконияти мавжуд.

Кутубхоналар ва очик фойдаланиш

Кутубхоначилар ахборотдан очик фойдаланиш имкониятини мустаҳкамлашга доимо интиладилар. Мазкур жараён иштирокчилари сифатида улар билимларга бўлган йўлдаги тўсиқларни бартараф қилиш чораларини излайдилар. Кўпгина кутубхона асоциациялари бутун дунё бўйича очик фойдаланишни қўллаб қувватлаш бўйича баёнотлар чиқариб, бу масалалар бўйича таянч декларацияларни имзоладилар.

Адабиётлар

Баёнот ва декларациялар

- Берлинская декларация по открытому доступу к знаниям в научных и гуманитарных дисциплинах (2003) (Berlin Declaration on Open Access to Knowledge in the Sciences and Humanities (2003) <http://oa.mpg.de/openaccess-berlin/berlindeclaration.html>

- Заявление в Бетезде о публикациях открытого доступа 2003 г. (Bethesda Statement on Open Access Publishing (2003) <http://www.earlham.edu/~peters/fos/bethesda.htm>

- Международная федерация библиотечных ассоциаций и учреждений (ИФЛА), заявления по открытому доступу к научной литературе и исследовательской документации (2003) (International Federation of Library Associations and Institutions (IFLA) Statement on Open Access to Scholarly Literature and Research Documentation (2003) <http://www.ifla.Org/V/cdoc/open-access04.html>

- Национальная политика открытого доступа для развивающихся стран (2006) (National Open Access Policy for Developing Countries (2006)

<http://scigate.ncsi.iisc.ernet.in/OAworkshop2006/presentations.htm>

- Позиция Научного совета Великобритании по вопросу улучшенного доступа к результатам научного исследования (2006) (Research Councils UK position on issue of improved access to search outputs (2006) <http://www.rcuk.ac.uk/research/outputs/access/default.htm>)
- Сальвадорская декларация «Открытый доступ: с точки зрения развивающегося мира» (Salvador Declaration on Open Access: the Developing World Perspective (2005) <http://www.icml9.org/meetings/openaccess/public/documents/declaration.htm>)

Хисоботлар

- Исследования Европейской комиссии по экономической технической эволюции европейского рынка научных публикаций (2006) (European Commission Study on the Economic and Technical Evolution of the Scientific Publication Markets in Europe (2006) http://ec.europa.eu/research/science-society/page_en.cfm?id=3184)
- Отчет о стратегическом подходе к научным публикациям Южной Африки (2006) (Report on a Strategic Approach to Research Publishing in South Africa (2006) http://www.assaf.co.za/strat_report.html)
- Научная публикация- бесплатна для всех? Комитет по науке и технике Палаты представителей парламента Великобритании (2004) (Scientific publications, free for all? Great Britain Parliament House of Commons Science and Technology Committee (2004) <http://www.publications.parliament.uk/pa/cm200304/cmselect/cmsctech/399/39902.htm>)

Ресурслар

- Директория журналов открытого доступа (Directory of Open Access Journals) <http://www.doaj.org/>
- Директория репозитариев открытого доступа (Directory of Open Access Repositories) <http://www.openoar.org>
- Электронная информация для библиотек (Открытый доступ) (Electronic Information for Libraries (eIFL.net) Open Access <http://www.eifl.net/openaccess/openaccess.html>) Открытый доступ (Open access) http://en.wikipedia.org/wiki/Open_access
- Коалиция научных публикаций и вузовских ресурсов (Scholarly Publishing and Academic Resources Coalition (SPARC) <http://www.arl.org/SPARC/>)
- Sherpa/RoMEO руководство по проблемам политики издательского копирайта и самоархивации (Sherpa/RoMEO guide to

Муаллифлик ҳуқуқи ва савдо шартномалари

Савдо шартномалари нима?

Савдо шартномалари (эркин савдо ҳақидаги шартномалар) иккита ва ундан ортиқ мамлакатлар ўртасидаги муайян шартномадир. Бозорда ўз маҳсулотлари ва хизматларини мазкур шартнома асосида бир бирларига тақдим этадилар. Шартномада иштирок этувчи мамлакатларнинг сони, географик қамрови асосида кўпёқлама, минтақавий ва икки тарафлама шартномалар бўлади. Одатда, савдо шартномалари ҳар хил турдаги хом ашёлар савдосида, шунингдек, хизматларни тақдим этишда, ўзаро стандартларни қабул қилишда, божхона ҳамкорлиги ва интеллектуал мулк ҳуқуқлари, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи борасида қабул қилинади.

Муаллифлик ҳуқуқи масалаларини савдо шартномасига киритилиши уларни кутубхоналар учун бўлган аҳамиятини оширади.

Амалиёт

Ҳар тарафлама савдо шартномалари: Бутунжаҳон савдо ташкилоти (БСТ) ва Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битим.

Ҳар томонлама савдо шартномалари 1995 йил ташкил этилган БСТ томонидан бошқарилади. 150 иштирокчи мамлакатлар томонидан имзоланиб, тегишли миллий парламентлар томонидан ратификация қилинган БСТ шартномалари ҳар томонлама савдо тизими сифатида машҳур бўлган тизимнинг ўзаги ҳисобланади. Бу шартномалар халқаро савдонинг юридик асосини ташкил этади. 1995 йилда TRIPS қисқартма ном билан машҳур бўлган (Trade Related Aspekts of Intellektual Property Rights) Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битим қабул қилинди. Биринчи мартаба интеллектуал мулк билан иш юритиш қоидалари ҳар томонлама савдо тизимига киритилди. TRIPS муаллифлик ҳуқуқи, патентлар, савдо белгилари сингари барча турдаги интеллектуал мулкка тегишлидир. Бироқ электрон ҳужжатлар копирайти масалаларига даҳли йўқдир (Бу масала муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги БИМТ шартномаси орқали ҳал этилади) [44].

TRIPS бир қатор муҳим ҳолатларни ўзида жамлайди:

- Интеллектуал мулк бўйича минимал стандартлар принципи киритилган. Ҳар бир интеллектуал мулк бўйича тузиладиган шартномалар янада юқори (TRIPS плюс) стандартларни ўз ичига олиши мумкин.

- Миллий қонунчиликлардаги кўп чекловлар бартараф этилган.
- Тортишувларни ҳал этувчи механизм шакллантирилган [45], [46].

- Турли савдо секторлари орқали “туташув бадаллари” имконияти киритилган [47].

Эркин савдо бўйича шартномалар интеллектуал мулк ҳуқуқига тегишли қуйидаги бандларни ўз ичига олиши мумкин:

- TRIPS томонидан ўрнатилган ҳимоя муддатини қўшимча 20 йилга узайтириш,

- Ҳимоянинг техник воситаларини чеклаб ўтишни ман этиш,

- Интернет хизматлар провайдерлари назоратидаги тармоқда муаллифлик ҳуқуқини бузилиш ҳолатларида жавобгарликнинг уларга юклатилиши,

- Ҳимояланган асарларни параллел импортини таъқиқлаш,

- TRIPS томонидан ўрнатилган ҳимоя ҳуқуқлари бўйича мажбуриятни мустаҳкамлаш,

- Интернет шартномалар бўйича БИМТ шартларини бажариш,

- Қоида бузиш ҳолатлари аниқланганда, қоида бузувчи тараф ўзининг фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини бузилмаганини исботлаши даркор.

Келтирилган шартларнинг ҳар бири кутубхоналарга негатив таъсир кўрсатиши таъкидланиб, бу билан кутубхоналарни барча келишувларда иштирок этишига чақиради.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Халқаро савдо битимлари шартлари муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги миллий қонунчиликда акс этган ҳолда кутубхоналар ва кутубхона хизматини ташкил этишга муҳим таъсир ўтказди. Халқаро шартномаларда, кейин эса миллий қонунчилик, икки томонлама шартномаларда кутубхона хизмати учун муҳим бўлган анъанавий ҳуқуқлар баланси ва чекловлари бўйича янги мажбуриятлар, ҳимоя тузимини мустаҳкамлайди. Бу эса савдо бўйича барча келишувлар жараёнида кутубхоналар муҳим иштирокчи бўлишлари, маслаҳат беришлари лозимлигини англатади.

Бошқа сиёсат тармоқларидан фарқли ўлароқ савдо келишувлари ёпиқ эшиклар ортида, жамоатчилик эътиборидан четда ўтказилади. Кўп ҳолатларда келишувлар муаллифлик ҳуқуқи борасида билими бўлмаган расмий вакиллар томонидан олиб борилади. Лекин кутубхоначи ва профессионал кутубхоначилик ассоциациялар ходимларининг вазифаси савдо келишувлари бориши ҳақида ахборотга эга бўлишдан иборатдир. Копирайтга тегишли барча билимлардан фойдаланиш, таълим, илмий изланишларга оид бандлар самарасини олдиндан кўра билиб, негатив таъсирларни юмшатувчи таклифлар бера олиши лозим.

Адабиётлар

- Соглашение о торговых аспектах прав интеллектуальной собственности (TRIPS) ВТО 1995 г. (Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPs), WTO 1995) http://www.wto.org/english/tratop_e/trips_e/trips_e.htm
- Каким образом международные торговые соглашения сказываются на библиотеках. Позиция Европейского бюро библиотечно-информационных ассоциаций по международным торговым соглашениям, 2005. (How International Trade Agreements affect Libraries (EBLIDA Position Paper on International Trade Agreements), EBLIDA 2005)
- http://www.eblida.org/position/InternationalTradeAgreements_Position_September05.htm Позиция ИФЛА по Всемирной торговой ассоциации, ИФЛА 2001 (IFLA Position on The World Trade Organization, IFLA 2001 <http://www.ifla.org/III/clm/pl/wto-ifla.htm>)
- Многосторонние соглашения и мир «TRIPSплюс»: Всемирная организация интеллектуальной собственности ВОИС, отчеты по проблемам TRIPS, 2003 г. (Multilateral agreements and a TRIPS-plus world: the World Intellectual Property Organization (WIPO), TRIPS Issues Papers 3 (2003) by Sisule Musungu and Graham Dutfield, QUNO)
- Материалы по TRIPS и развитию. UNCTAD-ICTSD проект по правам интеллектуальной собственности и устойчивому развитию 2005 г. (Resource Book on TRIPS and Development. UNCTAD-ICTSD Project on IPRs and Sustainable Development (2005), Cambridge University Press)
- Подсказки по TRIPS – руководство для библиотеки библиотекарей по соглашению о торговых аспектах прав интеллектуальной собственности (TRIPS), ИФЛА 2002 г. (Tips for TRIPS - A Guide for Libraries and Librarians to the Agreement on Trade-Related Aspects of Intellectual Property Rights (TRIPS), IFLA 2002) <http://www.ifla.org/III/clm/pl/tt-e.htm>
- «Все, что не происходит в ВТО» (Everything that's not happening at the WTO www.bilaterals.org)

Халқаро сиёсат масалалари: БИМТ ривожлантириш дастури

Халқаро сиёсат масалалари

Муаллифлик ҳуқуқи ўзининг хусусиятига кўра халқаро аҳамият касб этади. Муаллифлик ҳуқуқи борасидаги кўпгина миллий қонунлар бу борадаги халқаро шартномага асосланади. Муаллифлик ҳуқуқини халқаро жиҳатларига жалб этилган иккита асосий ташкилот (Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти (БСТ) ва Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилот (БИМТ)) Женевада жойлашган.

Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти муаллифлик ҳуқуқини халқаро савдо шартномалари тизимига киритишга олиб келиб, ҳар томонлама савдо шартномалари тартибини мустаҳкамлаш ва бошқарувини амалга оширади. 2005 йил декабрига келиб 149 та мамлакат Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб, TRIPSда иштирок этдилар. Унча ривожланмаган мамлакатлар 2013 йил июлигача TRIPS қўйган чекловлардан озод қилинган.

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти (БИМТ) муаллифлик ҳуқуқи бўйича учта шартномани бошқаради. Булар:

1. 1886 йилги адабий ва бадиий асарлар ҳимояси ҳақидаги Берн конвенцияси. (2006 йил октябрига келиб 162 та мамлакат иштирок этмоқда)

2. 1996 йилги Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилот (БИМТ) муаллифлик ҳуқуқи шартномаси. (2006 йил октябрига келиб 60 та мамлакат иштирок этмоқда)

3. 1996 йилги Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотнинг (БИМТ) фонограмма ва ижролар борасидаги шартномаси. (2006 йил октябрига келиб, 58 та мамлакат иштирок этмоқда)[56].

Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти ҳақида

Сўнгги йилларда Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилотига (БИМТ) фаолиятининг роли ва натижалари кенг омманинг эътиборига тушди. 1974 йил БИМТ Бирлашган Миллатлар ташкилотининг махсус агентлигига айланиб, интеллектуал мулкни ривожлантириш ва инновациялар муаммосини ишлаб чиқиш бўйича БИМТ мандатини қўлга киритди [57].

2006-2007 йилларга мўлжалланган дастурда БИМТнинг стратегик мақсади интеллектуал мулк маданиятини илгари суришдир. БИМТни молиялаштириш БИМТ га аъзо мамлакатлар бадалига боғлиқ эмас. Ўз фойдасининг 90%ини мазкур ташкилот ўзи шуғулланадиган патентлар регистрацияси тўловларидан олади. Бир сўз билан айтганда бу ташкилот интеллектуал мулк ҳимояси ҳуқуқини кенгайтиришга қизиқиш билдирувчи ҳуқуқ эгалари томонидан молиялаштирилади.

БИМТ ривожлантириш дастури

2004 йилги БИМТнинг бош ассамблеясида Бразилия ва Аргентина БИМТ учун “Ривожлантириш дастури” ишлаб чиқиш борасида тарихий таклиф киритдилар. Мазкур ташаббусга “Ривожлантириш бўйича дўстлар” гуруҳини ташкил этган Боливия, Куба, Доминикан Республикаси, Эквадор, Миср, Эрон, Кения, Перу, Сьерра Леоне, Жанубий Африка, Танзания, Венесуэла каби мамлакатлар қўшилди. Ривожлантириш дастури БИМТни йўналишини ўзгартириб, унинг

дастлабки мақсадларига қайтаришга, яъни интеллектуал мулкни қўллаб қувватлашга эмас, балки интеллектуал ижодий лаёқатни қўллашга йўналтирилди. Асосий мақсад билимлардан кенг фойдаланиш йўлларини таъминлаш ва ривожлантиришни қўллаб қувватлаш бўлиши лозимдир.

Кутубхоналар учун сиёсий масалалар

Халқаро кутубхоначилик ҳамжамияти БИМТ нинг “Ривожлантириш бўйича дўстлар” дастурини қўллаб қувватлайди ва “Билимлардан фойдаланиш томон йўл” ҳаракатида фаол иштирок этадилар. Кутубхоналар Ассоциацияси ва Ташкилотларининг Халқаро Федерацияси (ИФЛА), кутубхоналар учун электрон ахборот (eIFL.net) Нобель мукофоти соҳиблари, тиббиёт хизмати, очик дастурий таъминот яратувчилари, арбоблари томонидан қабул қилинган БИМТ келажаги ҳақидаги Женева декларациясини биринчилардан бўлиб имзоладилар [61]. ИФЛА ўзининг кейинги баёнотларида БИМТ нинг ҳуқуқ эгалари ва фойдаланувчилар ўртасидаги мутаносибликни сақлаш ва ушлаб туришга қодир эмасликда танқид қилди [62].

ИФЛА ва eIFL.net “Ривожлантириш дастури” учрашувларида ҳукумат вакиллари ахборотлашган жамиятда кутубхоналарнинг тутган ўрни, шунингдек, кутубхона хизматини таъминлашда муаллифлик ҳуқуқининг ролини тушунтирдилар.

Кутубхоналарга таъсир ўтказувчи муаммолар:

- Муаллифлик ҳуқуқидаги анъанавий истиснолар ва чекларни электрон ҳужжатларга қўллаш борасидаги мураккабликлар.
- Ҳимоя чораларини кучайтирилиши, ижтимоий мулк ҳисобланиб, таълимни таъминлаш ва ижодкорликни қўллаб қувватлашга зарур бўлган ресурсларнинг камайишига олиб келади.
- Электрон ҳужжатларга тааллуқли бўлган янги ҳуқуқ гуруҳлари, фойдаланишга монелик қилиб, тўсиқ бўлади.
- Ҳимоянинг техник воситалари, кутубхоналарга қонуний истиснолардан электрон форматдаги маданий меросни сақлаш мақсадида фойдаланишга йўл қўймайди.
- Контракт шартларининг адолат ёки адолатсизлик билан муҳокама этилиб, кутубхоналарнинг қонуний ҳуқуқларини чегаралаган ҳолда электрон ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини бошқарилиши интилиш.

Билимлардан эркин, очик фойдаланишни таъминлаш кутубхоналарнинг олий мақсадидир. Кутубхоначилар, профессионал кутубхона асассациялари ва кутубхоналар ҳамжамиятлари вакиллари билан биргаликда фаолият юритиб, халқаро даражадаги мунозараларнинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Кутубхоналар овози халқаро майдон ва миллий бирлашмалар томонидан эътиборга олинishi муҳимдир.

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёноتلар

Комитет ИФЛА по авторскому праву и другим юридическим вопросам (IFLA Committee on Copyright and other Legal Matters (CLM) <http://www.ifla.org/III/clm/copyr.htm> Электронная информация для библиотек (Electronic Information for Libraries (eIFL.net) http://www.eifl.net/services/wipo_da.html <http://www.eifl.net/services/a2k.html>

Адабиётлар

- Многосторонние соглашения и мир «TRIPS плюс»: Всемирная организация интеллектуальной собственности. Отчет по проблемам TRIPS №3 (Multilateral agreements and a TRIPS-plus world: the World Intellectual Property Organization (WIPO), TRIPS Issues Papers 3 (2003) by Sisule F Musungu and Graham Dutfield, QUNO)
- Заново обдумывая инновации, развитие и интеллектуальная собственность в ООН: ВОИС и вне ее. Отчет по проблемам TRIPS №5 (Rethinking innovation, development and intellectual property in the UN: WIPO and beyond, TRIPS Issues Papers 5 (2005) by Sisule F Musungu)
- Возрождение третьего мира, выпуск 171-172. Гуманизируя интеллектуальную собственность: развивающиеся страны выдвигают новую инициативу (Third World Resurgence, Issue 171-172 Humanising Intellectual Property: developing countries launch new initiative)

Миллий сиёсат: Адолатли муаллифлик ҳуқуқи ҳимояси

Муаллифлик ҳуқуқи борасидаги кўпгина миллий қонунлар копирайт масалалари бўйича халқаро келишувларга асосланган. Ҳукумат халқаро шартнома имзоласа, мазкур давлат муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунчилигига шартнома матнида ақс этган, халқаро мажбуриятлардан келиб чиқувчи бир қатор чекловларни ҳаётга тадбиқ этади.

Кўпгина, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлар иккита асосий шартномага амал қилишлари шарт:

1. 162 та мамлакат муаллифлик ҳуқуқи бўйича халқаро қонунчилик пойдевори ҳисобланган Берн конвенциясига бирлашди. Баъзи мамлакатлар, масалан, Норвегия Берн конвенциясига 1896 йил бирлашган бўлса, АҚШ эса 1989 йили қўшилди.

2. 149 та мамлакат Бутунжаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиб, 1995 йилги “Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо аспекти бўйича битим” (Trade Related Aspekts of Intellektual Property Rights) шартларига бўйсунушга мажбур. Бутунжаҳон Савдо Ташкилоти қатнашчиларнинг ривожланаётган ва кам ривожланган мамлакатларнинг TRIPSга қўшилиш муддати 2013 йил июлигача узайтирилди.

Янги шартномаларда ёритилган барча мажбуриятлар шуни тақозо қиладики, давлатлар муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги ўз миллий

қонунларига тузатишлар киритишлари лозим. Бу эса кўпгина мамлакатлар, айниқса ривожланаётган ва ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар ҳозирда муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонунларини ўзгартириш жараёнидалар.

Кутубхоначилар жараён иштирокчилари сифатида

Муаллифлик ҳуқуқи қонунлари инсон билимлари маҳсулоти ва ахборотга эга бўлиш, унинг назорати ва оммалашуви усулини бошқаришга йўналтирилган. Кутубхоналар инсонларга ахборотни топишда, улардан фойдаланишда ёрдам беради. Муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги қонун кутубхона хизматини ташкил этишга таъсир кўрсатади, чунки у ҳар бир мамлакатда кадрлар тайёрлаш борасида таълимий ресурслар, илмий тадқиқот материалларидан фойдаланиш имкониятини бошқаради. Кутубхоначилар ўзларининг нуқтаи назарларини изоҳлаган ҳолда маърузалар тайёрлашлари, киритилиши лозим бўлган ўзгартиришлар борасида таклифлар тайёрлашлари лозим.

Кутубхоначилар маслаҳатчилар сифатида

Ҳар куни кутубхоначилар ахборот билан ишлайдилар, талабалар, профессор-ўқитувчилар ва кенг омманинг талабларини қондирадилар. Кутубхоначилар ахборот билан техника тўқнашувида фаолият юритиб, билимларга бўлган жамият эҳтиёжини теран ҳис этадилар. Муаллифлик ҳуқуқи борасидаги маслаҳатлардан ташқари, масалан, нашриётларга очик фойдаланиш борасида, муаллифи номаълум асарлар, ахборот дунёсидаги ўзгаришлар жараёнида юзага келувчи муаммолар ҳақида сиёсатчиларга, қонунчиларга турдош масалалар бўйича амалий маслаҳатлар беради.

Кутубхоначилар иттифоқчилар сифатида

Кутубхоналарнинг бирлашиши ва кооперацияси иш усулларининг бир қисми ҳисобланади. Ҳамфикр гуруҳлар билан умумий мақсадлар йўлида стратегик иттифоқ тузиш ҳар томонлама муваффақият келтиради. Бундай гуруҳларга электрон кутубхона яратувчилари, илмий ҳамжамиятлар, ногиронлар, истеъмолчилар, очик дастурий таъмин тарафдорлари сингари гуруҳлар ҳамжамиятини мисол қилиш мумкин. Ечилиши лозим бўлган муаммолар кўламига қараб турли иттифоқчиларни топиш мумкин.

Халқаро кутубхоначилик ҳамжамияти томонидан мадад олиш мумкин. Муаллифлик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлар бўйича ИФЛА қўмитаси ўзининг таркибига 20 та мамлакат вакилларини олган. “Кутубхоналар учун электрон ахборот” консорциуми аъзолари муаллифлик ҳуқуқи дастури доирасида ёрдам кўрсатишга тайёрлар.

(IFLA Committee on Copyright and other Legal Matters (CLM)
<http://www.ifla.org/III/clm/copyr.htm>)

Кутубхоначилик нуқтаи назаридан баёноتلар

Комитет ИФЛА по авторскому праву и другим юридическим вопросам (IFLA Committee on Copyright and other Legal Matters (CLM)
<http://www.ifla.org/III/clm/copyr.htm> Электронная информация для библиотек (Electronic Information for Libraries (eIFL.net) <http://www.eifl.net>

«КУТУБХОНАЧИЛАР УЧУН МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ» МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ КУРСИ

Мақсади

“Кутубхоначилар учун муаллифлик ҳуқуқи” масофавий таълим курси – бу Гарвард университети қошидаги “Интернет ва жамият учун Беркман маркази” (Berkman Center for Internet & Society) ва “Кутубхоналар учун электрон ахборот” нодавлат Консорциумининг (*Electronic Information for Libraries, EIFL*) ҳамкорликдаги лойиҳаси. EIFLга Африка, Осиё ва Европадан 50 мамлакат кутубхоналари кирган. Лойиҳанинг мақсади ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатлар кутубхоначиларини муаллифлик ҳуқуқига доир ахборотлар билан таъминлашдир. EIFL, аввало, куйидагилар ҳақида кутубхоначиларни ахборот билан таъминлашга интилади:

- муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликнинг умумий масалалари;
- кўпроқ кутубхоналарга тааллуқли бўлган муаллифлик ҳуқуқи жиҳатлари;
- муаллифлик ҳуқуқига оид қонунчиликни тарғиб қилиш ва такомиллаштириш жараёнида кутубхоначилар иштироқи қандай бўлиши ҳақидаги масалалар.

Курсдан қандай фойдаланилади.

Биринчидан, материаллар мустақил ўқиб билим олишга асосланган. Кутубхоначи барча модулларни бирин-кетин ўқиб чиқиши ёки ўзининг диққатини уни кўпроқ қизиқтирган модулларга қаратиши мумкин.

Иккинчидан, ўқув материалларидан синфларда ташкил этилган ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин. Бу ҳолда ўқитувчи материалларнинг ўқиш суратини ўрнатади ва муҳокама учун мавзуларни танлайди. Ўқитувчи модуллар таркибига кирган қизиқарли топшириқлардан ёки ўзи тузган қўшимча топшириқлардан фойдаланиши мумкин.

Ниҳоят учинчидан, ўқув материаллари масофавий таълимда қўлланиши мумкин. Ўқитувчи саволлар жўнатади, кутубхоначилар эса масофада туриб ўз компьютерларида материалларни ўрганиб жавоб берадилар. Масофавий таълим жараёнига ёрдам сифатида тармоқда музокаралар олиб бориш учун Беркман маркази томонидан яратилган *Rotisserie* номли дастурий восита таклиф этилади. Ушбу дастурий восита ҳар бир модулга уланган. Бу воситадан фойдаланган ҳолда ўрганувчилар топшириқларни ўзаро муҳокама қилишлари мумкин. Бундан ташқари ўқитувчининг ўзи муҳокама учун саволларни ташкил этиш имконияти ҳам яратилган.

Даражалар

Барча фойдланувчилар ҳам ҳамма курс материалларини ўқиб ўрганишга вақт ва қизиқиш, хоҳиш топа олмайдилар. Буни ҳисобга олган ҳолда материаллар шундай тайёрланган ва келтирилган-ки, талаба (ўрганувчи) ҳам ўқитувчи ҳам ўзига муайян мавзунини керакли даражадаги батафсилликда ўрганади. Бунинг учун материаллар 5 даражали гуруҳларга ажратилган:

- Биринчи даража (ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда кутубхоначилар фаолиятига муаллифлик ҳуқуқи қонунининг қайдай таъсир этиши ҳақидаги таянч (илк) билимларга эга бўлишни истовчи фойдланувчилар учун): 1-, 3 – 7- модулларни ўқинг. (Бошқача айтганда, Кириш ва 2-, 8- ва 9- модулларни ташлаб кетинг).

- Иккинчи даража (муаллифлик ҳуқуқи қонунчилиги ҳамда муаллифлик ҳуқуқнинг халқаро нормалари асосини ташкил этувчи назарий асослар билан ҳам қизиқувчи фойдаланувчилар учун): Кириш ва барча модулларни ўқинг.

